

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ  
«ИЖТИМОЙ ФАНЛАР» КАФЕДРАСИ**

# **С О Ц И О Л О Г И Я**

**(Маърузалар матни)**

**Самарқанд-2014**

**СОЦИОЛОГИЯ.**Маърузалар матни. Самарқанд давлат чет тиллар  
институти. Самарқанд. 2014. 128 - бет.

Тузувчилар:

Бозоров Мустафо Жабборович, доцент  
Долиев Салоҳиддин Собирович, доцент

Тақризчи:

Мардонов Равшан Субҳонович, доцент

## СЎЗ БОШИ

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар содир бўлаётганлиги туфайли янги ижтимоий институтлар ва муносабатлар пайдо бўлиб, бу социологиянинг мустақил ижтимоий фан сифатида ривожланиш имкониятини юзага келтирди. Социологиянинг ривожланиши ва такомил жамиятни чуқур ўрганиш, унинг олдида турган мураккаб муаммоларни самарали ечишга имкон беради. Социология бутун жамият, шунингдек унинг ижтимоий тизимини ташкил этадиган таркибий қисмларнинг ривожланиш ва мавжуд бўлиши, турли социал жараёнлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва кишиларнинг социал хулқ-атвори қонуниятларини ўрганувчи фандир. Мустақиллик йилларида таълимнинг олий ва ўрта махсус тизимида ўқув жараёни самарадорлигини ошириш ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш учун замонавий педагогик технологияларни яратиш ва улардан малакали фойдаланиш мақсадида ўқув-услубий қўлланмалар, кўргазмали материаллар тайёрлаш муҳимдир. Уларни ўқув жараёнига тадбиқ қилишдан мақсад талабаларда социология фани мазмуни ва моҳияти, социология мутахассислигининг жамиятдаги ўрни, хусусиятлари ва келажаги тўғрисидаги тасаввурларни пайдо қилиш, ижтимоий ҳаёт муаммолари ечимига мос келадиган таклиф ва тавсиялар механизминини ишлаб чиқишда мазкур фаннинг роли ҳақида билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш, талабаларга жамият тараққиётидаги ижтимоий муаммоларни социологик нуқтаи назардан тушунтириш ҳамда, социологик таҳлил ва тавсияномалар яратиш малакасини шакллантиришга кўмаклашишдан иборатдир. И.А.Каримов жамият тараққиётида таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида қуйидаги фикрларни билдирган: “Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқдир.

Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш - таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади. **Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди - бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси”<sup>1</sup>.**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан “Социология” фани бўйича тасдиқланган намунавий ўқув дастури (2011 йил 17-сентябрдаги 392-сонли буйруқ)асосида тайёрланган ушбу ўқув-услубий қўлланма ўқув режада белгиланган 18 соат маъруза мавзуларини камраб олган. Бу ўқув қўлланмада социологиянинг фан сифатида

шаклланиши, унинг таркибий тузилиши, жамиятни яхлит тизим тариқасида таҳлил қилиш, ижтимоий ҳаётда социал институтлар роли, девиант хулқ-атвор ва социал назорат масалалари, жамиятнинг социал структураси, стратификацион жараёнлар, социал муносабатлар, ижтимоий тараққиёт тенденцияларини ифодаладиган мавзулар ёритилди, эмпирик социологик тадқиқотларни олиб боришга бағишланган мавзу тавсия қилинди. Бунда эмпирик социологияда кенг ўрин олган социологик маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш ҳамда таҳлил қилиш услубларига ҳам эътибор қаратилди. Қўлланма талабаларда жамиятда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ходисаларни тўғри тавсифлай олиш, муайян ходиса ва воқеаларга кишиларнинг шахсий муносабатларини ўрганишга қаратилган тадқиқотларда иштирок этиш, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларда ўтказилган амалий социологик тадқиқотлар натижаларидан фойдалана олиш малакасининг ўсишига кўмак беради. Унга назорат саволлари, мустақил иш мавзулари, тест саволлари, топшириқлар киритилган, адабиётлар рўйхати киритилган.

Социология фанидан тайёрланган ўқув қўлланма маъруза ва амалий машғулотлар олиб борадиган проф-ўқитувчиларга ва талабаларга мўлжалланган.

<sup>1</sup> И. Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. Тошкент. “Маънавият”. 2008. 23-бет.

## **1-мавзу. Социология фан сифатида. Социология структураси**

**Режа:**

- 1.Социология фанининг вужудга келишида ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-назарий шарт-шароитлар.**
- 2.Антик даврнинг қомусий олимлари ва Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий таълимотлари (Платон, Аристотель, Форобий, Ибн Халдун ва бошқалар) замонавий социологиянинг муҳим манбалари сифатида.**
- 3.Ғарб социологияси классикларининг ижодида социологиянинг объекти ва предмети муаммоси.**
- 4.Социологиянинг бошқа фанлар билан муносабати ва улар тизимидаги ўзига хос ўрни. Социология структураси.**

Социология – яхлит тизим сифатидаги жамият ва алоҳида ижтимоий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, жамият тузилмалари ва уларда юз берадиган ижтимоий жараёнларни ўрганувчи фандир. Социология ижтимоий тузумларнинг функционаллашуви ва ривожланиши тўғрисидаги, умумий ва ўзига хос ижтимоий қонун ва қонуниятлар, уларнинг шахс, ижтимоий бирликлар, синфлар, халқлар фаолиятида юзага келиши ва амал қилиши шаклларини ўрганади. Социология бошқа ижтимоий фанларга ўхшаб маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш, назарияларни исботлар ва мантикий далиллар асосида баҳолаш усулларига эга бўлгани учун ҳам фан ҳисобланади. Социологиянинг фаолият майдони фавқулодда кенг, у кўчада индивидларнинг тасодифий тўқнашувларидан то глобал ижтимоий жараёнларни тадқиқ қилишгача бўлган соҳаларни қамраб олади.

Социологиянинг мустақил фан сифатида шаклланишини қуйидаги шарт-шароитлар билан боғлаш мумкин:

- 1) ўз рационаллигига эга бўлган, шунинг учун ҳам, сиёсий-институционал тартиби мавжуд бўлган давлатга бўйсунармайдиган, кўпинча унга қарама-қарши турувчи ва мустақил ҳисобланган табиий-ижтимоий тартиб ғояси билан;
- 2) бозор иқтисодиётининг ривожланиши билан;
- 3) нарсалар ва ҳодисаларни улар ривожланишида, уларни белгиловчи аниқ тарихий шарт-шароит билан алоқадорлигида билиш ғояси билан;
- 4) фан ва илмий прогресс замонавий концепциясининг ишлаб чиқиши билан.

Социология жамиятнинг мавжуд таркибий тузилмалари моҳияти, уларнинг ҳаракат тенденциялари ва тараққиёт қонуниятларини ижтимоий ташкил этилган тизимда тадқиқ этади. Шунингдек, социология асосий эътиборни жамиятни ҳар хил ижтимоий ва ҳудудий тизим босқичларида вужудга келадиган кенг маънодаги инсонлараро муносабатлари ва жамоатчилик фикрини ўрганишга қаратувчи фандир. Социология фани жамиятнинг турли соҳалари иқтисодий,

ижтимоий, сиёсий, маънавий-ахлоқий ва бошқа тармоқларида тадқиқотлар ўтказилади.

«Социология» атамаси француз тилида «жамиятни ва ижтимоий муносабатларни илмий ўрганиш» маъносини англатади. Аммо, бу таъриф ушбу фан нимани ўрганиши тўғрисида фақат умумий тасаввур беради. Европада салкам бир ярим асрлик ривожланиш давомида социология турли илмий мактаб ва йўналишлар тарафдорлари орасида кучли тўқнашувлардан иборат қийин йўлни босиб ўтди. Лекин бу турлича ёндашувларнинг мақсади битта - инсонни, уни ўраб турган ижтимоий борлиқни, унинг ижтимоий фикрлаш маданиятини чуқурроқ тушунишдан иборатдир. Асли келиб чиқиши рус бўлган, аммо Америкада ижод қилган таниқли олим П.Сорокин таъбири бўйича, социологияни «ўзига мос муҳитда яшовчи одамларнинг хулқини ўрганувчи», фан, деб таърифлаш мумкин. Шунинг учун ҳам социология предмети аниқлаш масаласи унинг объектини аниқлаш билан боғлиқдир. Социологиянинг объекти инсоннинг турли ҳолатдаги хулқ-атвори бўлса, унинг предмети меҳнат, сиёсат ва бошқа соҳалардаги хулқ-атворларнинг механизмларини ўрганишдир.

Жамият ҳаётидаги мавжуд ижтимоий ўзаро алоқадорлик, ижтимоий муносабатлар, уларнинг юзага келиши ва оқибатларини социологик тадқиқот объекти сифатида қабул қилиш мумкин.

Социологиянинг предмети тўғрисида машҳур социологлар қуйидаги фикрларни билдирганлар. Немис олими М.Вебернинг фикрича, «субъектив мазмунга эга бўлган индивид ёки индивидлар феъл-атвори таркиб топган ҳаракат социологиянинг предмети ташкил этади». Э.Дюркгейм социологиянинг предмети-ижтимоий маълумотлардан иборат, деб билган. Социолог П.Сорокин «Жамият ёки ижтимоий ҳодисалар фаннинг предмети ташкил этади», деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларни ҳулоса қилиб айтганда социологиянинг объекти ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий институтлар, ижтимоий муносабатлар деб таърифлаш мумкин.

Ўзбекистон шароитига мослаб, замонавий социологияда қуйидаги ўрганиш объектларини ажратиш мумкин:

I. Ижтимоий босқич: 1.Жамият; 2.Ижтимоий қатлам; 3.Ижтимоий гуруҳ; 4.Маҳалла; 5.Оила; 6.Шахс.

II. Миллий босқич: 1.Миллат; 2.Элат; 3.Этник гуруҳ; 4.Авлод; 5.Миллий оила; 6.Индивид.

III. Тармоқлар босқичи: 1.Иқтисодиёт; 2.Сиёсат; 3.Маданият; 4.Фан; 5.Таълим; 6.Маънавият ва маърифат; 7.Экология ва бошқалар.

IV. Ҳудудий босқич: 1.Минтақа; 2.Мамлакат; 3.Вилоят; 4.Шаҳар; 5.Туман; 6.Қишлоқ; 7.Маҳалла.

Мамлакатимизда социологиянинг роли ортиб бормоқда, бу жараён янги ижтимоий-сиёсий ва маънавий иқлимнинг шаклланиши билан боғлиқдир.

Ижтимоий мавқе шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ифодалайди. Одамларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва бажарадиган вазифаларининг мазмунини уларнинг мазкур ташкилотларда эгаллаб турган ижтимоий мавқеларини

аниқлаб беради. Ўз навбатида, одамларнинг конкрет ҳаракатлари жамланмаси социологияда «ижтимоий роль» атамаси билан ифодаланади. Ижтимоий роль ижтимоий мавқе (статус) нинг амал қилишини ифодалайди. Зеро, жамиятдаги инсон хулқи, ижтимоий ташкилотлар қабул қилган ижтимоий нормалар орқали бошқарилади. Булар нафақат жамиятда қабул қилинган қонунлар, анъаналар, балки, махсус норматив топшириқлар, яъни у ёки бу жамоада қайд қилинган низомларда, буйруқларда ифодаланган бўлиши мумкин. Кўрсатилган учала атама-мавқе, роль ва норма социологиянинг асосий тушунчаларидан ҳисобланади, улар ёрдамида ҳар қандай шахс ёки ижтимоий ташкилотларнинг хусусиятларига чизги бериш мумкин.

Даставвал социология нафақат ижтимоий, балки табиий фанлар билимларини мужассам қилувчи умумий фан деб тушунилган. Бу ёндашув XIX аср Фарбий Европа социологларининг ишларида етакчи эди. Уларнинг фикрлари бўйича социология учун асос бўлувчи фан ижтимоий ҳаёт негизларини аниқлаб берувчи ва инсон табиатининг ўзгармас хоссалари тўғрисида билим берувчи биология фани ҳисобланади. Ўша давр олимларининг нуқтаи назари бўйича, ижтимоий ҳаётнинг ранг-баранглиги - одамларнинг жисмоний, ақлий, маънавий ва сиёсий фарқланишидан юзага келади. Кейинчалик француз социологи Э. Дюркгейм «ижтимоий соҳалар ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турган фактлардан иборат, - деб таъкидлаган эди. Бундай ўзига хослик сезиш, фикрлаш ҳамда фаолият усулларида намоён бўлиб, индивид ихтиёрига ҳамиша ҳам бўйсинавермайди». Машҳур немис олими Макс Вебер онгни ижтимоий ҳаракатлар омили ва маҳсули, деб таърифлаган. У илмий изланишларни маданият(уларга социологияни ҳам киритган) ва табиат ҳақидаги фанларга ажратган. М.Вебернинг фикрича, инсоннинг онгли мавжудот эканлигини на тарихчи, на социолог ва на иқтисодчи инкор эта олади. Ижтимоий фанлар объектининг табиат ҳодисаларидан фарқи мавжуд. «Социология... шундай фанки, — деб ёзган эди М.Вебер, - у ҳар қандай ижтимоий ҳаракатнинг моҳиятини англашга интилади ва шу йўналишда унинг белгилловчи омилларини тушунтириб беради...»

Машҳур америкалик социолог Т.Парсонс таъкидлаган эдики, социология бошқа ижтимоий фанлардан фарқли ўлароқ, «бутун жамиятга, ижтимоий тизимларнинг бирлашувига тааллуқли бўлган тизим ва жараёнларни ўрганади». Зеро, социологни иқтисодиётдаги фойда маромлари қизиқтирмайди, балки уни бутун жамиятда пул қандай роль ўйнайди, ёки ижтимоий жараёнларни бошқаришда пулнинг ўрни қанчалик аҳамиятга эга эканлиги қизиқтиради. Социология шахсни жамиятда бажараётган фаолияти, ўзлаштирилган мақомларини ижтимоий тизим жараёнлари билан чамбарчас боғлиқликда ўрганади.

Француз файласуфи Огюст Конт 1839 йилда илк бор «Социология» атамасини қўллади. Унинг фикрича, социология бир бутун организм деб ҳисобланган жамият ҳақидаги билимларни бирлаштириши ва уларни далилларни ўрганиш орқали илмий асослаши лозим.

Ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашуви ва илмий билимнинг табақаланиши социологиянинг фалсафадан ажралиб, мустақил фанга айланишини муқаррар қилиб қўяди. Социология ижтимоий муносабатларни назарий таҳлил қилишни

ижтимоий (социал) далилларни эмпирик тадқиқ қилиш билан қўшиб олиб борувчи мустақил фанга айланди. ХУШ асрда вужудга келган турли ижтимоий қарашлар ижтимоий ҳаёт таркибини, шу билан ижтимоий ҳодисаларнинг, гуруҳ ва индивиднинг ўзаро алоқадорлигини назарий таҳлил қилишни ўз ичига олади.

ХIX асрнинг 20-йилларида жаҳон социологиясининг маркази Ғарбий Европадан АҚШга кўчди ва унинг фаолияти расмий тус олди. АҚШда социология фани олий ўқув юртларида ўрганила бошланди. 1892-йилда Чикаго университетида биринчи социология кафедраси ва факултети иш бошлади. 1901-йилдан бошлаб олий ўқув юртларида социология фан сифатида ўқитилди. АҚШдаги социологиянинг тараққиёти янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ўтиш жараёнини тезлаштирди.

Шундай қилиб, социология фани атиги бир аср муқаддам фалсафадан ажралиб, мустақил фан сифатида тараққий этган бўлса-да, уларнинг алоқаси узвийдир. Фалсафа социологиянинг назарий-услубий асосини ташкил этади.

Контнинг изоҳича, фалсафа ва социологияни позитив деб аташнинг сабаби, улар фан маълумотларига эмас, балки илмий кузатувларга асосланади. Позитивизмда энг асосий талаб кераксиз тушунчалардан воз кечиш ҳамда табиий-илмий қарашларни исботловчи «позитив» (ижобий) ижтимоий назарияни яратишдир. Конт табиатни билиш тарихини 3 босқичга бўлди: бу босқичлардан ҳар бири дунёқарашнинг муайян турига: 1) теологик-ҳарбий ҳукмронлик; 2) метафизик-феодал ҳукмронлик; 3) позитив-саноат цивилизацияси турига мос келади. Биринчи, теологик паллада инсон ақли ҳодисаларни, илоҳий кучларнинг таъсири билан изоҳлашга уринган. Контнинг фикрича, метафизик дунёқараш теологик дунёқарашнинг ўзгарган шаклидир. Метафизик дунёқарашга кўра барча ҳодисаларнинг асосини абстракт метафизик моҳиятлар ташкил этади. Теологик ва метафизик дунёқараш ўрнига «позитив метод» келади ва у мутлақ билимлардан (материализм ва обектив идеализм) воз кечишни талаб қилади. Унинг фикрига кўра, социологиянинг предмети - бу ижтимоий ҳодисаларнинг моҳиятидир. Жамият тўғрисидаги фанлар табиий фанлар методологиясига таяниши керак: олимлар кузатув, қиёслаш, тарихий, генетик усулларни қўллай билиши лозим. Ушбу усуллар ичида тарихий ва қиёсий усуллар кенг тарқалган. Кузатув ва эксперимент усуллари эса XX асрга келиб қўлланила бошланди.

Антик давр социологиясининг илк намуналари Кичик Осиёнинг ғарбий соҳиллари-Иония ўлкаси шаҳарларида яшовчи греклар томонидан дунёга келтирилди. Бу гуруҳга милoddан аввалги XII асрда яшаб ижод этган Гомердан бошлаб милoddан аввалги VI асргача амал қилган Милет (кичик Осиёдаги энг йирик шаҳар) мактаби вакиллари (Фалес, Анаксимандр, Анаксимен) ҳамда Грециянинг турли шаҳарларида яшаб фаолият юритган Ксенофанд, Пифагорнинг социологик қарашларини киритиш мумкин.

Милет философларининг тўнғич вакили Фалеснинг фикрича, жамият ва табиатнинг асосини дастлабки таркибий модда ҳисобланган сув омили ташкил этади. Сув туфайли таркиб топган ҳамма нарсада жон мавжуддир. Табиатдаги жамики нарсалар эса сув иштирокида юзага келганлиги сабабли уларнинг

ҳаммасида жон бор. Фалеснинг ҳамма нарасада жон борлиги ғояси табиат ва ҷамиятга инсоний ёндашувнинг илк куртаклари шаклланишига туртки бўлди. Милет мактабининг яна бир йирик намояндаси Анаксимен оламнинг асосини ташиқил этувчи дастлабки модда сифатида ҳавони илоҳийлаштиради, ҳавонинг табиатда йиғилиши ва сиқилиши натижасида сув, тупроқ, тош ва оловдан иборат зарурий қисмлар юзага келади.

Самос шаҳрида туғилиб фаолият юритган Пифагор нуқтаи назарига кўра, олам абадий бўлиб, инсондаги руҳ маълум муддатдан сўнг бошқа нарсаларга кўчади. Пифагор ана шу таълимот асосида оламдаги ҳамма нарсанинг жисман ва руҳан қариндош эканлигини исботлашга уринган.

Атоқли грек мутафаккири Гераклит фикрига кўра, ҳамма нарсалар табиатда фақат бир нарсадан яралган ва шу бирламчи нарсага албатта қайтади. Бу бирламчи асос эса «олов»дир. Зеро, олов табиатдаги энг фаол ўзгарувчан ҳодисадир. Гераклит табиат ва ҷамиятдаги қарама-қаршиликлар шунчаки ўзаро рақобат ҳолида бир-бирига айланиб туради. Улар моҳиятан ягона асос (олов) дан иборат бўлганлиги сабабли, бу модда ва ҳодисалар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ўзгарувчан бўлиб, доимий хусусиятга эга эмас. Гераклит илк бор донишмандлик ва ақлни илм ва билимдан фарқлай билди. «Кўп билимлилик кишини ақлли, донишманд қилавермайди, деб ёзади.

Грек маданиятининг йирик намояндаси Эмпедоклнинг фикрига кўра, ҷамият ҳодисаларини ўзаро бирлаштирувчи ва ажратиб юбуровчи икки куч бошқариб туради. Кишиларни ўзаро бирлаштирувчи, уларни энг инсоний фаолиятга бошловчи куч-муҳаббат (Эмпедокл бу кучни айни вақтда меҳр, ҳурмат, гармония ва ҳатто Афродита ҳам деб атаган) бўлиб, одамларни ажратиб юбуровчи куч бу- нафрат, ҳасад, жоҳилликдир.

Эмпедоклдан фарқ қилиб, Анаксагор инсоннинг илм-маърифатга интилишидан кўзланган бош мақсад-атроф-муҳитни ўраб турган борлик ҳамда космос моҳиятини англашдан иборат, деб билди. У «илм илм учун» деган ақида асосида иш тутди.

Бу даврдаги социологик қарашларни илгари сурган мутафаккирлар қаторига инсониятнинг буюк даҳолари Сократ(Сукрот), Левкипп, Демокрит, Платон(Афлотун), Аристотель(Арасту)ларни киритиш мумкин.

Сократ(Сукрот)нинг нуқтаи назарига кўра, инсон фаолияти унинг яхшилик, савоб, орият, инсоф ҳақидаги тушунчалари мазмундан иборат бўлиб, бу тушунчаларни шахс қандай тушуниши катта аҳамиятга эга. Шундай экан, инсон фаолиятини яхшилаш учун унинг феъл-атвори, тарбия тўғрисидаги қарашлари ва тушунчаларини тартибга солиш зарурдир.

Сократнинг буюк шогирди Платон ижтимоий тараққиёт ва инсон мавқеи хусусида бебаҳо фикрлар баён этган. Платон ўзининг «Филеб» номли асарида инсоннинг эзгуликдан иборат фаолияти қуйидаги талабларни бажариш асносида рўй беришини айттади: 1) илоҳий ғоя моҳиятини англаш; 2) илоҳий ғоя талабларини ҳаётга сингдириш; 3) тафаккур ва билимларга эга бўлиш; 4) илм ва санъатнинг бирор турини эгаллаш, тўғри фикр қилиш масаласига эга бўлиш; 5) тоза, ҳалол ҳиссиёт воситалардан, масалан, мусиқа товуши, тасвирий санъатдан завқ-роҳат ола билиш. Платон мураккаб ижтимоий-сиёсий муҳитда яшаганлиги

сабабли идеал давлат курилиши орзусида яшаган. Унинг эзгулик асосига курилган идеал давлат тузуми куйидаги фазилатларга эга бўлиши лозим: 1) донишмандлик; 2) жасорат; 3) ҳар ишда оқилона меъёрни сақлай билиш; 4) адолат. Давлат тизимини уч хил страта - ижтимоий табақа - ҳукмдорлар, ҳарбийлар ва ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнаткашлар, донишманд бошқарувчи гуруҳ раҳбарлигида гармоник тузум ташкил этади.

Жаҳон ижтимоий тафаккури оламига катта ҳисса қўшган мутафаккир Аристотель ҳисобланади. У ўз давридаги мавжуд стратификацион, яъни ижтимоий табақалашув тартибларини қўллаб-қувватлайди. Аристотель комил инсон, комил фуқаро, адолатли давлат хусусидаги қарашларини илмий асослашга интилни. Комил инсон тарбияси шахснинг ўз давлатига бўлган юксак ватанпарварлигини, ўз ижтимоий-сиёсий тузумига садоқатни шакллантиришдан бошланади. Комил фуқаро тарбияси эса ҳар томонлама мукамал давлат тартиботини юзага келтиришдан бошланади. Аристотель давлат тузумини олтигага бўлиб, улардан учтаси (монархия, аристократия ва полиция) тўғри ва учтаси (тирания, олигархия ва демократия) нотўғри давлат тузумлари, деб ҳисоблайди. Аристотелнинг тирания, олигархия ва демократия асосидаги давлат тузумларини нотўғри деб таснифлашига асосий сабаб, бундай давлат тузумларида ҳокимият тепасига золим шахслар (тирания), бойликка хирс қўйган номуносиб шахслар (олигархия) ва демократия тузумида гарчи кўпчилик озчилик устидан ҳукмрон бўлса-да, баъзан ижтимоий-генетик келиб чиқиши бетайин бўлган айрим фуқаролар ҳам келиб қолиши мумкин, деб эътироф этади.

Шарқ халқларининг ҳаётга бўлган социологик қарашлари моҳият эътиборига кўра, Ғарб социологларининг ижтимоий ёндашувларидан фарқ қилади. Қадимги Шарқ кишиси учун ўзликни англаш, маънавий комилликка эришиш, озодлик тушунчаси моддий борлиқдан воз кечиш, ташқи дунё ташвишларини инкор этиш, ўзликда сокинлик топишга интилиш ҳаракатларидан иборатдир. Шарқ кишиси учун индивидуализм ҳамиша ҳалокат, жамоада уйғунлашув эса сокинлик ва беҳавотирлик омили бўлиб келган. Жамоавий хавфсизликни таъминлаш эҳтиёжи Шарқда жуда қадимги даврлардаёқ давлатчилик тизимларини таркиб топтирди. Шунингдек, Шарқда иқтисодий мураккабликлар, об-ҳаво, сув муаммоларининг кескинлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг фақат суғориш воситасида етиштирилиши, уларни сақлаш масалалари муайян марказлашган идора тизимларини таркиб топтириш ҳамда бошқариш заруратини кун тартибига қўйган. Бу эса милoddан аввалги III минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб Миср, Ҳиндистон, Месопотомия, Хитойда давлатчиликнинг мустаҳкам анъаналари юзага келишига сабаб бўлди.

Инсоният тарихида илк бор Худо даражасида эмас, балки етук шахслар сифатида Гомер, Мусо, Конфуций, Зардўшт, Буддалар тарих саҳнасига чиқдилар. Зардўштилик динининг асоси бўлган «Авесто» милoddан аввалги VII асрда яратилган бўлиб, бу сўз «Упаста», яъни қонун-қоидалар, меъёрий асослар маъносини англатади. Ундаги етти иқлим, етти қават осмон, охир замон, пулсирот, фаришта, шайтон, дев, савоб, гуноҳ, дунёдаги икки қарама-қарши курашувчи кучлар- згулик ва жаҳолат, яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат тушунчалари ҳам шулар жумласидандир. Яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги

кураш, ижтимоий жараёнларни конфликтологик ёндашув орқали ҳал этишга уринишлар **митраизм** оқими шаклида Ғарбий Европа ва бутун Рим империясидан тортиб аҳмонийлар, кушонийлар ва сосонийларнинг буюк империялари амал қилган даврларда ҳам ўз таъсирини ўтказиб келди.

Милоднинг III ва IV асрларига келиб, митраизмнинг қарама-қарши ғояларидан толиққан инсоният сабр-тоқат, ҳамкорлик, меҳр-муҳаббат ғояларини асос қилиб олган христианлик, кейинчалик эса ислом динларига эътиқод қила бошлади. Дарҳақиқат, инсоният табиатан курашга, доимий можароларга эмас, сабр-тоқатга, итоат ва ҳамкорликка, тинчликка мойилдир.

Хитойдаги Конфуций нуқтаи назарига кўра, жамиятни мустаҳкам муносабатлар тизимига эга бўлган оилага ўхшатиш мумкин. У одамлар ўртасидаги муносабатлар тизимини беш кўринишга ажратади. Улар куйидагилар: 1) ота ва фарзанд; 2) эр ва хотин; 3) ака-укалар; 4) турли оилалар; 5) ҳукмдор ва фуқаролараро муносабатлар. Инсон, Конфуций фикрига кўра, нима ҳаёлига келса шуни қилишга эмас, балки жамият томонидан белгилаб қўйилган, ижтимоий табақа моҳиятидан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажаришга масъулдир.

Мовароуннаҳр жамоатчилиқ фикри тарихини ўрганишда Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ўрни бекиёсдир. Ал-Мотуридийнинг **муросавий мувозанат концепциясини**, исломни англаш жараёнларидаги ижобий жиҳатлар йиғиндисигина эмас, балки Мовароуннаҳрдаги реал ижтимоий-сиёсий муҳит, халқ турмуш тарзи, менталитети, бой маданий-тарихий тажрибаси билан бойитилган инсоний ёндашувлар синтези, деб баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Ал-Мотуридий жабарийларнинг инсонни ҳамма амаллари олдиндан унинг тақдирида ёзиб қўйилган, шу боисдан у ўзи қилаётган ишларга масъул эмас, деган нуқтаи назарини ҳам, қадарийларнинг Оллоҳ инсон фаолиятлари ва амалларининг ҳимоячиси эмас, деган нуқтаи назарини асосли танқид қилиб, инсон яхши ва ёмон амалларини ўз эркига кўра танлаши ва бу йўлда Оллоҳнинг мададини олиши назариясини илгари суради.

Мовароуннаҳрда табиат ва жамиятни социологик англаш ва ўрганиш улуғ мутафаккир Ал-Форобий томонидан жиддий кенгайтирилди. У Абу Мансур ал-Мотуридий томонидан илмий-теологик жиҳатдан асосланган инсон эрки назариясини янада ривожлантирди. Мутафаккир ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида инсондаги инсонийлик моҳияти ўзликни англашдан бошланиши, фозил шахс воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини идрок эта билиши, моҳиятга интилиш ҳақни таниш эканлигини, инсонга берилган руҳ ақлни ривожлантиришга, унга қувват бағишлашга масъул илоҳий куч эканлигини, ақл эса инсон томонидан нарсаларни моҳиятан танлаб фарқлашга кўмак беришини асослаб беради.

Форобий оламни англашда **ворисийлик** омили жуда катта кучга эга эканлигини алоҳида қайд этади. Унинг фикрига кўра, инсон барча ҳақиқатларни ўзининг қисқа умри давомида англашга, табиат ва жамиятнинг барча сиру-асрорларини тушуниб, идрок эта олишга қодир эмас. Шу боисдан у ўзидан олдинги аجدодлари томонидан билдирилган фикр-хулосаларни бориचा шубҳаланмай ўзлаштириш зарурлиги, илм-маърифат бобида етук донишмандлар

фикрларига эргашиш лозимлигини алоҳида таъкидлайди. Форобий жамиятнинг баобрў шахслари, олимлари, оқил кишилари ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучларидир, деб ҳисоблайди.

Абу Райҳон Беруний ҳам социология назариясини ривожлантириш ишига улкан ҳисса қўшди. Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» деб номланган қомусий китобини тўла маънода инсоният тарихининг ўтган 5 минг йиллиги воқеалари таҳлили ва синтезига бағишланган мумтоз этносоциологик асар, деб баҳолаш мумкин.

Улуғ мутафаккир Абу Али Ибн Синонинг социологик қарашлари ўзининг илмий теранлиги, воқеликка ҳушёр баҳо бериш хусусияти билан ажралиб туради. Ибн Сино оламнинг барқарор амал қилиши жамият ва табиатнинг синергетик, яъни ўз-ўзини идора қилиш, мустақил бошқариш хусусиятининг ишга тушиши ва ҳаракатланиши билан изоҳланади, деб кўрсатади. Муттаасиб илоҳий назарияда мавжуд бўлган ҳамма нарсаларнинг юз беришида тақдири азалнинг роли, илоҳий ҳукмнинг мутлоқлашуви ғоясига қарши чиқиб, Ибн Сино дунё камолоти учун жамият аъзоларининг эркин фаолиятига ҳам катта эҳтиёж борлигини асослаб беради. Ибн Сино Оллоҳнинг ақлдан ташқари фаолиятга ҳам қобиллиги ғоясига қарши чиқиб, Оллоҳ фаолияти ақлдан ташқари бўлиши мумкин эмаслиги, яратилган нарсаларнинг барчаси инсоний ақл томонидан идрок эта олинishi кераклигини ҳам асослаб беради.

XI асрда яратилган, туркий халқлар учун муқаддас обида ҳисобланувчи китоб Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» — «Саодатга йўлловчи билим» деб аталган асари ҳам социологик қарашларга бойдир. Бу китоб ахлоқ-одоб, таълим ва тарбия ҳамда маънавий камолотнинг йўл-йўриқлари, усуллари, чоратadbирларини мужассамлаштириб, ўзида жам қилган буюк қомусий асардир. Юсуф Хос Ҳожиб жамият ва табиат борасидаги барча баҳсларни таълим атрофида олиб борар экан, ўз даври, мавжуд ижтимоий-сиёсий тузум, маънавий-моддий ҳаёт жараёнлари хусусида муфассал маълумотлар беради. У ўша даврнинг турли ижтимоий табақалари, тоифалари ва гуруҳлари, уларнинг турмуш тарзи, расм-русумлари, қонун-қоидалари, ҳунар ва касбу-корлари, жамиятда тутган мавқелари, давлат тузумининг қандай асосларда қурилганлиги, ҳар бир табаканинг дунёқараши хусусида атрофлича социология нуқтаи назаридан асосланган маълумотларни ўртага ташлайди.

Социологиянинг донишмандлик талаби юқори бўлган фан эканлиги учун ҳам улуғ аждодларимизнинг жамиятни бевосита ўрганишга доир вазмин умумлашмаларга, мушоҳадаларга бой асарлари уларнинг маънавий-ақлий камолотга эришган йилларида, сермазмун умрларнинг сўнгги даврларида яратилгандир. Масалан, Амир Темурнинг «Тузуқлари», Ибн Халдуннинг «Муқаддима», Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи», Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Маҳбуб ул-қулуб» асарлари шулар жумласидандир.

Шарқ социология мактабида ёрқин из қолдирган улуғ мутафаккирлардан бири Абу Зайд Абдурахмон Ибн Халдун ҳисобланади. Ибн Халдун «Муқаддима» асарида тарих фани ва ижтимоий ривожланишнинг асосий моҳияти ва масалаларини белгилашга интилди. «Билгинки,- деб ёзади Ибн Халдун,- тарихнинг моҳияти-бу инсон жамияти тўғрисидаги маълумотлар бўлиб, бу

дунёнинг «ижтимоийлиги» ҳисобланади. «Ижтимоийлик»нинг табиатига таъсир этувчи кучлар ёввойилик ва инсонийлик, бир қисм инсонларнинг бошқалари устидан ғалабаси, подшоликлар ва давлатларнинг келиб чиқиши ва уларнинг ўрни кабилардир. Кишилар ўз меҳнатлари билан нимани ишлаб чиқсалар, ҳаётий воситаларга эга бўлишга интилсалар, фан, ҳунармандчилик ва қолган ҳамма нарсалар «ижтимоийлик»нинг табиатидан келиб чиқади.

Позитивизм ва позитив социология асосчиси О. Конт томонидан ёзилган ишлар орасида 6 жилдлик «Позитив фалсафа курси» ва 4 жилдлик «Позитив сиёсат тизими» муҳим ўрин эгаллайди. Позитивизмда энг асосий талаб кераксиз тушунчалардан воз кечиш ҳамда табиий-илмий қарашларни исботловчи «позитив» (ижобий) ижтимоий назарияни яратишдир. Конт тарихни ҳаракатлантирувчи куч инсоннинг онгидир, деб ҳисоблайди. Унинг нуқтаи назарига қараганда, теологик руҳ ахлоқий ва сиёсий ғояларни доимо ҳурмат қилиш учун зарурдир, яъни ахлоқ ва сиёсат тўғрисидаги саволлар диний онг, диний қадриятлар асосида ечилган.

Фан тараққиётининг метафизик босқичида жамиятдаги асосий бошқарув мавқеларини файласуфлар эгаллаб келганлар. Бу босқич 1300 йилдан 1800 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр фаннинг эмпирик кузатув маълумотларига таянмаган ҳолда нарса ва мавжудотларнинг моҳиятини мавҳум тавсифлаши билан характерланади. Позитив босқич 1800 йилдан бошланади. Бу босқич илм-фан ва олимларнинг ижтимоий билим ва бошқарув назарияларининг устувор мавқени касб этувчи босқичдир.

Контнинг қарашлари инглиз олими Герберт Спенсер (1820-1903 й.й.) асарларида ўз ривожини топди. Спенсернинг 1862-1896 йилларда чоп этилган «Асосий манбалар» (1862 й.), «Биологиянинг яратилиши» (1864-1867 й.), «Психологиянинг яратилиши» (1870-1872 й.й.), «Социологиянинг яратилиши» (1876-1896 й.й.), «Социология тадқиқот предмети сифатида», «Этиканинг яратилиши» (1870-1873 й.й.) китоблари социология тарихида муҳим ўрин тутади. Спенсер Конт изидан бориб, социология фанига ўзгариб турувчанлик ва «бир маромдаги» эволюционизм ғоясини киритди. Эволюция-бу оддий нарса ва кучларнинг оддий кўпайиши ёки камайишига олиб келувчи, ҳақиқий рақамли, сакраш ва танаффуслар кетма-кетлигидан маҳрум бўлган жараёндир. Спенсер, исталган тизимнинг амал қилиш тарзи, ижтимоий организмнинг меъёрий ҳолати мувозанатидан иборатдир, деб таъкидлайди.

- Спенсер XIX аср социологлариининг ичида биринчи бўлиб, ижтимоий тизим, ижтимоий институт, ижтимоий назорат терминларини киритди. Ижтимоий институтлар инсоннинг жамоавий ҳаракатга кириша оладиган ижтимоий мавжудотга айланишини таъминлайди.

Австриялик психолог ва социолог Зигмунд Фрейд фанда психологик назарияни ишлаб чиқиш билан ижтимоий жараёнларни англашнинг илгари инсоният тажрибасида бўлмаган йўлини асослаб берди. Унинг таъкидлашича, инсон руҳиятининг онг билан бошқарилмайдиган қисмида инстинктив даъватлар (хоҳиш-истаклар) ҳамда хотирадан чиқарилган фикр-ғоялар мужассамланган бўлиб, бу қисм билан идора этилувчи онг ўртасида онг олди майдони (бу майдончада идрок, тафаккур, хотира, англаган ўзлик) жойлашгандир. Онг

олди майдончаси онг билан бошқарилмайдиган соҳадаги турли хил даъватлар, хоҳиш-истакларни онгнинг идрок этилувчи қисмига ўтказишга монелик қилиб туради ва ўзига хос цензор вазифасини ўтаб боради. Фрейднинг нуқтаи назарига кўра, англамаган истаклар ҳамда агрессив даъватлар билан шахснинг маданий даражаси ўртасида доимий қарама-қаршилик юз бериб туради. Маданият, унинг фикрича, англамаган онг истакларидан воз кечиш асосида юзага келади. Фрейд ижтимоий жараёнлар ва жамоалар моҳиятини очишда ҳам либидо (хоҳиш, истак; роҳатбахш нарсаларга мойиллик) тўғрисидаги таълимотни ёқлаб чиқди. У ижтимоий гуруҳлардаги лидерларнинг ўрнини тадқиқ этиб, одамлар муайян раҳбарлар атрофида ҳиссий майллар, эмоционал истак-хоҳишлар негизида уюшадилар, деб ҳисоблайди

XX аср бошларидаги Италиянинг энг кўзга кўринган назариётчиси Вильфредо Парето (1848-1923 й.й.) эди. Унинг асосий иши ҳисобланган «Умумий социология тартиби» кейинчалик Ғарб социологиясининг классик ижоди намунаси, деб тан олинган. Парето ҳақиқийлик, ишончлилик ва илмий-эмпирик асосланганликни таъминлай оладиган социологик билимлар тузилиши жараёнларини ишлаб чиқишга интиланган. Умуман, ижтимоий фанларнинг барчаси позитивизм ғояларига таянади, деб ҳисобловчи омил социологияни ҳуқуқ, иқтисод, дин тарихи ва бошқа ижтимоий фанларнинг синтези сифатида баҳолайди. Паретонинг социологик тизимида элиталар назарияси муҳим ўрин тутди. Жамиятнинг социологик тузилишини у иккита катта гуруҳга бўлади: ўқимишли одамлардан иборат *элита* ҳамда ҳиссиётлар ва иккиланишлар билан яшовчи, бошқариладиган *олма* - қуйи қатлам.

О.Контнинг ишлари француз мутафаккири Э. Дюркгеймга (1858-1917 й.) бевосита таъсир кўрсатди. Аслида Дюркгейм Конт ижодининг баъзи жиҳатларига таянишига қарамасдан, унинг ишларини ўта спекулятив ва ноаниқ, социологияни фан сифатида яратиш борасидаги ўз дастурини бажаришга муваффақ бўла олмади, деб ҳисоблади. Дюркгеймнинг фикрича, социология фанга айланиши учун, «социал фактларни» ўрганиши лозим. Дюркгеймнинг таъкидлашича, социологиянинг биринчи машхур тамойили қуйидагичадир: «социал фактларни буюмлар каби ўрганиш лозим». У бу иборани истёъмолга киритганда, социал ҳаёт ҳам табиатдаги объектлар ёки воқеалар каби қатъий таҳлил этилишини назарда тутган эди.

Дюркгейм қарашлари асосини «социологизм» ғояси ташкил этади. Француз социологи инсонлараро ишончнинг муҳимлигини таъкидлаб, кишилар ягона умумий ғоя атрофида бирлашишлари лозимлигини эътироф этади. Э.Дюркгеймнинг «Ижтимоий меҳнатнинг тақсимланиши тўғрисида» деб номланган асосий иши бевосита «ҳамжиҳатлик» муаммосини ўрганишга бағишланган. У социологиянинг асосий вазифаси ижтимоий интеграцияни таъминловчи ижтимоий алоқа ва механизмлар табиатини аниқлашдир, деб билади. Дюркгейм жамият эволюциясини ўрганиб, ижтимоий алоқаларнинг икки асосий турини ажратади: «механик ҳамжиҳатлик» ва «органик ҳамжиҳатлик». Биринчи турида архаик жамият алоҳида индивидларни ўзига бутунлай бўйсундирмоқчи бўлади. Бунда ижтимоий ҳамжиҳатлик инсон

ахлоқини қаттиқ назорат қилувчи диний ишонч, урф-одат, анъаналар орқали ижтимоий онгга сингдирилади. Органик ҳамжиҳатлик бўлган замонавий ижтимоий алоқаларда умуман бошқа нарса кузатилади. Бу ерда ижтимоий бирлашув индивидларнинг иктисодий ўзаро алоқалари ва меҳнат тақсимоти орқали таъминланади. Дюркгейм нуқтаи назарича, XIX аср капитализмига хос зиддиятлар меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши ва турли ижтимоий-салбий оқибатлар бартараф этилган тақдирда ўз-ўзидан ҳал бўлади.

Дюркгейм фикрича, замонавий оламдаги ўзгаришлар шунчалик тез ва жадал суръатларда рўй бермоқдаки, бу сезиларли ижтимоий қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Буни у “аномия” ҳодисаси билан боғлайди. “Аномия” - бу муайян ижтимоий шарт-шароитлар натажасида, ўзининг мавжудлигидан мақсад йўқлиги ёки фойдасизлиги, кераксизлигини ҳис этишдир. Анъанавий одоб-ахлоқ меъёрларнинг чегаралари ва талаблари дин билан боғланган бўлиб, асосан ижтимоий тараққиёт жараёнида бузиб ташланади, шунинг учун замонавий жамиятларда кўпгина индивидлар, ўзларининг кундалик мавжудлигидан маъно йўқлигини ҳис этишга дуч келмоқдалар.

Америка социологиясининг асосчиларидан бири П.А.Сорокин (1889-1968 й.й.) дир. У АҚШ социологиясида ҳукмрон бўлган эмпирик йўналишга қарама-қарши ўлароқ, жамиятга яхлит ёндашув, яъни "интеграл" социология тўғрисидаги таълимотга асос солди. Ижтимоий борлиқни Сорокин индивиддан юқори турувчи социомаданий мавжудлик тарзида тушунади. Бундай социомаданий мавжудлик моддий мавжудликка тўғри келмайди ва белгилар тизими билан берилгандир. Чексиз турли-туманлик хусусиятига эга бўлган социомаданий реаллик ҳис-туйғулар ҳақиқатини, оқилона идрокни ва олий даражали оқилона сезгиларни (интуицияларни) қамраб олади. Ғарб социологиясида Сорокиннинг социомаданий динамика концепциясидан ташқари унинг “ижтимоий мобиллик ва ижтимоий стратификация”ни ўрганиш соҳасида қилган эмпирик тадқиқотлари ҳам юксак қадрланади.

Буюк немис мутафаккири М. Вебер томонидан илгари сурилган билимлар, ғоялар, методологик ёндашув, билиш назарияси, идеал типлар ғояси, маданият, этика, дин социологияси ҳақидаги қарашлар илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган. Макс Вебер ижтимоий ҳуққни инсоний муносабатлардан иборат, деб билган. Инсоний ҳуққ эса ўз навбатида ижтимоий моҳиятга эгадир. М.Вебер ижтимоий ҳаракатлар ёки ҳуққнинг тўртта асосий турини ажратади: 1). Маблағ топишни мақсад қилган ҳаракатлар-мақсадли; яъни, фойда излаш, 2).Муайян қадриятлар таъсирида (диний, ахлоқий ва бошқа) содир этилувчи ҳаракатлар; 3). Одамларнинг эмоционал реакциясига асосланган аффектив ҳаракатлар; 4). Анъана ва урф-одатларга қаратилган анъанавий ҳаракатлар. Вебер эътиборини стратификация мавзусига ҳам қаратиб ўтган. Стратификация- страта (қатлам) тикасия (бажараман) деган маънони англатади.

Вебернинг фикрича, синфларга бўлиниш фақатгина ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлиш ёки бўлмаслик эмас, балки мулк билан бевосита боғлиқ бўлмаган иктисодий фарқлар билан ҳам белгиланишини таъкидлаган.

М.Вебер ғоялари замонавий социологияда кенг қўлланилади. Жумладан, унинг ижтимоий статус (мавқе), партиялар ҳақидаги фикрларини келтириб ўтиш мумкин.

Америкалик социолог Т.Парсонс М.Вебернинг социал стратификация назариясини янада ривожлантирди. Унинг фикрича «стратификация— ижтимоий тизим таркибий зиддиятнинг асосий юзага келтирувчиси»дир. У ўзининг асосий асари ҳисобланган «Социология тизими»да бу фаннинг моҳият-мазмунини кенг равишда очиб берди. Т.Парсонснинг фикрича, «ижтимоий муҳитдаги доимий мувозанат», ички ва ташқи таъсирни мувофиқлаштириш—социологиянинг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади. Т.Парсонс ижтимоий тизимлар, муносабатлар ва ижтимоий санкция тушунчаларига ҳам кенг тўхталиб ўтади. Парсонс ўзининг социал ҳаракат назариясида системали-функционал ёндашишлар ғоясини ишлаб чиққан. У система тушунчасини ижтимоий яхлитликнинг турли даражасидаги ҳаракатнинг натижаси сифатида ишлаб чиқишга интилади. Шахс, маданият ва жамиятнинг системали сифатлари институционаллаш жараёнида намоён бўлади. Айни шу институционалашув ўзаро ҳаракат уюшган моделининг кўриниши бўлиб, у социал структурани ташкил этади. Бу методни янада такомиллаштириб, ривожлантирган олим Р.Мертондир. У «дисфункция» тушунчасини жорий этади ва бунинг натижасида унинг социал таҳлили янада чуқурлашиб борди. Мертон функциялар ва дисфункцияларни ажратиб кўрсатади. Унинг кўрсатишича, антропологлар тадқиқот доирасига тушган кичик маданиятлар, йирик индустриал жамиятларга қараганда бирмунча интеграциялашган ҳисобланиб, социологиянинг асосий ўрганиш объекти ҳисобланади. Мертон фикрича, ҳар қандай ҳодисани социологик жиҳатдан тушунтиришнинг маълум қисми ижтимоий институтлар ва кишилиқ фаолиятининг яширин функцияларини очишдан иборатдир.

Ижтимоий ҳаёт масалаларини ўрганиш доираси кенгайиб бораётганлиги сабабли социология фани ҳам, унинг ўрганиш объекти ҳам борган сари кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда. Социологиянинг иқтисодиёт, фалсафа, ҳуқуқ, этика, психология, педагогика, тарих, математика, кибернетика, статистика каби фанлар билан алоқадорлиги бозор муносабатларининг таркиб топиши жараёнида янада ортиб бормоқда. Зеро, ҳар қандай амалиётга мурожаат ҳар бир илмий таҳлил натижавий мўлжални назарда тутмоғи, объектив воқелик хусусидаги билимларимизни кенгайтирмоғи, ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қўмаклашмоғи, тараққиёт истикболларини аниқроқ белгилашга ёрдам бермоғи лозимдир.

Социология фани атиги бир аср муқаддам фалсафадан ажралиб, мустақил фан сифатида тараққий этаётган бўлса-да, уларнинг алоқаси узвийдир. Фалсафа социологиянинг назарий-методологик асосини ташкил этади. Социал фалсафа қонун ва қонуниятлари, категориялари бевосита умумсоциологик назария ва концепцияларни ўз ичига олади. Махсус социологик назариялар учун эса назарий ва методологик асос бўлади. Умумсоциологик ва махсус социологик назарияларнинг ривожланиши ўз навбатида мазкур давр ижтимоий фикрини шакллантиради, унга назарий ва амалий манба бўлиб хизмат қилади.

Социология эмпирик тадқиқот маълумотлари, экспериментлар ёрдамида ижтимоий фалсафий таълимотларнинг қанчалик тўғри, мазкур ижтимоий давр мазмунига хос ёки уларнинг эскириб, ижтимоий тараққиёт талабига жавоб бера олмай қолганлигини аниқлаб бериш имкониятига эгадир. Аммо, социология фани жамиятни далиллар таҳлили ва илмий умумлашмалар орқали эмас, балки мавҳум муҳокама қилувчи фалсафадан фарқ қилади.

Социология фанини ҳуқуқшунослик илми қонуниятларини четлаб, илмий фаолият юритиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Мустақил Ўзбекистонда таркиб топаётган ҳуқуқий муносабатлар асосида ва ўзига хос Шарқона анъаналарга мос равишда қонунчиликни қайтадан барпо қилишда социология ва ҳуқуқшунослик фанлари алоқадорлиги муҳимдир. Ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва уни янада ривожлантиришда жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш катта аҳамиятга эга. Жиноятнинг олдини олиш, унинг туб моҳиятини, мотиви ва келтириб чиқарадиган сабабларини ўрганишда социологик тадқиқотлар олиб бориш зарур. Демак, ҳуқуқ фанларининг ривожланишида ҳам социологиянинг ўрни каттадир.

Социология ва иқтисод фанлари ўртасидаги алоқадорлик моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлаш истеъмол жараёнларини ўрганишда намоён бўлади. Ҳозирда бозор муносабатларига ўтиш, меҳнатга янгича муносабат (фермерлар, тадбиркорлар) шаклланиши жараёнида унинг аҳамияти катта. Иқтисодий назариянинг илмий ғоялари юқорида тилга олинган социология соҳалари учун методологик асос бўлади.

Социология ва тарих фанлари жамият ҳаётини изчил, тизимли тарзда ўрганади. Ўтмиш тарихимизни яратишда тарихчи мутафаккирлар социология усулларида кенг фойдаланганлар (Масалан, ат-Термизий, Исмоил Бухорий, Абу Райхон Беруний, Хондамир).

Социология фани такомили умумий ва ижтимоий психология фанлари билан ҳам яқин ҳамкорликда бўлишни тақозо этади. Зеро, у ёки бу жамоадаги меҳнат унумдорлигини ўрганишни мақсад қилиб социологик тадқиқот ўтказилаётганда мазкур жамоа таркибидаги индивидларнинг ҳатти-ҳаракатлари, мотивларини аниқлаш, уларнинг темпераментлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда илмий ҳулоса қилишда, одамлар билан жамоада муомала қилишни ташкил этиш ва ижтимоий ҳулқни бошқаришда, албатта, ижтимоий психология қонуниятларини четлаб ўтиш мумкин эмас. Шунингдек, ижтимоий ҳулқ-атвор ва ўзаро муносабатларнинг типик гуруҳий намоён бўлиши билан эмас, индивидлар ҳулқ-атворини ўрганувчи психологиядан ҳам фарқланади.

Социология ва педагогика фанлари ҳам узвий алоқадордир. Ҳозирда Республикамизда таълим ва тарбияга жиддий эътибор берилмоқда. Хусусан, 1997 йил «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг қабул қилиниши ҳам бевосита ушбу фикрни исботлайди. Миллий педагогикамизни ўрганиш юзасидан социологик тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Социология фани айниқса статистика фани билан яқин алоқада ривожланади. Ҳар бир социолог муайян мавзуда социологик тадқиқот

ўтказишни мақсад қилиб қўяр экан, у албатта, шу соҳадаги предметнинг конкрет ҳолати ва аҳволини, реал воқелик манзарасини статистика манбаларидангина топа олади. Кенг кўламдаги конкрет социологик тадқиқотларнинг статистик идоралар ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилиши ижобий самаралар бериши шубҳасиздир.

Социологияни математикасиз тасаввур етиб бўлмайди. Математик усулларсиз социология мавҳум бир қараш бўлиб қолади. Айниқса, бирон бир тадқиқот ўтказгандан сўнг уни қайта ишлаш, фоизлаштиришда узвий алоқадорлик сезилади.

Социология кибернетика фани билан узвий боғлиқдир. Махсус математик усуллар-даража кўрсаткичи, омиллик қўлланилади. Социологик тадқиқотларни олиб боришда юксак даражадаги компьютер, ҳисоблаш технологияларидан кенг ва унумли фойдаланилади.

Ҳозирги замон илмий-техника тараққиёти асрида социология ва техника фанлар алоқадорлиги табиийдир. Инсон яратган барча техника фақат инсон ва жамиятнинг ижобий тараққиётига хизмат қилиши керак. Аммо доимо кутилган натижа бўлавермайди. Уларни ўрганишда социологиянинг роли каттадир.

Ижтимоий фанлар деб аталадиган (ўз ичига антропология, иқтисод ва сиёсатшуносликни қамраб оладиган) фанлар гуруҳида социология етакчи ўринни эгаллайди. Социологиянинг ижтимоий турмушни илмий тарзда қандай ўрганишини билиш учун унинг хусусиятларини кўриб чиқиш керак.

Ҳозирги замон социологияси мураккаб таркибий тузилишга эга. Социология фан сифатида, энг аввало, диалектик методологияга таянади. Социологиянинг методологияси-«социал жараёнларнинг тадқиқот тамойиллари, шакллари ва методларини ишлаб чиқишдир».

Социология фани таркибий тузилиши жиҳатидан учта катта қисмга ажратиб ўрганилади:

1. Умумсоциологик назарияларни бевосита тадқиқ этишга мўлжалланган йўналиш;
2. Махсус (хусусий) социологик назариялар асосига қурулувчи тадқиқот йўналиши;
3. Бевосита эмпирик социологик тадқиқотлар.

Социология фани жамият истиқболи хусусида ижтимоий утопияга асосланган назарияга суянмасдан, балки жамият тараққиётининг бугунги ижтимоий-иқтисодий ҳолатини атрофлича ўрганиш асосида яқин келажакда бу тараққиёт таркиби ва мазмунидаги тадрижий ўзгаришлар манзарасини илмий асослаб беради. Социологияда махсус социологик назариялар сифатида иқтисод социологияси, меҳнат социологияси, турмуш тарзи, шаҳар ва қишлоқ, бошқариш ва ташкил қилиш, сиёсат, маданият, илм-фан, таълим, шахс, оила, ёшлар, бўш вақт, этносоциология ва бошқа социологик соҳаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Махсус социологик назариялар умумсоциологик назариялардан фарқ қилиб, макон ва замон жиҳатидан нисбатан тор чегара касб этади. Уларнинг яна бир фарқи: умумсоциологик таълимотлар умумижтимоий амалиётда текширилади, синалади ва

тасдиқланади; махсус социологик назарияларнинг хулосалари ва тасдиғи эса амалий тадқиқотлар орқали амалга оширилади. Махсус социологик назариялар эса статик-муайян бир ижтимоий даража доирасидаги ўзгаришларни ифодалаши мумкин. Умумсоциологик ва махсус социологик назариялар социология фанининг назарий жиҳатини ташкил этади. Социологик билим ва усулларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган уч даражаси ҳамда назарий ва амалий социология ўзаро диалектик алоқадорликда бўлиб, ягона социология фанини ташкил қилади.

Социология фанининг махсус назарияларга асосланувчи йўналишлари асосан қуйидагилардан иборат:

1. Ижтимоий онг шаклларини ўрганувчи (дунёқараш, илм-фан, санъат, маданият, ахлоқ, ҳуқуқ, психология, дин) социология;
2. Ижтимоий фаолият шаклларини ўргунувчи (меҳнат, турмуш тарзи, ҳордиқ, ижтимоий-сиёсий фаолиятлар) социология;
3. Аҳоли ва халқлар (демография, этнография, миграция, лингвистика ва ҳ.к.) социологияси;
4. Ижтимоий тараққиёт (жамият ва жамоа назарда тутилмоқда), ижтимоий ўзгаришлар, ижтимоий тузилишлар социологияси;
5. Ижтимоий институтлар (оила, меҳрибонлик, қариялар уйлари ва ҳ.к.) социологияси;
6. Ижтимоий гуруҳлар (куролли кучлар, ёшлар, нафақахўрлар, аёллар ва ҳ.к.) социологияси;
7. Оммавий ахборот воситалари (матбуот, радио, телевидение), жамоатчилик фикри социологияси;
8. Сиёсат социологияси (давлат, халқаро муносабатлар, миллий ҳаракатлар ва ҳ.к.);
9. Жой ва муҳит социологияси (ҳудудлар, шаҳарлар, қишлоқлар, экология ва ҳ.к.);
10. Шахсни шакллантириш социологияси (таълим, тарбия, спорт ва ҳ.к.);
11. Касблар социологияси (муҳандислик, агрономлик, тиббиёт ва ҳ.к.);
12. Қизиқишлар социологияси (клублар, маданият уйлари ва бошқа жойлардаги ҳаваскорлик тўғарақлари, филателистлар, букинистлар ва ҳ.к.).

«Назарий социология» - жамият ижтимоий ҳаётининг умумсоциологик, ҳамда умумий даражалардаги функционал ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади. Масалан, ҳозирда Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш концепцияси ва жамият ҳаётида бозор муносабатларининг таркиб топиб бориш жараёнини ўрганиш назарий социологиянинг асосий тадқиқот объекти ҳисобланади. Назарий социология ижтимоий ҳаётнинг иқтисодиёт, сиёсат, маиший турмуш, маънавият каби алоҳида соҳаларининг ривожланиш қонуниятларини илмий-назарий асосда ўрганади.

«Амалий социология»-инсон фаолиятини, жамият ҳаётининг турли соҳаларини, жараёнларини бевосита амалий асосда ўрганади. Амалий социологияда эмпирик тадқиқотлардан олинган илмий маълумотлар назарий жиҳатдан

умумлаштирилади. Шундагина назарий социологияда олинган тадқиқот натижалари ижтимоий ҳаёт воқелигини, унинг ривожланиш қонуниятларини тўғри, объектив равишда очиб бера олади. Ҳақиқатдан ҳам назарий ва амалий социология жамият ҳаётини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этишда асосий тизимлардан ҳисобланади.

Социология фани соҳавий тасниф этилганда турли йўналишлар моҳиятига эга бўлган илмий тармоқларга бўлинади.

Биринчи босқичдаги илмий тармоқлар қаторига умумназарий, умумметодологик ва социологик фанларни киритиш мумкин. Улар жумласига академик, математик, тарихий, амалий ва минтақавий социология соҳалари киради.

Иккинчи босқичдаги замонавий социологик илмий тармоқлар қаторида шахс социологияси, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, демографик, экологик ҳамда институционал соҳаларни кўрсатиш мумкин. Учинчи босқичдаги социологик илмий тармоқлар турли хил соҳавий ҳамда илмий социологик йўналишларни ўз ичига олади. Улар қуйидагилар: таълим, маданият, фан, дин, санъат ва бошқа социологик йўналишлар. Тўртинчи босқичдаги социологик илмий тармоқлар қаторига ҳудудий ва жамоавий хусусиятга эга бўлган йўналишларни киритиш мумкин. Улар қуйидагилар: ёшлар, оила, шаҳар ва қишлоқ социологияси.

Ҳозирги замон социологик тармоқлар тизимида жамоатчилик фикри социологияси муҳим ўрин тутди ва катта аҳамиятга эгадир. Жамоатчилик фикри социологияси ижтимоий ҳаётдаги барча соҳалар ва умумназарий, методологик ва хусусий социологик мактаблар билан бевосита боғлиқликда иш тутди.

Социологлар жамиятни макро ва микро даражадан ўрганади. Макросоциология-бу йирик миқёсли фирма, ижтимоий тизимлар ва умумиқтисодий тартиб каби ижтимоий тизимларни таҳлил қилишдир. Макросоциология-катта ижтимоий гуруҳлар ва тизимларни (масалан, жамият, цивилизация ва ҳоказо) жараёнларни, ҳаракатларни ва ҳодисаларни, шунингдек, гуруҳлар фаолиятини узоқ муддат давомида ўрганади. Шунингдек, макросоциология, узоқ муддатли ўзгаришлар жараёнини, мисол учун, саноатлаштиришнинг ривожланишини таҳлил қилишни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Бунда асосий эътибор ҳар қандай жамият моҳиятини тушунишга ёрдам берувчи хулқ-атвор моделига қаратилади. Ушбу модел ёки таркиблар оила, таълим, дин, иқтисодий ва асосий тузум каби ижтимоий институтларни ташкил этади.

Микросоциология шахсий ўзаро таъсир вазиятидаги кундалик хулқ-атворни тадқиқ этишдир. Микросоциология - нисбатан катта бўлмаган ижтимоий тизимлардаги ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни таҳлил қилишга қаратилган, алоҳида олинган ҳодисаларнинг микродаражадаги (кичик) жараёнлар билан алоқасини, индивидлар кишилар хулқ-атворини шахслараро ўзаро таъсирда ўрганади

Социология бизга ижтимоий турмуш типларини таҳлил қилишдагина ёрдам бериб қолмай, очилаётган келажакка назар ташлаш имконини ҳам

беради. Социологик фикрнинг эркин ҳаракати фақат юз бераётган ҳодисаларнинг эмас, биз муайян тарзда ҳаракат қилсак, юз бериши мумкин бўлган ҳодисаларнинг ҳам моҳиятини англаш имконини яратади. Келажакка бирор таъсир ўтказиш бўйича ҳаракатларимиз, агар улар мавжуд тамойилларни социологик тушунишга асосланмаса, самарасиз бўлиб қолади.

### **Назорат саволлари:**

1. Социология фанининг вужудга келишидаги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар.
2. Социологиянинг объекти ва предмети.
3. Социологиянинг структураси ва таркибий қисмлари.
4. Социология фанининг соҳавий тизими.
5. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида социологиянинг ўрни ва аҳамияти.

### **Адабиётлар рўйхати**

- 1.Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч - Тошкент: Маънавиян, 2008.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
- 4.Социология //Ўқув қўлланма. Убайдуллаева Р.А., Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ.. - Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2002.
- 5.Социология. Маърузалар курси. Алиқориев Н.С, Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б., ва бошқ. - Тошкент, 2001
- 6.Умумий социология. (Алиқориев Н.С ва Убайдуллаева Р.Т таҳрири остида) - Тошкент: 1999.
- 7.Гидденс Э. Социология. - Тошкент, 2002
- 8..Саитходжайив Н.В. Социология. Маърузалар курси. -Тошкент: Академия, 2008.
- 9.Холбеков А.Ж., Идилов У.Ю. Социология: изоҳли луғат- маълумотнома. - Тошкент: Ибн-Сино номидаги нашриёт, 1999.

### **2-мавзу. Жамият яхлит тизим сифатида**

#### **Режа:**

- 1.Жамият ва ижтимоийлик тушунчаси.
- 2.Давлат тушунчаси ва моҳияти. Фуқаролик жамиятининг вужудга келиши.
- 3.Анъанавий жамиятларнинг хусусиятлари.
- 4.Замонавий жамиятларнинг белгилари ва турлари.

Замонавий социологиянинг диққат марказида жамият тушунчаси туради. У мамлакатнинг ижтимоий ташкил этилишини характерлайди. Жамият (Society)-бу социологиядаги энг муҳим тушунчалардан биридир. Жамият муайян ҳудудда истиқомат қилувчи, ягона сиёсий ҳокимиятга итоат қиладиган ва ўзларини бошқа қўшни гуруҳлардан фарқлайдиган одамлар гуруҳидир. Баъзи жамиятлар (мас.,овчилар ва теримчилар жамияти) миқдор жиҳатдан жуда кичик ва бир неча ўн кишидан иборат бўлиши мумкин. Бошқалари эса, кўплаб миллион кишилардан иборат бўлади(Хитой жамияти). Социолог Н. Смелзер жамият ҳақида шундай дейди: «Муайян географик чегара, умумий қонунчилик тизими ва муайян миллий (ижтимоий-маданий) тенгликка эга бўлган кишилар бирлашмаси жамият ҳисобланади».

“Маданият” тушунчасини “жамият” тушунчасидан фарқлаш мумкин, лекин улар орасида ғавқулдда узвий алоқа мавжуддир. Маданият шу жамиятдаги одамларнинг турмуш тарзи, урф-одат ва расм-русмлар, шунингдек улар ишлаб чиқарадиган моддий ноз-неъматларга алоқадор тушунчадир. “Жамият” эса умумий маданиятга мансуб бўлган индивидларни ўзаро боғлаб турадиган алоқалар тизимидир. Бирорта ҳам маданият жамиятсиз яшай олмайди, шунингдек бирорта ҳам жамият маданиятсиз мавжуд бўла олмайди. Жамият тушунчасига атрофлича ёндашув «жамоа» ва «ҳамжамият» (ижтимоий гуруҳ) тушунчаларига тўхталишни тақозо этади. Жамоа-бу анъанавий жамиятдир. Жамоа ва жамият ўртасидаги алоқалар асосида 3 гипотеза ётади:

■эволюцион ўсиб ўтиш (жамоа ривожланиб, мураккаблашиб, жамиятга айланади);

■интеграциявий қўшилув (турли даражада бўлган тизимларнинг ўзаро таъсирида архаик ижтимоий ташкилот замонавийлашиб боради);

■параллел бирга мавжуд бўлиш (турли-туман жамоалар интеграциялашмайди, балки ўз хусусиятларини сақлаган ҳолда замонавий жамият таркибида алоҳида-алоҳида бўлади).

Демак, жамоа уруғчилик алоқалари асосида вужудга келган ва ижтимоий муносабатларнинг бевосита тури билан характерланувчи ижтимоий ташкилотнинг дастлабки шаклидир.

Социология жамиятни тизим сифатида унинг структураси, функциялари ва тизими унсурларини ўрганади. Жамиятга нисбатан тизимли муносабатнинг моҳиятини аниқлаш учун, аввало, тизим нима эканлигини аниқлаш муҳимдир.

**Тизим** – ўзаро бир-бири билан боғлиқ ва функционал муносабатлар ҳамда алоқаларда бўлган унсурларнинг бир бутун мажмуидир.

Ижтимоий тизим-ўз ичига айрим индивидлар, гуруҳлар, ташкилотлар, институтлар, ҳамжамиятларнинг ижтимоий алоқа ва муносабатлари бирлашган, тартибга солинган бир бутунликдир.

Тизимларнинг умумий назариясида (Л.фон. Берталанфига кўра) жамият мураккаб, бир бутун ташкил этилган тизим сифатида талқин

қилинади. Социологияда, одатда, ижтимоий тизим 4 нуқтаи назарда ўрганилади:

- 1)индивидларнинг ўзаро таъсири;
- 2)гуруҳларнинг ўзаро таъсири;
- 3)ижтимоий мақомлар иерархияси;

4)индивидлар хулқ-атворини белгилайдиган ижтимоий меъёр ва қадриятларнинг мажмуи.

Динамик тизимлар 2 хил бўлади:

– **тўғри чизиқли динамик тизим** ҳатти-ҳаракати бир жойда турадиган нарса атрофида (масалан, маёқнинг тебраниши) бўлади, у вақтга боғлиқ эмас;

– **тўғри чизиқли бўлмаган тизим** барқарор ва беқарор стационар ҳолатга эга. Барқарор стационар ҳолат тизимнинг ўзига хос, беқарор стационар ҳолат тизимдаги ўзгаришларни кўрсатади. Тўғри чизиқли бўлмаган тизим тушунчаси кўп вариантлиликини, тараққиётни ва орқага қайтмасликини ўз ичига олади.

Жамият ривожининг асосий манбаи кишиларнинг ҳатти-ҳаракатида мужассамланган энергиядир. У жамиятнинг институционал ва маданий тизимида ўзгаришларга сабаб бўлади. Бу ўзгаришлар ички ўз-ўзини тартибга солиш ва назорат қилиш механизми ёрдамида амалга оширилади. Мураккаб тизимларда эволюция ва инволюция, интеграция ва дезинтеграция намоён бўлади. Масалан, қадимги цивилизациялар асрлар давомида гуллаб-яшнади ва ҳалокатга учради. А.Тойнби сўнгги 3000 йил ичида бўлган 21 цивилизацияни ўрганиб, ўртача прогрессив тараққиёт ўртача регрессив тараққиётга ўтишини кўрсатади. Цивилизациялар, уларнинг ривожланиши, инқирози тўхтовсиз ва тўпланиб борадиган тарзда намоён бўлади.

Эволюцион тараққиётнинг қуйи босқичида турадиган махлуқлар, жумладан қумусқаларнинг қуйи турлари дунёга келиши биланок ўз ғамларини ўзлари ея бошлайдилар ва “катта” ларнинг ёрдамига жуда кам эҳтиёж сезадилар. Қуйи махлуқларда авлодлар йўқ, чунки турнинг “ёш” вакиллари хулқ-атвори катталарники билан деярли бир хилдир. Бироқ, эволюцион тараққиётнинг юқори босқичида бундай ҳолат кам учрайди, чунки олий ҳайвонлар хулқ-атворнинг тегишли усулларига ўрганишлари керак. Сутэмизувчиларнинг болалари дунёга келганда мутлақо ожиз бўлиб, “катта”ларнинг ёрдамига муҳтож бўлади. Инсонларнинг чақалоқлари эса улар орасида ҳам энг ожиздир. Бола, агар лоақал дастлабки тўрт-беш йил давомида ёрдам олмас экан, у яшай олмайди.

Ижтимоийлашув шундай жарёнки, унда ожиз чақалоқ ўзи туғилган маданиятнинг моҳиятини тушунадиган, ўзини - ўзи англай оладиган ақлли мавжудотга айланиб боради. Ҳаётнинг дастлабки дақиқаларидан бошлаб чақалоқ зарурият ва эҳтиёж сеза бошлайдики, бу у ҳақда ғамхўрлик қилиши лозим бўлган катталар хулқ - атворига таъсир ўтказади.

Ижтимоийлашув агентлари деганда, бу жараён юз берадиган ижтимоий контекстлар ва гуруҳларни тушуниш мумкин. Барча маданиятларда оила бола учун асосий ижтимоийлаштирувчи агент ҳисобланади. Кейинроқ эса, ижтимоийлашувнинг яна кўплаб агентлари пайдо бўлади. Оилавий тизимларнинг турлари бир-биридан жиддий фарқ қилгани учун, бола

киришиши эҳтимол бўлган мулоқот барча маданиятлар учун бир хил эмас. Ҳозирги жамиятларда илк ижтимоийлашув оиланинг кичик миқёсида юз беради. Турли жамиятларда оила бошқа ижтимоий институтларга нисбатан турли ўрин эгаллайди. Анъанавий жамиятларнинг кўпчилигида оила туғилган индивиднинг бутун умри давомидаги ижтимоий мавқени тўлалигича белгилайди.

Ҳозирги Ғарб жамиятларида ижтимоий мавқе туғилишда белгиланмайди. Шунга карамай, қандай ҳудудда яшаши, оиланинг муайян синфга мансублиги бола ижтимоийлашуви характериани анча қатъий белгилаб беради. Болалар ота-оналари ёки атрофларидаги одамларнинг ўзини тутиш моделларини ўзлаштирадилар. Оиладаги ижтимоийлашув ҳолатлари бола учун ўта ноқулай бўлиши мумкин(ота-она, каттароқ болалар ёки бегона одамларнинг зўрлиги).

Ижтимоийлашувнинг яна бир агенти тенгдошлар гуруҳи, яъни тахминан бир хил ёшдаги болаларнинг дўстона компаниясидир. Баъзи маданиятларда, айниқса кичикроқ анъанавий жамиятларда тенгдошлар гуруҳлари ёш туркумларига қараб шаклланади. Тахминан бир хил ёшдаги тенгдошлар дўстлик муносабатларини одатда бутун умр давомида сақлаб қоладилар. Аммо тенгдошлар гуруҳининг аҳамияти оиланикидек унчалик муҳим эмас(айниқса Ғарб жамияти вакиллари учун).

Мактаблар ижтимоийлашув агентлари сифатида, бироқ бошқачароқ йўналишда таъсир ўтказадилар. Баъзи социологларнинг фикрича, ўқув предметларининг расмий мажмуидан ташқари яна, таълимнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайдиган хуфя дастур ҳам мавжуддир. Мактаб туфайли болалар ўзлари мансуб бўлган ижтимоий муҳитдаги чекловларни бартараф қилишлари мумкин, деб ҳисобланади. Ҳозирги жамиятларда оммавий таълим имконият кенглиги идеали билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унга кўра одамлар ўз истеъдод ва қобилиятларига мос равишда ижтимоий мавқега эга бўладилар.

Болалар ва катталарнинг ижтимоийлашувида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти каттадир. Оммавий ахборот воситаларини босма нашр сифатида тарқатиш тез орада электрон мулоқот воситалари билан тўлдирилди. Муайян турдаги теледастурларнинг болалар ва катталарнинг ижтимоий қарашларига қандай таъсир ўтказишини таҳлил қилишга жуда кўп тадқиқотлар бағишланди, бироқ узил-кесил жавоблар олинмади. Масалан, экранда зўравонликнинг кўрсатилиши болалар ҳулқида қай даражада агрессивлик келтириб чиқариши ҳақида бир хил фикр йўқ. Бироқ оммавий ахборот воситалари одамларнинг фикрлари ва дунёқарашига жуда чуқур таъсир ўтказиши ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Бизнинг давримизда жамиятларнинг, шу жумладан, анъанавий маданиятларнинг жуда оз қисми оммавий ахборот воситаларининг таъсир доирасидан четда қолди.

XX асрга келиб энг такомиллашган ва замонавий кишилиқ бирликлари фуқаролик жамияти деб атала бошланди.

“Фуқаролар жамияти” деган иборани Томас Гоббс (1588-1679 й.й.) ишлатган. Жон Локк (1632-1704 й.й.) эса фуқаролар жамиятининг давлатдан

имтиёзли эканлигини таъкидлаган. Луи де Монтеске (1689-1755 й.й.) фуқаролик жамияти зўрлик ва ҳукмронликдан қутулиш гарови эканлигини очиб берди. Иммануил Кант (1724-1804 й.й.) фуқаролар жамиятида ҳар бир кишининг эркинлиги бошқалар эркинлигига монанд келиши билан ифодаланганини уқтириб, қуйидаги тамойилларни илгари суради: 1) инсон сифатида жамият аъзолари эркинлиги; 2) фуқаро сифатида уларнинг тенглиги; 3) фуқаро сифатида ҳар бир жамият аъзоларининг мустақиллиги. Гегель (1770-1831й.й.) фуқаролар жамиятини давлат ичида эмас, давлат қаторида талқин этади.

Фуқаролик жамияти шахс учун кенг имкониятлар яратиб, унда ҳар бир шахс бошқалар билан бирлашиши ёки улар билан ҳамкорликда фаолият кўрсата олиши мумкин. Фуқаролик жамияти шу тарзда инсон улугворлигини юксакликка кўтаради. Фуқаролик жамиятининг барқарорлигини таъминловчи шарт-шароитлар ҳам борки, уларсиз бу жамиятнинг институтлари ривожланмайди. Булар жумласига жамиятдаги ижтимоий қатламларнинг турлича манфаатларини ифода этувчи ривожланган ижтимоий структуралар мавжуд бўлиши лозимлиги киради. Қолаверса, жамият аъзоларининг тўла мустақиллиги билан фаолият кўрсата олиш қобилияти, уларнинг энг ривожланган даражадаги, интеллектуал, руҳий жиҳатлардан юксалиши содир бўлиши ҳам тақозо қилинади. Кўриниб турибдики, демократик жамиятнинг асосини ўз-ўзини бошқариш ва жамият ташкилотлари ўзаро муносабатларининг мажмуаси ташкил қилади. Фуқаролик жамиятида давлат ва ҳукуматнинг, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўз вазифалари ҳам бўладик, улар бир-бирини тўлдириб, юксак ривожланган демократик жамиятнинг яшовчанлигини таъминлайди. Давлатнинг ҳам, нодавлат ташкилотларининг ҳам ўз ҳаракат доирасини ўзлари учун белгиланган фаолияти у ёки бу томонга озгина ўзгарганда ҳам бундай ижтимоий-сиёсий мувозанатлар бузилиб, демократик меъёрдан чекиниш ёхуд четга чиқиб кетиши рўй бериши мумкинлигини асримизнинг сўнгги даврдаги ривожланиш амалиёти кўрсатди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини фаол излади, бу изланиш йиллари Она-Ватанни эркин, кучли ва раванк топаётган диёрга айлантиришга интилиш даври бўлди. Жаҳон ҳамжамятида муносиб ўрин эгаллаш учун, давлатлараро кўпқиррали алоқаларнинг энг мақбул йўллари изланди. Буларнинг барчаси жамиятни янгилашнинг Ўзбекистонга хос йўлини кўрсатиб берди. Бу йўл ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга жаҳон тажрибаси, шунингдек, халқимиз турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, тарихий қадриятларини ҳар томонлама ҳисобга олишга қаратилган, конституцион асосга эга бўлган, республика аҳолисининг манфаатларига тўла мос тушадиган тараққиёт йўлидир. Айнан шундай ривожланиш ўзбекистонликларнинг муносиб турмуш кечиришлари учун қафолат бўлади, миллий анъаналар ва маданиятнинг юксалишини, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг тикланишини таъминлайди.

“Пировард мақсадимиз, – дейди И.А. Каримов. – ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган

кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир»<sup>1</sup>. Шундай қилиб, танлаган йўлимиз аجدодларимиз тарихий тажрибасини, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятини ва халқимизнинг ақл-заковатини ҳисобга олиб, ўз йўлимиздан аниқ мақсад сари қатъият билан илгари сурган беш тамойил асос қилиб олинган.

Фуқаролик жамияти шахс учун кенг имкониятлар яратиб, унда ҳар бир шахс бошқалар билан бирлашиши ёки бошқалар билан ҳамкорликда фаолият кўрсата олиши мумкин. Фуқаролик жамияти шу тарзда инсон улуғворлигини юксакликка кўтаради. Ҳозирги замон ривожланган мамлакатларида барпо этилган фуқаролик жамиятлари тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда фуқаролик жамияти бу:

-биринчидан, жамият ҳаёти фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида ихтиёрий равишда шаклланган, бошланғич нодавлат тизимларини ўз ичига қамраб олган инсоний бирликдир;

-иккинчидан, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуасидир;

-учинчидан, эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли давлат органлари тазйиқлари ёки бир қолипга солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамият бўлиб, унда фуқаролар ўзлигини намоён қила олиши учун доимий имкониятларга эга бўладилар.

Шу билан бир қаторда, ҳозирги даврда фуқаролик жамиятининг асосий белгилари шаклланди. Булар асосан қуйидагилардан иборат:

Иқтисодий соҳада: нодавлат ташкилотлар; кооператив ширкатлар; ижара жамоалари; акциядорлик жамиятлари; уюшмалар; корпорацияларнинг мавжудлиги.

Ижтимоий соҳада: оила; партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар; иш ва яшаш жойларидаги ўз-ўзини бошқариш органлари; нодавлат оммавий ахборот воситалари; жамоатчилик фикрини аниқлаш, шакллантириш ва ифода этишнинг замонавий шакллари, ижтимоий ихтилофларни куч ишлатмасдан, тазйиқсиз, қонунлар доирасида ҳал қилиш амалиётининг мавжудлиги.

Маънавий соҳада: сўз, виждон ва фикрлар эркинлиги; ўз фикрини очиқ билдира олишнинг реал имкониятлари; ижодий, илмий ва бошқа уюшмалар мустақиллигининг ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатлардан таъминлаганлиги.

Қадимги даврдан бошлаб то ўрта асрларгача бўлган замонда давлат кенг талқин қилинган, лекин у ўзи ташкил қиладиган ва ифодаладиган жамиятдан алоҳида эмас эди. Биринчилардан бўлиб Никколо Макиавелли «давлат» терминининг кенг ва тор маънодаги аҳамиятларини талқин этган эди. Бу пайтгача бўлган даврда давлат турли ва анча аниқ тушунчаларни англатган. Н.Макиавелли адабиётларга «Stato» деган махсус терминни киргизиб, у давлатни қандайдир аниқ шаклидан қатъи назар жамиятнинг алоҳида сиёсий ташкилоти сифатида

---

<sup>1</sup>Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.: Ўзбекистон, 1995,-9-бет.

талқин этди. Давлат, жамият ва индивидларнинг ўзаро бир-биридан чегараланиш ғояси мазкур ижтимоий институтларнинг муайян муросавий муҳитда амал қилишини тақозо этади. Бу ғояни Гоббс, Локк, Руссо ва бошқалар давлатларнинг шартнома назариялари тарзида амалга оширдилар. Бу назарияга биноан, учта тушунча (индивид, давлат, жамият) тарихан бир-биридан бўлингандир. Даставвал эркин ва ярим ёввойи яшаган индивидлар иқтисодий ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳаракатларда бўлиш оқибатида жамиятни ташкил этдилар ва кейинчалик ўзларининг ҳавфсизликларини ва табиий ҳуқуқларини шартномалар тузиш йўли билан ҳимоя қилиш мақсадларида махсус орган - давлатни туздилар. «Давлат» тушунчаси одатда маълум бир ҳудуддаги олий ҳокимиятга эга ташкилотни англатади. Давлатнинг моҳиятини янада чуқурроқ ва ҳар томонлама англаш учун унинг муҳим белгиларини билиш лозим.

Барча замонавий давлатлар миллийдир. Миллий давлатлар давлат таърифидаги барча шартларга жавоб беради. Улар ҳукумат аппаратиға, муайян ҳудудға, шаклланган қонунлар тўпламиға эға ва қуролли қучлар устидан назорат қилади. Аммо бир нечта моҳиятли белгиларға кўра замонавий давлатлар анъанавийларидан кескин фарқ қилади:

1. Анъанавий давлатлар бошқарувидаги ҳудудлар доимо ноаниқ чегараланган бўлиб, марказий ҳукумат уларни анча бўш бошқарган. Ҳукумат ўша ерда у олий ҳокимият саналадиган, аниқ чегараланган ҳудудға эғалиги белгиланувчи суверенитет тушунчасини анъанавий давлатларға тадбиқ этиб бўлмайди. Аксинча, барча миллий давлатлар суверен тузилмалардир.

2. Қирол ёки император бошқарувчи анъанавий давлатларда аҳолининг катта қисми уларни ким бошқараётганини билмаган ёки қизиқмаган. Одатда фақат ҳукмрон синфлар ёки бадавлат одамлар гуруҳлари ўзларининг бирор шахс томонидан бошқарилувчи жамиятға тегишли эканликларини ҳис қилганлар. Миллий давлатларда эса, аксинча, маълум сиёсий тизим доирасида яшовчилар умумий ҳуқуқ ва бурчға эға ва ўзларини маълум бир миллатға тегишли деб ҳис қилувчи фуқаролар ҳисобланади.

3. Миллий давлатчилик ифтихорнинг ўсиши билан боғлиқдир. Масалан, алоҳида шахслар “инглизлар”, “америкаликлар” ёки “французлар” га тегишли эканликлари билан фахрланадилар.

Юқорида айтилган фикрларға асосланиб, давлатға қуйидагича таъриф бериш мумкин. Миллий давлат сиёсий апааратға, белгиланган ҳудудий чегараларда тан олинган суверен ҳуқуқларға эға ва суверенитетға интилишларини ҳарбий қуч билан ҳимоя қила олади, унинг кўплаб фуқаролари айни миллий бирликка тегишлиликларидан ғурур сезадилар.

Замонавий давлат ривожидидаги энг муҳим жиҳатлардан бири-демократия билан алоқадир. Бу сўз грекча *demokratia* сўзидан келиб чиққан бўлиб, *demos*-халқ, *kratos*-ҳокимият, деганидир, шундай қилиб демократия сиёсий тизим бўлиб, уни халқ бошқаради. Турли давр ва жамиятларда “халқ” сўзи турлича тушунилган-унга мулкдор кишиларни, оқ танли эркакларни, маълум даражада маълумотли эркакларни, шунчаки ҳамма эркакларни ва ниҳоят, ҳамма етук аҳолини киритганлар. Баъзи давлатларда расман эълон

килинган демократия сиёсат доирасида чегараланган, бошқа мамлакатларда у жамият ҳаётининг бошқа томонларига ҳам тадбиқ этилади.

Бир қатор асосий белгиларига кўра демократия уч хил кўринишда бўлиши мумкин: кўппартияли вакиллик демократияси, бирпартияли вакиллик ва қўшма демократик бошқарув (баъзида тўғри демократия ҳам дейилади). Вакиллик демократиясига кўра, кишилар ҳаётига таъсир этувчи қарорлар жамиятнинг ҳамма аъзолари эмас, балки шу мақсадда махсус сайланган одамлар(вакиллар) томонидан қабул қилинади(конгресс, парламент).

Тоталитаризм. Тоталитаризм атамаси биринчи бор итальян файласуфи Жиованни Жентили томонидан таклиф этилган. Унинг ғоялари итальян фашизмнинг барпо бўлишида катта роль ўйнаган ва итальян диктатори Муссолини томонидан бу тузумни тавсифлашда ижобий маънода қўлланилган, кейинроқ бу атама ҳақоратомуз тус олди. Собиқ Совет Иттифоқи, Шарқий Европа ва бошқа Хитойга ўхшаш давлатлар тоталитар давлатлар деб аталади. Тоталитаризмнинг анча машҳур изоҳи Карл Фридрихга тегишлидир. Унинг фикрига кўра, тоталитаризм ўз ичига тўрт унсурни олади:

1. Тоталитар мафкура-жамиятнинг ҳар бир аъзоси амал қиладиган кенг қамровли сиёсий доктриналар йиғиндиси(Мас., “Ватан олдидаги мажбурият” тушунчаси).

2. Яқка партия-маълум мафкуранинг амал қилиши ва танҳо лидер, диктатор ҳумронлиги.

3. Тузум душманларини топиш ва жазолаш учун махфий органнинг мавжудлиги.

4. Иқтисод, оммавий ахборот воситалари ва қуролли кучлар устидан монополь назорат.

Конституциявий ва ноконституциявий давлатлар ўртасидаги чегаралар эркинликка нисбатан муносабат, шунингдек, инсон ҳуқуқларини сақлаш амалиёти, шахс, жамият ва давлат ўзаро муносабатларидаги устувор йўналишлар асосида белгиланади. Давлат ривожланишининг конституциявий босқичи давлатнинг жамиятга ва фуқароларга бўйсунishi, давлатнинг аралашув ваколати ва йўналишларининг конституциявий белгилаб қўйилиши, давлат фаолияти ва инсон ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий регламентация қилиниши билан боғлиқдир. Конституциявий давлатлар анъанавий давлатлардан шаклланиши, ички тузилиши ва функциялари билан кескин фарқланади.

Ҳуқуқий давлат конституциявий давлатчиликнинг реал амалга ошишидир. Унинг асосида инсонни давлат террори, унинг эътиқоди устидан куч ишлатиши, ҳокимият органлари томонидан майда ҳомийлик қилишидан ҳимоя қилишга интилиш ётади. Ҳуқуқий давлат-суверен халқ иродасига бўйсунувчи, инсоннинг эркинлиги ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, ўз фаолиятини қонунлар доирасида амалга оширувчи давлатдир. Бундай давлатда шахс билан ҳокимият ўртасидаги муносабатлар конституцияда белгилаб қўйилади, шунингдек, бу халқ билан ҳокимият ўртасидаги муносабатлар «ижтимоий битимлар» асосида рўй беради. Давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларда устуворлик инсон

ҳуқуқларига қаратилади, қонунлар давлат ва унинг ҳатти-ҳаракати билан бузилмайди.

Ҳозирги даврда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ўртасида қатъий чегара ўтказиш қийин масалалар. Турли ҳуқуқий давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тажрибасини эътиборга олиб, ҳуқуқий давлатнинг қуйидаги белгиларини келтириш мумкин:

- ривожланган фуқаролик жамиятининг мавжудлиги;
- шахснинг эркинлиги, ҳуқуқи ва жамоатчилик тинчлигини ҳимоя қилиш, хўжалик фаолияти учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берган ҳолда давлат фаолияти соҳасини чеклаш;
- ҳар кимнинг ўз шахсий фаровонлиги учун масъуллигини ошириш;
- барча фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги;
- ҳуқуқнинг умумийлиги, унинг барча фуқаролар, ташкилотлар, муассасалар, жумладан, давлат ҳокимияти учун ҳам тенг тааллуқли бўлиши;
- халқ ва давлат суверенитетининг конституциявий-ҳуқуқий жиҳатлардан мувофиқлашганлиги;
- қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши, улар фаолиятининг ҳамкорликдаги бирлиги;
- давлатнинг фуқаролик муносабатларини мувофиқлаштиришда таъқиқлаш усулининг чегарадан чиқиш услубига нисбатан устуворлиги. Бунинг маъноси шуки, ҳуқуқий давлатда «қонун билан таъқиқланмаган барча нарсаларга рухсат этилади» тамойилига амал қилинади. Бунда чегарадан чиқиш усули фақат давлатга нисбатан қўлланилиб, давлат фақат расмий қабул қилинган ваколатлар доирасидан четга чиқмаслиги лозим;
- индивид эркинлигини чеклаш фақат барча кишилар эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ҳуқуқий давлат шахснинг мутлақ эркинлигини билдирмайди. Ҳар бир шахснинг эркинлиги бошқа кишининг эркинлигига зид кела бошласа, худди шу ерда унинг эркинлиги тугайди.

Ҳуқуқий давлат шароитидаги эркин рақобат натижасида мулкдорлар қатлами вужудга келиши учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Давлатлар ривожланиш тажрибаси шуни кўрсатдики, фақат шахсларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш билан умумий фаровонликка эришиб бўлмайди. Чунки, жамиятдаги ҳар бир шахсда мулкдор бўлиш, ташаббускорлик кўрсатиш қобилияти бўлавермайди. Барибир, ижтимоий тенгсизлик давом этаверади. Шунинг учун ҳам ҳаётда ижтимоий давлат назарияси ва амалиёти (умумий фаровонлик давлати) пайдо бўлди. Ижтимоий давлат-ҳар бир фуқаро учун муносиб ҳаёт тарзи, ижтимоий ҳимоя, ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок этиши, шахснинг ўз-ўзини реализация қилиши, ҳамма учун тенг ҳаётимкониётлар яратиш учун интиладиган давлатдир.

Социологияда жамият анъанавий(аввалги жамиятлар) ва замонавий жамиятга ажратиб ўрганилади.

Анъанавий(аввалги жамиятлар) жамият қуйидаги хусусиятларга эга:

- 1) меҳнат табиий тақсимланади ва ихтисослашади (асосан, ёш ва

жинс белгиларига кўра);

2)шахслараро муносабат бевосита индивидлар орқали намоён бўлади;

3)ўзаро алоқалар норасмий равишда тартибга солинади (дин ва ахлоқ қонунлари ёрдамида);

4)жамият аъзолари қариндошчилик алоқалари билан боғлиқ бўлади;

5)хамжамият оддий бошқарув тизимига эга (ҳокимиятнинг мерос бўлиб қолиши, оқсоқоллар бошқаруви).

Анъанавий жамият каби замонавий жамият ҳам бир қатор хусусиятларга эгадир:

1)ўзаро таъсир расмий характерга эга (кишиларнинг ҳуқ-атвори ва интилишлари ижтимоий мақом ва индивидларнинг ижтимоий функциялари билан белгиланади);

2)меҳнат тақсимооти чуқур амалга ошади (таълим ва иш тажрибаси билан боғлиқ касб-малака асосида);

3)муносабатлар расмий тизимда тартибга солинади (қонун, тартиб, битимлар асосида);

4)ижтимоий бошқарув мураккаб тизимга эга (бошқарув институти, бошқаришнинг махсус органлари);

5)дин бошқарув тизимидан ажралган;

6)кўплаб ижтимоий институтлар мавжуд.

Демак, ҳозирги пайтда жамият инсонлараро муносабатларнинг расмийлашувига олиб келувчи ижтимоий алоқалар тизимининг мураккаблашуви билан характерланувчи ижтимоий ташкилотнинг замонавий шаклидир. Умуман олганда, шахслараро муносабат ва ҳис-туйғуларнинг боғланиши жамиятни ифодалайди.

Ўзбекистон замонавий жамият бўлса ҳам, унда анъанавий жамиятнинг кўплаб унсурлари сақланган. Маълумки, ўзбек халқи азалдан жамоа бўлиб, уюшиб яшашга одатланган, тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб ҳамиша бири-бирига кўмаклашган. Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш, миллатидан қатъий назар, одамларга хайрихоҳлик, ўзгаларга ёрдам туйғуси ўзбек халқига хосдир. Шунинг учун ҳам И.А. Каримов 1992-йил 2-июлда Ўзбекистон Олий Кенгашининг X сессиясида «Истиқлол йўллари ва муаммолари» мавзусида нутқ сўзлар экан, «...биз ижтимоий тараққиёт ва янгиланиш борасида ўз йўлимиз бор, деб эълон қилдик... Бозор иқтисодиётига ўтар эканмиз, миллий-тарихий турмуш тарзимизни, халқимиз урф-одатларини, анъаналаримизни, кишиларнинг фикрлаш тарзини ҳисобга оламиз!»<sup>1</sup> -дейди ва туб ислохотларни амалга ошириш борасида дастлабки тамойилни белгилаб берди.

Анъанавий жамият(аввалги жамиятлар)ларнинг чексиз турлитуманлигини уч асосий турга бўлиш мумкин, булар овчилар ва теримчилар; чорвадорлар ва йирикрок деҳқонлар жамиятлари(деҳқончилик ва қўлга ўргатилган уй ҳайвонларини боқувчи);

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.1.-Т.: Ўзбекистон.-40-бет.

ноиндустриал тамаддунлар ёки анъанавий давлатлар. Бу жамиятларнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборатдир:

**а) Овчилик ва теримчилик(йиғиш) билан шуғулланувчи жамият.** Инсоният ўзининг мавжудлик даврида ўттиз-қирқ кишидан ошмаган гуруҳ ва қабилаларга бирикиб яшаган. Энг аввалги инсоний жамиятлар овчилар ва термачилардан иборат эди. Тирикчилик воситалари овчилик ва ёввойи ўсимликларнинг меваларини йиғиш орқали топилган.

Дунёнинг баъзи минтақаларида овчи ва теримчилар маданияти масалан, Бразилия ва Янги Гвинеяда бугун ҳам мавжуд, лекин уларнинг кўпчилиги Ғарб маданиятини ялпи тарқатиш даврида ё сингиб ё қирилиб кетди. Ҳозирги кунда ҳаммаси бўлиб чорак миллион аҳоли овчилик ва теримчилик билан кун кечиради, бу эса ер шаҳри аҳолисининг бор-йўғи 0,005% ини ташкил этади. Агар бу жамият индустриал жамият билан қиёсланса, овчи ва теримчилар орасида тенгсизлик деярли йўқлигини кўриш мумкин. Улар вақтнинг кўп қисмини кўчиб юриш билан ўтказишарди, транспорт воситалари бўлмаганлиги учун ўзлари билан оз нарса олиб юрар эдилар. Барча зарур ашёлар-булар ов қуроллари, ер қазих ва қурилиш мосламалари, қопқонлар ва ошхона жиҳозлари эди. Шунинг учун ҳам мулкнинг миқдори ва тури бўйича қабилалар деярли тенг эди. Мавқе ва ҳолатдаги тафовутлар эса ёш ва жинсга қараб белгиланади. Гуруҳ ҳаётига оид қарорлар қабул қилишда ҳал қилувчи сўзни “оқсоқоллар”- қабиланинг энг кекса ва тажрибали кишилари айтадилар. Одатда овчилар ва теримчилар ҳамжамятида “бевосита демократия” амал қилади. Бундай жамиятларда ижтимоий ҳаёт қариндошчилик алоқаларига асосланади. Меҳнат қуроллари тош болта, пичоқлар.

**б) Дехқонлар ва човадорлар жамияти.** Дехқончилик жамиятлари чорводорлар билан бир пайтда майдонга келган бўлиши мумкин. Овчилар ва теримчилар муайян даврда ёввойи ўсимликлар маҳсулотларини йиғиш ўрнига ўзлари уруғ сеппиб ўсимлик парвариш қила бошладилар. Бу янги укладнинг дастлабки кўриниши “томорқачилик” эди, бунда одамлар белқурак ва омоч билан унча катта бўлмаган томорқага ишлов берар эдилар. Ҳозир ҳам дунёда жуда кўп одамлар томорқачилик ҳисобига кун кечирадилар. Томорқачилик ҳам чорвачилик сингари овчилик ва теримчиликка қараганда озиқ-овқат билан мунтазам таъминлаш имконини беради. Шунинг учун унинг асосида анча йирикроқ жамиятлар пайдо бўлди. Гуруҳлар доимий турар жойлар қуришганда улар ўртасида иқтисодий ва сиёсий алоқалар пайдо бўлади. Томорқачиликка жанговарлик хос бўлса ҳам, улар чорвадорларчалик зўрликка мойил эмасдилар. Ўсимликларни парваришлаб кун кечираётган одамлар ҳарбий санъатдан унчалик хабардор эмас эдилар, кўчманчи чорвадорлар эса кўпинча босқинчи армияларга бирлашар эдилар.

Яшаш муҳитларига боғлиқ тарзда чорвадорлар турли ҳайвонлар: қорамол, қўй-эчки, туя ва отларни боқиш билан шуғулланадилар. Ҳозирги дунёда ҳам, асосан Африкада, Яқин Шарқда ва Марказий Осиёда, кўплаб чорвадор жамоалар мавжуд. Одатда, бундай жамоалар серўт яйлов жойларда, шунингдек, сахро ва тоғларда жойлашган бўлади. Ҳайвонлардан транспорт воситаси сифатида фойдаланиб, улар овчилар ва теримчиларга қараганда анча катта

масофаларни босиб ўтадилар. Уларнинг турмуш тарзи овчи ва теримчиларникига қараганда анча мураккаброқдир. Уй ҳайвонлари доимо озиқ-овқат билан таъминлаб тургани учун чорвадорлар жамоалари овчи ва теримчиларникига қараганда йирикроқ бўлади. Уларнинг баъзиларида чорак миллионга қадар одам бўлиши мумкин. Катта майдонларда кўчиб юрадиган чорвадорлар бошқа гуруҳлар билан ҳам учрашадилар. Кўпинча улар савдо, баъзан эса уруш қилишади. Ҳокимият ва мулкни тақсимлашда овчилар ва теримчиларга қараганда чорвадорлар орасида кўпроқ тенгсизлик учрайди. Жумладан, дохийлар, қабила етакчилари ва ҳарбий саркардалар кўпинча катта шахсий ҳокимиятга эга бўлади.

**в)Ноиндустиал цивилизациялар ёки анъанавий давлатлар.** Шаҳарларнинг пайдо бўлиши йирик жамиятлар билан боғлиқ бўлиб, уларда тенгсизлик яққол кўзга ташланар эди. Бундай шаҳарларни шоҳ ва императорлар бошқарган. Кўпинча бу каби жамиятларни цивилизациялар, деб аташади, чунки уларда ёзув мавжуд бўлиб, фан ва санъат гуллаб-яшнаган. Бироқ бундай жамиятларда бошқарувнинг тартибга солинган шакллари вужудга келгани учун, уларга нисбатан анъанавий давлат, деган атама ҳам кўп ишлатилади.

Анъанавий давлатларнинг кўпчилиги, айти пайтда, империялар ҳам эди. Уларнинг ҳудудлари бошқа мамлакатларни қўшиб ёки босиб олиш ҳисобига кенгаяр эди. Масалан Хитой ва Римда шундай бўлган. Миллоднинг I асрида, Рим империясининг энг гуллаган пайтида унинг ҳудуди Британиядан Яқин Шарққача чўзилган эди. Икки минг йил давомида, яъни бизнинг асримизгача Хитой империяси ҳудуди Шарқий Осиёнинг катта ҳудудини, ҳозирги Хитой эгаллаб турган ерларни қамраб олди. Ҳозирги дунёда анъанавий давлатлар қолмади. Улардан баъзилари Хитой ва Японияга ўхшаб озми-кўпми ўзгаришсиз йигирманчи аср бошларигача сақланиб турди, бироқ барибир улар ё емирилиб битди, ёки замонавийроқ тизимларга асосланадилар.

**г) Саноатлашган (индустиал) жамиятлар.** Бундай жамият ХУШ аср охирида Англияда юз берган “саноат инқилоби” натижасида вужудга келди. Энг замонавий саноат жамиятлари Шимолий Америка, Европа, Шарқий Осиёда ташкил топди. Технологиянинг такомиллашувчи(янги машиналар, мас., тўқув дастгоҳлари), ишлаб чиқаришда энергиянинг янги манбаларидан фойдаланиш(айниқса сув ва бугдан) саноат жамиятлари ривожланишида асосий роль ўйнади. Шунингдек, саноат ишлаб чиқариши ушбу жараёни бошқариш учун зарур бўлган илмий билимларнинг қўлланилишини тақозо этди. Кейинчалик инсон ва ҳайвоннинг иш кучи ўрнига иссиқлик энергиясидан (аввал тош, кўмирни ёқиш орқали), кейинчалик электр ва атом энергиясидан фойдаланишга ўтилди. Индустиал жамиятларда технологик янгиликлар суръатлари анъанавий жамиятларга қараганда жуда юқори, чунки бир соҳада қилинган ихтиро ва кашфиётлар бошқа соҳаларда яна ҳам кўпроқ шундай ихтиро ва кашфиётлар қилинишига олиб келади.

Саноатлашган жамиятнинг асосий белгиси шундаки, меҳнатга яроқли аҳолининг кўпчилиги қисми қишлоқ ҳўжалигида эмас, балки завод, фабрикалар ва муассасаларда банд бўлади. Саноатлашган жамиятлар кўпроқ урбанизациялашган бўлади. Баъзи саноатлашган мамлакатларда аҳолининг 90%

и иш ўринларининг асосий қисми жойлашган шаҳарларда яшайди, 2-3 фоиз аҳолигина қишлоқ хўжалигида банддир. Бу шаҳарларнинг ҳажми анъанавий жамиятлардагиларга қараганда жуда каттадир. Янги турдаги шаҳарларда ижтимоий ҳаёт шахсийлашмаган ва аноним хусусият кашф этади ва одамлар таниган одамлардан кўра кўпроқ нотанишлар билан мулоқотга киришадилар.

Саноатлашган жамиятнинг яна бир хусусияти улардаги ривожланган ва таъсирчан сиёсий тузумнинг мавжудлигидир. Анъанавий тамаддунлар даврида монарх ёки император тимсолидаги сиёсий ҳокимият алоҳида - алоҳида мутақил турар жойларда яшайдиган кўпчилик фуқароларнинг яшаш тарзи ва урф-одатларига ҳеч қандай таъсир кўрсата олмас эди. Саноатлаштириш жараёнида транспорт ва алоқа тезлиги ортди ва бу “миллий” ҳамжамятларнинг интеграциялашувига таъсир ўтказди. Саноатлашган жамиятлар биринчи миллий давлатлар бўлишди. Миллий давлатлар анъанавий давлатларнинг ноаниқ чегаралари ўрнига келган аниқ чегаралар билан ажратилган сиёсий бирликлардир. Саноат технологияларини қўллаш ривожланишнинг тинч соҳалари билан чекланмади. Индустрлаштиришнинг дастлабки қадамлариданок саноат ишлаб чиқариш ҳарбий мақсадларга хизмат қила бошлади ва бу ноиндустриал давлатларга нисбатан анча мукамал бўлган куруллар ва ҳарбий тузилмалар янги турини яратиб, уруш олиб бориш усуллари тубдан ўзгартириб юборди. Иқтисодий жиҳатдан устунлик, сиёсий бутунлик ва ҳарбий қудрат кейинги икки юз йил ичида Ғарб турмуш тарзининг шиддат билан ёйилиши учун асос яратди.

д)**постиндустриал жамият.** Америкалик социолог Д. Белл томонидан ишлаб чиқилган концепция бўлиб, унга кўра назарий билимлар саноат ва ишлаб чиқаришнинг бир жойга тўпланиб қолишида асосий роль ўйнайди. Бундай жамиятда капиталистлар ҳукмронлиги йўқолиб, унинг ўрнини юқори билимга эга бўлган малакали ҳукуқий элита эгаллайди. Хусусийлик жамиятнинг асосий мезони сифатида ўзининг маъносини йўқотади, унинг ўрнини таълим ва билимнинг юксак даражаси эгаллайди. Индустриал жамиятда асосий низо меҳнат ва капитал орасида бўлса, постиндустриал жамиятда асосий низо билим ва чуқур билимга эга эмаслик ўртасида боради. Чет мамлакатларга тайёр маҳсулотга қараганда янги ишлаб чиқариш технологиялари кўпроқ экспорт қилинади.

Ҳозирги замон жамиятнинг кўринишлари қуйидагилардир 1. Фаровонлик /мўл-қўлчилик/ жамияти. Ғарб социологиясида ҳозирги капиталистик давлатларнинг қиёфаси ифодаланиб, «умумий роҳат-фароғат» ва «истеъмол қилиш жамияти» деган жамият назарияси вужудга келди. Ушбу назарияга кўра иқтисодиётнинг ўсиши ва янги технологиянинг ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиши натижасида истеъмол маҳсулотларининг кўплаб реализация қилиниши натижасида жамиятдаги ҳар бир кишининг бахтли ва низоларсиз ҳаёт кечириши таъминланади. Ҳозирги кунда шундай давлатлар фикримизча, ривожланган капиталистик давлатларда, айниқса, Скандинавия давлатлари ҳаётида аста-секин намоён бўлиб бормоқда.

2. Истеъмол қилиш жамияти. Унчалик назарий, эмпирик ва амалий аҳамиятга эга бўлмаган тушунча. Америка социологлари томонидан XX аср

40-50 йилларида жамият ҳар бир аъзосининг ҳаёт даражасини яхшилаш мақсадида пайдо бўлаётган тасаввурларнинг кенг ёйилиши натижасида вужудга келган назариядир. Моддий томондан кам таъминланган кишиларнинг ижтимоий жихатдан талаб муаммоларини қондириш учун ушбу назария ишлаб чиқилди. Индивидуал истеъмол ижтимоий онгда инсонпарварликнинг ёрқин ифодаси сифатида намоён бўлди, ўз навбатида бу иқтисодий монополизация ва давлат томонидан бошқариб туришни мустаҳкамлади. Истеъмол қилиш тамойилнинг тараққий қилиши натижасида капитализмнинг нафақат эволюцион томонларини, балки кўп миқдордаги истеъмол эҳтиёжларини ошира бориб, истеъмол қилиш тамойилига модалар рекламаси ва маркетинг муносабатларини ҳам киритди. Истеъмол қилиш тамойилининг оммавийлашуви жаҳон миқёсида ҳарбий-сиёсий конфронтациянинг бир мунча барқарорлашувига ҳам ёрдам берди.

3. Очиқ ва ёпиқ жамият. Социологияга К.Поппер томонидан киритилган бўлиб, тараққиётнинг турли босқичларида турли жамиятларнинг маданий-тарихий ва сиёсий тасвирланиши ифода этилади. Очиқ жамият-демократик жамият бўлиб, ташқи муҳит шароитларида осон ўзгарувчи ва мослашувчи, танқидни ёриб ўтмоққа мослашган жамият, ёпиқ жамият эса догматик – авторитар режим асосида бўлиб, сеҳрли /магик/ тафаккур, догматизм ва коллективизм тамойиллари билан характерланади. К.Поппер ёпиқ жамиятларга ўзининг сиёсий ва ижтимоий келиб чиқишидан турлича бўлган давлатларни киритади, унингча, буларга Спарта, Пруссия, чор Россияси, нацистлар Германияси, Совет Иттифоқи киради. Очиқ жамият оламни рационал англаш ва критицизм, индивидуализм тамойиллари билан характерланади. Очиқ жамиятга у қадимги Афина ва Ғарб ривожланган давлатларини киритади. Очиқ ва ёпиқ жамият концепцияси ҳозирги замон давлатларининг мафкуравий сиёсий ва ижтимоий-психологик нуқтаи-назардан ўрганиш учун асосий омиллардан бири ҳисобланади.

#### **Назорат саволлари:**

1. О.Контнинг социологик фикрлар ривожигаги ўрни.
2. Г.Спенсернинг эволюционизм ғояси.
3. Э.Дюркгеймнинг “аномия” ғояси.
4. Форобийнинг идеал жамият тўғрисидаги қарашлари.
5. Паретонинг элита назарияси.
6. Жамиятнинг асосий турлари.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза (2010 йил 27 январь) / Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва

халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

3.Социология //Ўқув қўлланма. Убайдуллаева Р.А., Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ.. - Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2002.

4.Социология. Маърузалар курси. Алиқориев Н.С, Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б., ва бошқ. - Тошкент, 2001

5.Умумий социология. (Алиқориев Н.С ва Убайдуллаева Р.Т таҳрири остида) - Тошкент: 1999.

6.Гидденс Э. Социология. - Тошкент, 2002

7.Saitxodjayiv Н.В. Sotsiologiya. Ma ruzalar kursi. -Тошкент: Академия, 2008.

8.Холбеков А.Ж., Идилов У.Ю. Социология: изоҳли луғат- маълумотнома. - Тошкент: Ибн-Сино номидаги нашриёт, 1999.

9.Холбеков. А.Ж. Бошқарув социологияси (ўқув қўлланма). -Тошкент: Akademiya, 2007.

### **3-мавзу. Социал гуруҳлар**

#### **Режа**

**1. Социал гуруҳ тушунчаси.**

**2. Ғарб социологиясида кичик гуруҳ назарияси.**

**3. Оммани социологик ўрганиш.**

Социал гуруҳ тушунчаси, унинг асосий белгилари. Инсон ҳаётининг ажралмас жиҳати-бу бошқалар билан гуруҳларда, бирлашмаларда ва ташкилотларда яшашдир. Кўпчилик гуруҳларга (масалан, оила) ва шунингдек, мактаб, коллеж, фирмалар каби турли хил йирикрок ташкилотларга мансубдир. Гуруҳ ва ташкилотлар ҳаётимизни бошқаради ва улардаги ҳукумат тизимлари хулқ-атворимизни чеклаб, унга бевосита таъсир ўтказади.

Социал гуруҳлар деганда жамиятдаги миллий, диний, эътиқод, мулкӣ, мавқе, жинс, ёш ва бошқа жиҳатларига кўра ўзаро фарқланувчи кишилар гуруҳлари тушунилади. Социал гуруҳлар одатда кичик гуруҳлар деб ҳам аталади. Кичик гуруҳларнинг зарурий белгилари сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

- гуруҳ аъзоларининг камсонлилиги;
- иштирокчиларнинг умумий фаолият билан бирлашганлиги;
- гуруҳ аъзолари ўртасида бевосита шахсий мулоқот бўлиши;
- умумий гуруҳий меъёрлар мавжудлиги;
- ушбу гуруҳга тегишлилик ҳиссиёти ва ушбу шахснинг бошқалар томонидан гуруҳ аъзоси сифатида қабул қилиниши.

Гуруҳлар турлича асосларда таснифланади, улардан энг кенг тарқалганлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- бирламчи ва иккиламчи гуруҳлар;
- расмий ва норасмий гуруҳлар;

- аъзолик ва референт (эталон) гуруҳлари;
- ички ва ташқи гуруҳлар.

Гуруҳдаги ўзаро мулоқот хусусияти гуруҳнинг ички тузилмаси билан белгиланади. Гуруҳий тузилма – иерархик (поғонали) жойлашувга эга бўлган гуруҳий ички муносабатлардир.

Гуруҳда унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг иккита даражасини ажратиш мумкин: биринчиси – гуруҳ олдида қўйилган вазифаларнинг бажарилиши билан боғлиқ муносабатлар, булар гуруҳнинг инструментал функцияси дейилади.

Иккинчиси –гуруҳ аъзолари ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш ва қувватлаш билан боғлиқ муносабатлар – булар гуруҳнинг эмоционал ёки экспрессив функциялари ҳисобланади.

Гуруҳ аъзоларининг гуруҳий фаолиятдаги роллари турлича бўлиши мумкин – гуруҳ аъзоси вазифани бажаришга йўналтирилган ва шунга мувофиқ ҳаракат қилувчи бўлиши, ёки гуруҳ аъзолари ўртасидаги муносабатларни яхшилашга уриниши, ёки ўзининг гуруҳий алоқалардан ташқаридаги шахсий эҳтиёж ва мақсадларини қондириш йўлида фаолият юритиши мумкин.

Гуруҳ аъзоларининг роль, функциялари қуйидагича тақсимлаган бўлиши мумкин:

- ташаббускор аъзо роли – у муаммо, фаолият усуллари, асосий ғояларни белгилаб беради, фикрларни умумлаштиради;
- гуруҳдаги муносабатларни қувватлаш ролини бажарувчилар, гуруҳнинг ушбу аъзоси гўёки бошқалар орасида воситачилик ролини бажаради, вазиятни юмишатади, кескинликни камайтиради, бунда ҳазил ва юморлардан фойдаланади, тортинчоқларни гуруҳ фаолиятига тортади, барчани фаоллаштиради;
- асосий эътибор ўзига қаратилган роль – бундай аъзо гуруҳнинг умумий ишини бузади, умумий ютуқларни тан олмайди, ўзининг кўпчилик томонидан тан олиншини хоҳлайди, бефарқ бўлади.

Гуруҳ фаолияти динамика – ўзгаришлар билан характерланади. Гуруҳий динамика маълум бир замондаги ривожланиши ёки ҳаракати билан аниқланади, бу гуруҳ аъзоларининг ўзаро ва гуруҳ раҳбари билан ўзаро ҳамкорлиги ва муносабатлари билан, шунингдек гуруҳга ташқи таъсирлар билан таққосланади. Ҳар бир босқичда вазифалар ва ўзаро муносабатлар ўзгариб, алмашиб туриши мумкинлигини эътиборга олиш зарур.

Ғарб социологиясида жамиятнинг муҳим таркибий бирликлари сифатида кичик гуруҳларни атрофлича ўрганиш йўлга қўйилган ва кичик гуруҳларнинг турлича назариялари ишлаб чиқилган: америкалик социолог Кули эмоционал алоқалар билан боғланган кичик ассоциацияларни бирламчи гуруҳ деб атади, унинг энг типик кўриниши оила ҳисобланиши мумкин;

Иккиламчи гуруҳлар деб доимий тарзда учрашиб турадиган, лекин шахсий алоқаларга эга бўлмаган инсонлар гуруҳи кўрсатилади, масалан, кишиларнинг турли қўмиталар, комиссиялар ишидаги фаолиятлари.

Шунингдек, квазигуруҳлар – аниқ мақсадсиз тасодифан шаклланиб қолувчи, қисқа муддатли, беқарор гуруҳлар фаолиятлари ҳам Ғарб социологлари назаридан четда қолмаган, бундай гуруҳлар спорт мусобақалари даврида, саёҳатлар, сафарга чиққан йўловчилар орасида шаклланиши мумкин.

Кичик гуруҳларнинг асосий қисмини қариндош-уруғчиликка асосланган гуруҳлар – уруғ, қабила, оила, миллат ва элат кабилар ташкил этади.

Ғарб социологиясида кенг қўлланиладига социометрия назарияси ва усули – бу оммани турли мақсадларда ва турли жиҳатлардан ўрганиш орқали ҳар хил гуруҳларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликлари, меҳнатга муносабатлари, муҳим ички ва ташқи сиёсий масалаларга муносабатлари доимий ўрганиб борилади.

Энг муҳим эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган муносабатларни мустаҳкамлаш амалиёти индивидларга ижтимоий муносабатларда хатти-ҳаракатлар қоидаларини кўрсатиб берувчи роллар ва мавқеларнинг қатъий мустаҳкамланган тизимини яратиш ҳамда ушбу ахлоқ қоидаларини сўзсиз бажаришга эришиш учун кўрсатмалар тизимини белгилашдан иборатдир. Роллар, мавқелар ва кўрсатмалар тизими социал институтлар кўринишида яратилиб, жамият учун ижтимоий алоқаларнинг энг мураккаб ва муҳим кўринишлари ҳисобланади. Айнан социал институтлар ташкилотлардаги ҳамкорликдаги фаолиятни қўллаб туради, барқарор хулқ намуналари, ғоялари ва рағбатларини белгилайди. Инсондаги манавият асослари, ахлоқ меъёрлари айнан оилада шаклланади, шахс ички дунёсининг индивидуал сифатлари очилади.

Оила нафақат шахснинг шаклланишига, балки унинг ўзини кўрсатишига ҳам ёрдам беради, унинг ижтимоий, ижодий фаоллигини рағбатлантиради, ўзига хос томонларини очиб беради. Цивилизация ривожланиши билан оила ўз зиммасидаги ғам-ташвишларнинг бир қисмини бошқа ижтимоий институт ва ташкилотларга юклади, бу билан ота-оналар кўпроқ бўш вақтга эга бўлишди, болалар эса жамиятда ижтимоийлашув имконини олишди. Оила ва бошқа ижтимоий институтларнинг ўзаро алоқаси фарзанд туғилган пайдан бошлаб намоён бўлади, ушбу алоқа қанчалик яхши йўлга қўйилган бўлса, боланинг тўлақонли шахсга айланиш босқичларини босиб ўтиши шунчалик осон бўлади. Ижтимоий муҳит жамиятдаги ижтимоий меъёрларни ва маданий қадриятларни ўзлаштиришга ёрдам беради, бунда оила таянч асос ҳисобланади, шахсиятнинг пойдевори қўйилади, кейинги «бунёдкорлик ишлари»ни эса мактаб, сўнгра навбатдаги ўқув юрти, кейин ишхонадаги жамоа амалга оширади. Бола ўзининг ижтимоийлашувини оилада бошлайди, аммо оила ўз навбатида касалхоналар, мактаблар, болалар муассасалари, мактаблар, иш жамоаси, спорт секциялари, маданият муассасалари, давлат идоралари, норасмий бирлашмалар, диний идоралар, дўстлар ва бошқа кўплаб ташкилотлар билан мулоқот қилиш заруратига тўқнаш келади. Айнан ушбу барча ташкилот ва муассасаларнинг ўзаро алоқаси жараёнида ёш шахс шаклланиб боради. Оиланинг ушбу ташкилотлар билан ўзаро муносабати

канчалик яхши йўлга қўйилган бўлса, шунчалик ижтимоийлашган, омадли шахс балогатга етади. А.Г.Харчев оилани кишиларнинг никоҳ ва қон-қариндошлигига асосланган, турмушнинг умумийлиги ва ўзаро масъулият билан боғланган институт сифатида тарифлайди. Оилавий муносабатларнинг бирламчи асосини никоҳ ташкил этади. Никоҳ – бу аёл ва эркак ўртасидаги муносабатларнинг тарихан ўзгариб турадиган ижтимоий шакли бўлиб, унинг ёрдамида жамият одамларнинг жинсий ҳаётини тартибга солади ва санкциялайди, уларнинг эр-хотинлик ва қариндошлик ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатади. Аммо оила, одатда никоҳга қараганда муносабатларнинг мураккаброқ тизими ҳисобланади, чунки у нафақат эр-хотинларни, балки фарзандлар ва бошқа қариндошларни ҳам бирлаштириши мумкин. Шу боис оилага шунчаки никоҳ гуруҳи сифатида эмас, балки ижтимоий институт, яни ижобий ва салбий санкциялар тизими орқали кенг ижтимоий назоратга дучор бўладиган муайян қадриятлар ва меъёрлар асосида ўзаро алоқа ва муносабатларнинг барча алоқаларини тартибга солувчи ҳамда инсон наслини кўпайтириш функциясини бажарувчи индивидларнинг ўзаро алоқа ва муносабатлар тизими сифатида қараш керак. Оила ижтимоий институт сифатида бир қатор босқичлардан ўтади, уларнинг кетма-кетлиги оилавий цикл ёки оиланинг ҳаётий циклини ташкил этади.

Оила социал институт сифатида жамият шаклланиши билан бирга юзага келди. Оиланинг шаклланиш ва фаолият юритиш жараёни қадриятли-меъёрий бошқарувчиларга боғланган. Уларга, масалан, севгилисининг кўнглини олиш, никоҳ жуфтини танлаш, эр ва хотин, ота-оналар, болалар ва ҳ. амал қиладиган хулқ-атворнинг сексуал андозалари, меъёрлари ҳамда уларни бажармаганлик учун санкциялар киради. Ушбу қадриятлар, меъёрлар ва санкциялар мазкур жамиятда қабул қилинган эр ва хотин ўртасидаги тарихан ўзгариб турадиган муносабатлар шаклидан иборат бўлиб, унинг ёрдамида эр-хотин ўзларининг жинсий ҳаётини тартибга солади ва тасдиқлайди, эр-хотинлик, ота-оналик ва ўзга қариндошчилик ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатади.

Жамият ривожланишининг бошланғич босқичларида эркак ва аёл, катта ва ёш авлод орасидаги муносабатлар қабила ва уруғ урф-одатлари билан тартибга солинган. Улар диний ва маънавий тасаввурларга асосланган хулқ-атворнинг синкретик меъёрлари ва намуналаридан иборат бўлган. Давлат пайдо бўлиши билан оилавий ҳаётни тартибга солиш ҳуқуқий характер касб этди. Никоҳни ҳуқуқий расмийлаштириш нафақат эр-хотинга, балки уларнинг иттифоқини тасдиқловчи давлатга ҳам муайян мажбуриятларни юклади. эндиликда ижтимоий назорат ва санкцияни нафақат жамоатчилик фикри, балки давлат органлари ҳам амалга ошира бошлади. А.Г.Харчевнинг таърифича, репродуктивлик оиланинг асосий, бирламчи функцияси ҳисобланади, яъни бу жамият учун аҳолини биологик кўпайтириш ҳамда шахсан ўзи учун болаларга бўлган эҳтиёжини қондиришдир. Ушбу асосий функция билан бирга оила бир қатор бошқа муҳим ижтимоий функцияларни ҳам бажаради:

а). тарбиявий – ёш авлодни ижтимоийлаштириш, жамиятни маданий такрор ишлаб чиқаришни сақлаб туриш;

б). хўжалик-турмуш – жамият аъзоларининг жисмоний саломатлигини сақлаш, фарзандлар ва оиладаги қарияларни парвариш қилиш;

в). иқтисодий – оила аъзоларининг бошқалар учун моддий маблағларни олиши, жамиятнинг вояга етмаган ва меҳнатга лаёқасиз аъзоларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

г). бирламчи ижтимоий назорат соҳаси – оила аъзоларининг хулқ-атворларини ахлоқий жиҳатдан қатъий белгилаш, шунингдек эр-хотинлар, ота-оналар ва болалар, катта ва ўрта авлод вакиллари ўртасидаги муносабатларда жавобгарлик ва мажбуриятларни қатъий белгилаш;

д) маънавий мулоқот – оила аъзоларини шахс сифатида ривожлантириш, ўзаро маънавий бойитиш;

е) ижтимоий-мавқе – оила аъзоларига муайян ижтимоий мавқени тақдим этиш, ижтимоий тузилмани такрор яратиш;

ж) бўш вақт – бўш вақтни оқилона ташкил этиш, манфаатларни ўзаро бойитиш;

з) эмоционал – руҳий ҳимоя, эмоционал мададни олиш, индивидларнинг эмоционал барқарорлашуви ва уларнинг руҳий терапияси.

**Оилавий муносабатлар.** Қариндошчиликни қарор топтирувчи муносабатлар орасида энг муҳимини оилавий қариндошчилик ташкил этади. Амалиётда *нуклеар*, яъни оила хўжалигини бирга юритувчи, ўзларининг боласи ёки асраб олган болалари билан бирга яшовчи эр ва хотиндан иборат оилани ҳамма жамиятларда ҳам кўриш мумкин. Кўпчилик анъанавий кланлар мавжуд бўлмаган нуклеар ҳам кенг қариндошчилик алоқаларининг муҳим қисми ҳисобланади. Эр-хотинлик муносабатларига эга бўлган қариндошларнинг болалар билан бирга яшаши ёки яқин муносабатда бўлиши ҳолатини кенгайган оила, дейиш мумкин. Кенгайган оилани уч ёки ундан кўпроқ авлоддан ташкил топувчи, бир хонадонда, ёки бир-бирига яқин бўлган хонадонларда яшовчи кишиларнинг гуруҳи, деб тушуниш мумкин. Бу оиланинг аъзолари момо, бобо, акалар ва уларнинг хотинлари, сингиллар ва уларнинг эрлари, холалар, тоғалар, амакиваччалар, холаваччалар бўлиши мумкин. Ғарбона жамиятларда оила моногамия билан биргаликда тасаввур қилинади. Бир пайтнинг ўзида, биттадан ортиқ аёл ёки эркак билан никоҳда бўлиш ғайри қонуний ҳисобланади. Жаҳон миқёсида моногамия, умуман олганда, никоҳнинг энг кўп тарқалган шакли эмас. Жорж Мердок 565 та турли жамиятларни қиёсий тадқиқ этиб, улардан 80% ида полигамияга йўл берилишини аниқлади. “Полигамия” эркак ёки аёл бир пайтнинг ўзида биттадан ортиқ эр ёки хотинга эга бўлишига йўл қўядиган никоҳ шаклини билдиради. “Полигамия”нинг икки тури мавжуд: полигиния- эркакнинг бир пайтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ хотин билан никоҳда бўлишига йўл берилиши, полиандрия - камроқ тарқалган никоҳ шакли бўлиб, унда бир пайтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ эрга эга бўлиши мумкин. Мердок таҳлил қилган 565 жамоанинг фақат тўрттасида (1 фоиздан камроғида) полиандрия кузатилган. Полиандрия полигинияда учрамайдиган ҳолатни

туғдиради, яъни бунда боланинг биологик нуқтаи-назардан ота-онаси аниқ бўлмайди. Масалан, Жанубий Ҳиндистон маданиятида туб эркаклар биологик нуқтаи назардан оталикни ўрнатиш билан қизиқмаганлар. Уларда болага оталик расмини амалга ошириш чоғида ўқли камонни тантанали суратда берган эркак боланинг отаси ҳисобланган. Агар кейинчалик бошқа бир эркак болага оталик қилишни хоҳлаб қолса, бу расм аёлнинг навбатдаги хомиладорлигини такрорлаган. Полигиния рухсат берилган жамиятда кўпчилик эркаклар фақат бир аёлга эрлик қиладилар. Бир неча аёлга эрлик қилиш ҳуқуқидан эса иқтисодий ҳаётда юқори ўринга эга бўлган кишилар тез-тез фойдаланадилар. Полигинияда бир оиладаги бир неча аёл бир хонадонда истиқомат қиладилар. Аммо кўпчилик ҳолларда улар алоҳида хўжалик юритадилар. Полигиния вужудга келтирувчи келишмовчиликни аёллар орасидаги иерархия юмшатиши мумкин. Бунда биринчи хотин оилавий масалаларни ҳал қилишда ўзидан кейинги хотинларга нисбатан кўп имкониятларга эга бўлади.

Жаҳонда оиланинг хилма-хил шакллари сақланиб келмоқда. Айрим ҳудудларда, хусусан, Осиё, Африканинг айрим жойларида ва Тинч океани оролларида анъанавий оилавий тизимлар, кланлар ва полигамиялар қарийб ўзгаришсиз сақланган. Шундай бўлишига қарамасдан учинчи дунёнинг кўпчилик малакатларида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бунинг сабаблари мураккаб ва хилма-хилдир. Дастлабки даврларда Ғарбда оилага ҳозирги замон индустрияси ва шаҳар турмуш тарзининг таъсири катта бўлди. Умуман, ушбу ва шунга ўхшаш ўзгаришлар кенгайтирилган оила ва қариндошчилик муносабатларининг бошқа турларини емириб, унинг ўрнига нуклеар оиланинг шаклланишини таъминлади.

Оила шакллариининг нисбатан муҳим ва энг умумий ўзгаришларини куйидагиларда кўриш мумкин:

1. Кланлар ва бошқа корпоратив қариндошлик гуруҳлари емирила бошлади. Бунга урушдан кейинги Хитой тарихи мисол бўлиши мумкин.

2. Қайлиқларни эркин танлашнинг умумий тенденцияси яққол кўзга ташланди. Ёш авлод вакиллари, хусусан шаҳарда яшаётган ва ишлаётганлар никоҳга кирувчи шерикларини ўзлари мустақил танлашни истайдилар.

3. Шерикни танлаш, оилавий ички масалаларни ҳал қилиш аёллар ихтиёрида эканлиги тан олинди. Аёлларнинг жамиятда юқори амалларни эгаллаш имконияти, ажралишнинг эркинлаштирилиши бу ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир. Бир қатор жамиятларда эркаклар анъанавий суратда ажралишда тўлиқ эркинликка эгадирлар.

4. Анъанавий маданиятларда кўпчилик никоҳлар қариндошлик никоҳлари бўлган. Кучли клан гууҳлари мавжуд бўлган жойларда қариндошлик муносабатлари қанчалик узоқ бўлишига қарамасдан индивидга шу кланнинг аъзоси билан никоҳга кириш ман қилинар эди. Бундай амалиёт экзогамия дейилади. Эндогамия бунга қарама-қарши амалиёт бўлиб, унда индивид ўз қайлиғини фақат ўз қариндошлари орасидан танлаган.

Сўнгги ўттиз йилда ажралишлар миқдори анча кўпайди. Никоҳ муносабатларининг узилиши қарийб ҳамма вақт стресс(қаттиқ ҳаяжон) пайдо

килади ва ажрашганлар учун молиявий қийинчиликларни вужудга келтириши мумкин.”Ажралиш” тушунчаси узоқ давом этган бирликдаги интим муносабатлардан яқкалик ҳаётига ўтишни англатади. Маълум бўладики, кўп ҳолларда жисмоний ажралишдан олдин эр-хотинлар ижтимоий жиҳатдан бошқа-бошқа бўлиб қоладилар. Бир индивид, Ваген атамасига кўра, ташаббускор - бошқасига қараганда мавжуд муносабатлардан кам кониқади ва никоҳдан мустақил “худуд”ни яратади. Пол Боэнн ажралишни амалга оширувчи ўзаро 6 та босқични белгилайди:

1.Жанжалли ажралиш-никоҳнинг бузилиши моҳиятини ифодалайди. Бунда шериклар ўртасидаги совуқ муносабатлар кескин ошиб, одатда никоҳнинг бузилишига олиб келади;

2.Очиқ ажралиш-бунда никоҳни бекор қилиш учун зарур асослар мавжуд бўлади;

3.Иқтисод сабабли ажралиш-мол-мулкнинг бўлиниши билан боғлиқ ажралишлар;

4.Ота-оналар ажралиши-болаларга васийлик қилиш ва улардан хабар олиб туриш ҳуқуқи билан боғлиқ ажралиш;

5.Коммуникатив ажралиш-ажралганларнинг дўстона ва бошқа ижтимоий алоқаларининг ўзгариши;

6.Рухий ажралиш-индивид ҳиссий боғланганлик ипларини узил-кесил узади ва мустақил ҳаёт заруратини сезади.

Хотинлар ажралишдан эркакларга қараганда кўпроқ иқтисодий зарар кўрадилар, аммо рухий ва ижтимоий кўникиш жараёни ҳар икки жинсда ўхшаш ҳолатда кечади. Кўпчилик ҳолларда шерикларнинг бир-бирига бўлган ҳурмати ва муҳаббати жуфтларнинг ажралишига қадар йўқолади. Улар ўрнига душманлик ва ишончсизлик пайдо бўлади. Айни пайтда бир-бирига боғланганлик сақланади.

Ижтимоий гуруҳ тушунчасини унга яқин бўлган икки тушунча-агрегат ва ижтимоий категория тушунчалари билан адаштирмаслик керак. Ижтимоий гуруҳ-бу мунтазам равишда бири-бирлари билан ҳамкорлик қиладиган инсонлар гуруҳидир. Бундай мунтазамлик уларнинг баъзи ижтимоий характерларини яқинлаштиради. Гуруҳ аъзолари бошқалардан кутмайдиган маълум хатти-ҳаракатларни бир-бирларидан кутадилар. Гуруҳларнинг катталиги турича бўлиши мумкин. Масалан: оила ёки йирик спорт клублари каби. Агрегат (ижтимоий мажмуа) - бу маълум вақтда бир жойга тўпланган, лекин ораларида ҳеч қандай алоқа бўлмаган инсонларнинг жамулжамидир. Аэропортдаги йўловчилар, кинодаги томошабинлар - барчаси агрегат жамоа мисолларидир. Ирвин Гоффманнинг сўзлари билан айтганда, агрегатлар-ноаниқ муносабатга эга бўлган инсонлар жамоасидир. Албатта, агрегат ичида ҳам турли хилдаги гуруҳ муносабатларини кузатиш мумкин.

Ижтимоий тоифа статистик гуруҳ бўлиб, инсонларнинг аниқ тавсифига, масалан, даромад даражаси, касбий ҳолатига қараб таъсирини белгилайди. Бир ижтимоий тоифадаги инсонлар бир жойга тўпланмайдилар, бир-бирлари билан алоқа қилмайдилар, ўзларини бирлаштирадиган умумий тавсифларга эътибор бермайдилар(Оқ ва қора танлилар тоифаси).

Биз мансуб бўлган барча гуруҳлар бир хил аҳамиятга эга эмас. Баъзи гуруҳлар ҳаётимизнинг кўплаб жиҳатларини қамраб олади ва бошқалар билан шахсий алоқалар ўрнатилишига сабаб бўлади. Америкалик социолог Чарлз Хортон Кули(1864-1929 й.й.) эмоционал алоқалар билан боғланган кичик ассоциацияларни белгилаш учун бирламчи гуруҳ атамасини қўллаган. Кули бирламчи гуруҳларни идеаллаштирган, шунинг учун унинг фикрларига танқидий ёндашиш керак. Масалан: оила ҳаёти ҳар доим тинч ва осийишта ўтмайди, оилаларда кўплаб нотекисликлар ва душманларча муносабат ҳам учрайди.

Иккиламчи гуруҳ - доимий тарзда учрашиб турадиган, лекин шахсий алоқаларга эга бўлмаган инсонлар гуруҳидир. Албатта, ҳаётда бирламчи ва иккиламчи гуруҳлар ўртасида фарқ унчалик яққол сезилмайди. Масалан, кўмита мажлисида доимо учрашиб турадиган инсонлар дўстлашиб, кейинчалик норасмий учрашувлар ҳам ўтказиб туришлари мумкин.

**Социометрия** амалий микросоциология бўлиб, Ж.Морено (1892-1974 й.й.) унинг ривожига катта ҳисса қўшди. **Социометрия** - кичик гуруҳларда шахслараро муносабат таркибини ўрганишдир. Социометрия эмпирик социологиянинг оддий усуллари ёрдамида кичик гуруҳларда психологик ўзаро муносабатларни ўрганади. У микросоциологиядаги алоҳида йўналиш сифатида С.Ж.Морено мактабидан иборатдир. АҚШда социометриянинг махсус маркази - Морено институти мавжуд бўлиб, у «Социометрия» журналинини нашр этади. Морено ва унинг мухлислари социометрияга кичик гуруҳларни шундай қайта гуруҳлаш йўли билан ижтимоий уйғунликка эришиш воситаси, деб қарайдилар, бунинг натижасида гўё мазкур кичик гуруҳларда бирлашган кишиларнинг истаклари ва ҳис-туйғулари бирлиги барқарор бўлади.

Морено ўз қарашларини психотерапиядан келтириб чиқаради. Унинг фикрича, психотерапия усуллари уч инқилобни вужудга келтиради: *гипноз* (Меслер қўллаганидек), *психоанализ* (Фрейд бўйича) ва *психодрама* (Морено ишлаб чиққан, театр ўйинларининг таъсири). Терапиянинг ушбу шакл социодрамани вужудга келтиради.

Моренонинг фикрича, жамиятда уч ўлчов мавжуд:

- 1) ташқи жамият, яъни барча билиши мумкин бўлган макроскопик гуруҳлар;
- 2) социометрик матрица, яъни социометрик усуллар билан аниқланадиган микроскопик структуралар;
- 3) жамият ва социологик матрицани у ижтимоий воқеликдан фарқ қилади, деб ҳисоблади.

Маданият социологиясида ижтимоий институтлар муҳим аҳамиятга эга. *Ижтимоий институтлар* деганда кишиларнинг ижтимоий фаолиятлари ташкилланадиган ва амалга ошириладиган муассасалар ва уларда ижтимоий феъл-атвор, ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилиши тушунилади. Ижтимоий институтларнинг кўринишлари:

- 1) .Мувофиқлаштирувчи (реляцион) институтлар (жинс, ёш, касб тури, қобилиятларга оид мезонларни аниқлаб берувчи ижтимоий институтлар);
- 2) .Бошқарув (идора этиш) институтлари;

- 3)Бирлаштирувчи (интегратив, уйғунлаштирувчи) институтлар;  
 4)Анъаналар билан боғлиқ ижтимоий хулқни муво-  
 фиклаштирувчи институтлар (одатлар, маросимлар, қариндош-  
 уруғчилик муносабатларидан иборат фаолиятларни ташкил қилувчи);  
 5)Маданий ижтимоий институтлар (дин, санъат, адабиётга доир фаолиятларни мувофиқлаштирувчи).

Ҳозирги замон жамиятлари иқтисодий тизимининг энг муҳим характерли жиҳатларидан бири - улардаги ҳаддан ташқари мураккаб ва хилма-хил меҳнат тақсимотининг ривожланишидир. Анъанавий жамиятларда қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган иш, маълум хунарларни эгаллаш билан боғлиқ бўлиб, шунга оид тажриба узоқ вақт шогирдлик натижасида ҳосил қилинади. Масалан, темирчи плуг ясаши керак). Ҳозирги замон саноат ишлаб чиқаришининг пайдо бўлиши билан жуда кўп анъанавий хунарлар амалий жиҳатдан бутунлай йўқолди.

Аъанавий ва замонавий жамиятлар ўртасида меҳнат тақсимотида қарама-қаршилиқ ҳақиқатда жуда катта. Ҳатто энг йирик анъанавий жамиятларда, ҳам одатда, 300-400 га яқин тўлақонли хунарлар мавжуд эди. Ҳозирги саноатлашган тизимда минглаб турли-туман мутахассисликлар мавжуд. Ҳозирги жамиятларнинг бош хусусиятларидан бири-иқтисодий жиҳатдан бир-бирига боғлиқлигининг ўсиб борганлигидир.

Саноатлашган иқтисодиётда ишни уч секторга бўлиш мумкин, булар: бирламчи, иккиламчи ва учламчи секторлардир. Бу уч секторда банд бўлган ишчи кучининг пропорционал таркиби, саноатлашишнинг турли босқичларида турлича бўлади. Бирламчи соҳада табиий ресурсларни йиғиш ва ҳосил қилиш билан шуғулланадилар. Иқтисодиётда бирламчи сектор қишлоқ хўжалигини, қазилма бойликлар ва ўрмон саноатини, балиқчилик ва бошқаларни ўз ичига олади. Жамиятнинг саноатлашиш даврининг биринчи босқичида ишчиларнинг кўпчилиги бирламчи секторда банд бўлишади. Ишлаб чиқаришда машиналарнинг кўпайиши, завод ва фабрикалар сонининг ортиб бориши билан ишчи кучининг кўп қисми иккиламчи секторга ўта бошлайди. Иккиламчи соҳа хомашёни саноат товарига айлантиради. Учламчи сектор эса саноатдаги ҳар хил хизмат турлари ҳисобланиб, улар ўзлари моддий бойликлар ишлаб чиқармасдан, қолганларга тўппа-тўғри ўзларининг у ёки бу хизматларини таклиф қилишади(Масалан, шифокорлар, ўқитувчилар).Соҳаларни бирламчи, иккиламчи ва учламчи секторларга бўлиш, гарчи бу анча кўпол кўрсаткич бўлса ҳам, жамиятлар турлари ўртасидаги фарқларни ажратишга ёрдам беради.

Ҳозирги иқтисодиёт илмининг асосчиларидан бири бўлган Адам Смит, ўз асарларида XVIII асрнинг охирларидаёқ, меҳнат тақсимотини ишлаб чиқаришнинг ўсиши нуктаи назаридан турли устуворликларга эга бўлишини аниқлаб берган. Унинг энг машҳур асари, “Халқларнинг бойликлари” тўғнағич фабрикасидаги меҳнат тақсимотини тасвирлашдан бошланади. Машҳур иқтисодчи Тэйлорнинг “илмий бошқарув” деб атаган ёндашуви,

ишлаб чиқариш жараёнларини содда операцияларга бўлиб, аниқ кетма-кетликда рационал ташкил қилиш учун уларни батафсил ўрганишни назарда тутган. Тэйлорни, аввало саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш қизиқтирган, бироқ у ишлаб чиқарилган маҳсулотни қандай сотиш масаласига кам эътибор қаратди.

XX асрнинг бошидан замонавий иқтисодиётнинг аҳволи тобора кўпроқ йирик корпорациялар таъсирининг ошиб бориши билан белгиланмоқда. Назарий жиҳатдан йирик корпорациялар ҳиссадорлар мулки бўлиб, улар одатда ўзлари барча қарорларни қабул қилишлари керак. Бироқ мулк шунчалик бўлиниб кетганки, бунда реал назорат қарорларини қабул қилиш йирик корпорациянинг кундалик бошқарувни амалга оширадиган бошқарувчилар қўлига ўтиб кетади. Ҳозирги йирик корпорациялар тараққиётида уч босқични ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу босқичлар бугунги кунда ҳам ўз моҳиятини йўқотмаган. XIX аср ва XX асрнинг бошлари учун хос бўлган биринчи босқичда, оилавий капитализм устунлик қилди. Бу даврда ҳатто энг йирик фирмалар ҳам ё алоҳида корхона эгалари томонидан ёки оиланинг бир неча аъзолари томонидан бошқариладди ва кейин эса бошқарувни уларнинг авлодлари давом эттиришарди (Рокфеллер ва Фордлар корпорация сулолари). Йирик корпорацияларда бошқарув капитализми оилавий капитализмни деярли тўла сиқиб чиқарди. Қачонлардир фирманинг тақдирини оила белгиларди, бироқ энди, оилавий алоқалар сақланиб қолган фирмаларда аҳвол ўзгачадир. Бошқарув корпуси томонидан таъминланадиган фойданинг сақланиши, даромаднинг қанчаси оилага тегишлилигини белгилайди. Бугун бошқарувчи капитализм қисман ўз ўрнини учинчи тур корпоратив тизим – институцион капитализмга бўшатиб бермоқда. Бу атама нафақат маълум фирма ичида қарор қабул қилиш, балки корпорациянинг ташқи таъсирини кучайтиришга қаратилган ягона бошқарув тизимининг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Институцион капитализм корпорацияларнинг бошқа фирмаларда ҳиссадор сифатида қатнашишининг ривожланишига асосланади ва маълум даражада бошқарувчи назоратининг кучайишига зиддир.

Шуни такидлаш жоизки, ҳар қандай даврда балоғат ёшидаги аҳолининг озчилиги ҳақ тўланадиган иш билан банд бўлади. Ёшлар, кексалар, аёлларнинг анчагина қисми, меҳнатсиз келадиган даромаат эгалари ва ишсизлар-булар ҳаммаси бу озчиликка кирмайдилар. Кўпчилик бундай кишилар, мунтазам, доимий ҳақ тўланадиган вазифаларда ишлайдиганлардан кам эмас, ҳатто кўп ишлашлари мумкин. (Масалан, кексалар уй ва боғда, аёллар уй-рўзғорда). Фақатгина, инвестициялардан келадиган даромад ҳисобига яшовчи камдан-кам бойлар ва кўплаб ишсизларнинг кундалик фаолиятини меҳнат ташкил қилмайди. Ишсизлик кўпчилик одамлар учун бутунлай нохуш ҳолатдир. XX аср давомида ишсизлик даражаси тебраниб турди. Ғарб мамлакатларидаги ишсизлик 30-йилларда чўққига кўтарилди. Иқтисодчи Жон Мэйнард Кейнснинг фикрича, ишсизлик аҳолининг харид қобилияти пастлиги натижасидир; ҳукуматлар иқтисодиётга талабнинг ўсишига таъсир ўтказишлари мумкин ва бу янги иш ўринларининг

яратилишига олиб келиши лозим. Бироқ асримизнинг 70- йилларидан бошлаб кейинги 15 йил давомида ишсизлик даражаси тез ўсиб кетди ва иқтисодий фаолиятни бошқаришда Кейнс ёндашуви деярли барча томонидан рад этилди. Катта миқёсдаги ишсизлик 80-йиллар учун характерли ҳодисадир. Ишсизликни таърифлаш осон иш эмас. У “ишдан ташқари борлик” деган маънони англатади. Бироқ бу ерда “иш” тушунчаси “ҳақ тўланадиган меҳнат” ва “мансабдаги иш” маъноларини англатади. Ҳамма қоидаларга мос равишда ишсиз деб рўйхатга олинган кишилар бошқа жуда кўп ишлаб чиқаришга оид меҳнат турлари билан шуғулланишлари мумкин(Масалан,уйларни таъмирлаш ёки боғдорчилик билан).

Ҳозирги жамиятларда ишга эга бўлиш ўзига нисбатан ҳурматни қўллаб қувватлашдир. Ҳатто меҳнат шароити оғир ва вазифалари зерикарли бўлган иш ҳам инсон руҳий ҳолатини ва кундалик фаолият доирасини ташкил этувчи асосий омилдир. Ҳақ тўланадиган ишнинг куйидаги олтита тавсифини бериш мумкин:

1.Пул. Меҳнат ҳақи ёки маош кўпчилик кишиларнинг эҳтиёжларини қондирувчи асосий манбадир.

2.Фаолият даражаси. Касб фаолияти кўпинча билим ва имкониятларни эгаллашнинг асоси ҳисобланади. Ҳатто иш машаққатли бўлса ҳам, у кишининг ғайратини рўёбга чиқаради.

3.Хилма-хиллик. Меҳнат билан бандлик турмуш қуршовидан ташқари вазиятларга чиқиш имконини беради. Индивид уйидагидан фарқ қилувчи вазифаларни бажаришдан қониқиш ҳосил қилиши мумкин.

4.Вақт. Доимий иш билан банд бўлган кишиларда, кун, одатда, иш маромига асослаб ташкил этилган бўлади. Ишдан маҳрум бўлган киши учун зерикаш катта муаммо бўлиб, бундай кишиларда вақтга нисбатан апатия пайдо бўлади.

5.Ижтимоий алоқалар.Иш муҳити кўпинча дўстлик, бошқалар билан биргаликда қатнашиш имкониятини туғдиради. Ишда ўзаро алоқадорликнинг йўқлиги кишининг дўстлар даврасини ва танишларини камайтиради.

6.Шахсий идентлик. Иш билан бандлик, одатда, шахсий ижтимоий барқарорлик туйғусини берганлиги учун кадрланади. Ўз-ўзини ҳурмат эса, айниқса, эркаларда, одатда, уларнинг уй хўжалигига қўшган ҳиссаси билан маҳкам боғлиқдир.

#### **Назорат саволлари:**

1. Социал гуруҳ тушунчаси.
2. Бирламчи ва иккиламчи гуруҳларнинг фарқлари.
3. Расмий ва норасмий гуруҳларнинг фарқлари.
4. Қариндошлик ва уруғчиликка асосланган гуруҳлар.
5. Оила кичик гуруҳ сифатида.

#### **Адабиётлар рўйхати**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

2.Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat -. Engilmas kuch - Toshkent: Ma'naviyan, 2008.

3.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

4. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза (2010 йил 27 январь) / Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

5.Умумий социология. (Алиқориев Н.С ва Убайдуллаева Р.Т таҳрири остида) - Тошкент: 1999.

6.Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шахри. - Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993.

7.Гидденс Э. Социология. - Тошкент, 2002

8.Холбеков А.Ж., Идилов У.Ю. Социология: изоҳли луғат- маълумотнома. - Тошкент: Ибн-Сино номидаги нашриёт, 1999.

9.Холбеков. А.Ж. Бошқарув социологияси (ўқув қўлланма). -Тошкент: Akademiya, 2007.

## **4 – мавзу: Социал институтлар**

### **Режа:**

**1.Социологияда социал институт тушунчаси.**

**2.Социал институтлар турлари.**

**3.Таълим социал институт сифатида.**

**4.Дин социомаданий институт сифатида.**

Ижтимоий институтлар жамият ҳаётини ҳар томонлама мустаҳкамлайди, кишиларнинг ўзаро муносабатлари негизида вужудга келган умумий бирликни вужудга келтиради. Албатта ушбу келишувларга кўра авлодлар ворислиги амалга ошади.

Анъанавий жамиятларда инсонларнинг бутун ҳаёти кичик гуҳлар ичида ўтар эди. Масалан: анъанавий Хитой жамиятида қишлоқ аҳолиси давлат амалдорини камдан-кам кўриши мумкин эди. Давлат фармонлари улар ҳаётига деярли таъсир қилмас эди. Ҳозирги вақтда вазият умуман бошқача бўлиб, давлат ташкилотлари таълим, санитария, йўллар тизими, коммунал хизматлар, атроф-муҳитни назорат қилиш, миллий пул тизими ва ҳоказо турдаги фаолиятлар учун зарур бўлган ресурслар билан, қисман бўса-да, таъминлайди. Меҳнат фаолияти фирмалар, банклар, давлат ташкилотларида ишлаш билан боғлиқдир. Агар инсон телефон орқали

гаплашишни, уйи ёруғ ва иссиқ бўлишини истаса, ҳордиқ чиқаришни хоҳласа, доимо ташкилотлар билан боғлиқ бўлиб қолаверади.

Ташкилот-бу махсус мақсадлар учун ажратилган ношахсий алоқалар асосида фаолият олиб борувчи инсонлардан ташкил топган йирик бирикмадир. Анъанавий дунёда кўпчилик ижтимоий тизимлар узок вақт одатлар ва анъаналар таъсирида ривожланиб келган. Бошқа томондан, ташкилотларнинг кўпчилиги лойиҳалашган, яъни маълум мақсадларда таъсис этилган ва шу мақсадларга эришишда ёрдам берадиган махсус биноларда жойлашган. Касалхоналар, коллежлар ёки фирмалар жойлашган бинолар, одатда айнан шу ташкилотлар учун мослаштирилган. Шуни таъкидлаш жоизки, дунёда саноатлашиш содир бўлгунича, инсоннинг овқат топиши, бола тарбиялаш, иш ва дам олиш каби асосий эҳтиёжлари яқин қариндошлар ва қўшнилар доирасида қондирилар эди. Замонавий жамиятлар ҳар қачон бўлганидан кўра кўпроқ бир-бирларига боғлиқдирлар. Кўплаб эҳтиёжларимиз ҳаётда ҳеч қачон дуч келмаган, балким жуда узокда яшайдиган кимсалар томонидан қондирилиши мумкин.

**Бюрократия.** Барча замонавий ташкилотлар бюрократик хусусиятга эга. Бюрократия сўзи 1745 йилда де Гурне томонидан истеъмолга киритилган. У “идора” ва “ёзув столи” маъноларини англатадиган “бюро” сўзига юнонча “бошқармоқ” феълини қўшган. Шундай қилиб “бюрократия” амалдорлар ҳокимияти деган маънони англатади. Аввалига бу сўз фақат давлат идораларига нисбатан қўлланилган, лекин унинг маъноси аста-секин кенгайиб, ҳозирда ҳар қандай катта ташкилотга нисбатан ишлатилади. Бошида бу сўз камситиш маъносида қўлланилган. Де Гурне амалдорларнинг ортиб бораётган кучини “бюромания касаллиги” деб атаган. Ҳозирги кунда бюрократия деганда, одатда, ортиқча оворагарчилик, самарасизлик ва исрофгарчилик ёдга келади. Бюрократиянинг кенгайишига сабаб унинг аъзолари зиммасига қўшимча вазифалар олишлари эмас, балки улар доимо банд бўлиб кўриниши кераклигидир. Улар аслида мавжуд бўлмаган муаммоларни яратадилар ва сўнгра қўл остидаги ходимларини бир талай вақт сарфлаб ҳисобот ёзишларини назорат қиладилар. Асло зарур бўлмаса-да, бу жараён узликсиз давом этади. Бироқ кўплаб одамлар бюрократияни бошқарувнинг пухта, аниқ ва самарадор модели деб баҳолайдилар. Макс Вебер томонидан бюрократияга берилган аниқ таъриф бу икки қарама-қарши фикрнинг келиштирилган ҳолатидир. Вебер фикрига кўра, замонавий жамиятда бюрократиянинг тарқалиши қочиб қутилиб бўлмайдиган жараёндир. Бюрократия ҳукуматнинг ривожланиши - йирик ижтимоий тизимларнинг маъмурий талабларини бажаришнинг ягона йўлидир. Бироқ Вебер бюрократияга жамият ҳаётига кучли таъсир ўтказувчи йирик камчиликлар хос деб ҳисоблайди.

Вебернинг таъкидлашича, бюрократик ташкилотларнинг маълум сони йирик анъанавий жамиятларда ҳам бўлган. Масалан, Хитой империясида ҳукуматнинг барча ҳаракатларига жавоб берадиган бюрократик маъмурият мавжуд эди. Анъанавий жамиятлардаги бюрократиянинг асосий турларидан бири армия эди. Ҳозирги даврда бюрократия ривожланиб, жамият ҳаётининг

барча соҳаларига тарқалди. Бюрократик ташкилотларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши табиатини аниқлаш учун Вебер бюрократиянинг идеал турини яратди. (Бу ерда “идеал” атамаси бюрократик ташкилотни энг кўп орзу қилиш эмас, “соф шакли” маъносини англатади. Вебер идеал турдаги бюрократиянинг баъзи характерли хусусиятларини келтиради.

1. Аниқ боғланганлик мавжуд бўлиб, унда ташкилотдаги вазифалар “хизмат мажбуриятлари” кўринишида тақсимланади. Бюрократия пирамида шаклида бўлиб, унда юқори ҳукумат чўққига тенг бўлади. Пирамида чўққисидан қуйигача “бошқарув занжири” мавжуд бўлиб, у мувофиқ қарорларни қабул қилишга имкон яратади. Иерархиядаги ҳар бир табақа ўзидан бир поғона пастдаги табакани бошқаради ва назорат қилади.

2. Белгиланган қоидалар ташкилотнинг барча поғоналаридаги мансабдор шахсларнинг ҳуқ-атворини белгилаб беради, лекин бу бюрократик мажбуриятлар содда ва осон вазифа, дегани эмас. Мансаб юқори бўлгани сари, унга тегишли қоидалар кўпроқ хислатларни қамраб олиши керак ва улар шунчалик мураккаблашади.

3. Мансабдор шахслар тўла иш куни мобайнида бандлар ва ўз мансабларига кўра маош олади. Иерархиядаги ҳар бир лавозим эгаси аниқ белгиланган. Ташкилот ҳар бир шахсдан юқорироқ мансабни эгаллашга интилишни кутади, ўсиш қобилияти эгаллаб турилган лавозимга ёки ҳар иккаласига асосланиб амалга ошади.

4. Мансабдор шахснинг ташкилот ичидаги мажбуриятлари ва унинг бошқаришдаги ҳаёти ўртасида аниқ чегара мавжуд. Унинг шахсий ҳаёти иш жойидаги фаолиятдан аниқ фарқ қилади.

5. Ташкилот аъзоларининг ҳеч бири ўзи бошқарадиган моддий ресурсларга эгалик қила олмайди. Вебер фикрича, бюрократия ривожланган сари ходимларнинг ишлаб чиқариш воситаларини назорат қилишлари камаёди. Анъанавий жамиятларда фермер ва хунармандлар, одатда, ишлаб чиқариш жараёнларини ўзлари бошқарар, қўлланиладиган асбоб-ускуналарга ўзлари эгалик қилар эдилар. Бюрократияга мансабдор шахслар ўзлари ишлайдиган хоналарга, ўтирадиган столларга ва фойдаланадиган анжомларига эгалик қилмайди.

Вебер яратган бюрократия моделидан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳокимият одатда энг чўққида жамланган бўлади. Катта ташкилот пирамидага ўхшайди. Вебернинг шогирди ва ҳамкасби Роберт Михельс бу ҳолосадан фойдаланиб, олигархия темир қонунини ишлаб чиқди. Олигархия-бир неча шахснинг ҳокимиятга эга бўлишидир.

Ҳозирги кунда барча ташкилотлар билим, тажриба ва ахборот узатишга боғлиқдир. Малакали мутахассислар техникавий билимларни ривожлантиришга ихтисослашадилар. Ташкилот тузилмаларига доимий таъсир ўтказувчи яна бир омил -бу ахборот технологиялари, яъни компьютер ва электрон алоқа воситаларининг ривожланишидир. Ахборотни қайта ишлаш автоматик тизимлари бир қатор жараёнларда кенг қўлланилади (Мас., банкдан пул олиш). Маълумот ер шарининг компьютер тизимига уланган ҳар қайси нуқтасида қайта ишланиши мумкин ва

инсонларнинг бевосита алоқа қилишига ҳожат қолмайди. Ҳозирги пайтда ташкилотларда кўплаб вазифаларни электроника зиммасига юклаш тенденцияси кучаймоқда. Банклар, шунингдек, банк ҳисобларини юритиш бўйича кўплаб операциялар автоматлаштирилган. Бу банк фаолиятининг катта қисми рақамлар билан боғлиқлигидан келиб чиқади. Электрон тўлов тизими банк ишининг технологик ривожланишининг асосидир.

Ташкилотнинг бошқарув тизимида назорат муҳим аҳамиятга эга. Назорат ташкилотдаги фаолиятни кузатишни назарда тутди. Замонавий ташкилотларда ҳатто нисбатан юқори лавозимни эгаллаб турган ходимлар ҳам назорат остида бўладилар, лекин иерархияда қанчалик паст поғонани эгалласа, уни шунчалик қатъий назорат қилишади. Назорат икки кўринишда бўлади: а). бошлиқларнинг ходимлар фаолиятини бевосита кузатиши (Мас., ўқитувчининг ўқувчини назорат қилиши); б). ходимларга шахсий ишлар, досъелар ва хизмат рўйхати юргизиш (Мас., хулқи-атвори ҳақида маълумот).

Албатта, иерархиянинг куйи поғонасида ходимлар улар устидан олиб борилган назоратни шунчаки пассив қабул қила олмайдилар. Улар ўзларига бошлиқ назоратидан четда “бўш жой” ва “бўш вақт” қолдиришга турли йўл топдилар. Назоратчилар назоратидан четда “соябонлар” қуриб олиш ортқча қатъий назорат билан курашишнинг асосий воситасидир. Ўрта даражадаги назоратчилар бунга одатда бармоқ орасидан қарайдилар, чунки ўз ходимлари ичида обрўсини сақлаб қолишни ва юқоридагилар назорат қилганида яхши кўринишни истайдилар.

Замонавий ташкилотларда назорат муҳим роль ўйнайди, чунки у тартиб-интизом, яъни хулқ-атворни тартибга солиш билан боғлиқдир. Ташкилотлар, агар ундаги жараёнлар тасодифан содир бўлса, самарали фаолият кўрсата олмайди. Ташкилот ходимлари ҳар куни белгиланган соат давомида ишлаши керак. Анъанавий жамиятларда деҳқон меҳнати мавсумий эди, инсонлар ўз эҳтиёжларини қонунлаштириш учун зарур бўлганида ишлашга ўрганган эдилар. Замонавий давлатлар қурилиши ва уйдан ташқарида иш жойлари ташкил этилиши маълум даражада меҳнат интизомига эришишга имкон берди. Интизом ташкилотдаги жисмоний шароитлар ва иш жадвалларида белгиланган ҳаракатлар қатъий кетма-кетлиги воситаларида сақлаб турилади (Мас., институтда дарс жадвали).

Қариндошлик билан боғлиқ ижтимоий масъулиятлар турли жамиятларда бир-биридан тубдан фарқланади. Оила ёш авлод учун жамият, маданиятнинг тури қандай бўлишига қарамасдан, ҳимоя ва ўзаро турмуш имконини яратувчи ижтимоий муҳит ҳисобланади. Никоҳ эса оила билан ўзвий боғлиқ ҳодиса бўлиб, у янги қон-қариндошлик муносабатлари қарор топганини, болалар ўсиб-унадиган оила хўжалигининг шаклланишини билдиради. Оила ва никоҳни ўрганиш социология фани олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Одатда исталган турдаги жамиятнинг ҳар бир аъзоси оилада тарбияланади ва балоғатга етганларнинг кўпчилиги эса никоҳда ёки никоҳда бўлганлар ҳисобланади. Никоҳ кенг оммалашган ижтимоий

институтлар қаторига киради. Никоҳ ва оиланинг шакли турли маданиятда (ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳарида бўлгани каби) бир-биридан жиддий фарқланади. Оила кишиларнинг шундай гуруҳи, унинг аъзолари бир-бири билан тўғридан-тўғри қон-қариндошлик муносабатида бўлиб, гуруҳнинг ёши катта аъзолари болаларга қараш ва ёрдам бериш мажбуриятларини ўз зиммаларига олади. Қариндошлик (қон-қариндошлик алоқалари)-никоҳдан ўтиш натижасида ёки яқин алоқалар жараёнида (ота, она, бола, бобо, момо ва ҳоказолар ўртасидаги) муносабатларнинг натижасидир. Никоҳ икки балоғатга етганлар ўртасидаги жамият томонидан тан олинган ва маъқулланган иттифокдир, деб таърифлаш мумкин. Никоҳга кирган индивидлар бир-бирлари билан қаришдош ҳам ҳисобланади. Айни пайтда никоҳ мажбурияти уларни жуда кенг доирадаги ишларнинг қон-қариндошлик муносабатлари билан боғлайди. Кўпчилик Ғарб мамлакатларида ҳаётий мақсадларга кўра қариндошлик муносабатлари яқин қаришдошлар билан чекланади. Шарқ мамлакатларида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қаришдошлик муносабатлари муҳим аҳамиятга эга.

**Кланлар.** Анъанавий типдаги кўпчилик жамиятларда йирик қариндошлар гуруҳлари мавжуд. Унинг аъзолари ўртасидаги алоқалар одатдаги оилавий қаришдошлик муносабатлари доирасига сиғмайди. Бундай гуруҳлар орасида муҳим ўринни кланлар эгаллайди. Клан бу шундай гуруҳ, унинг барча аъзолари фикрига кўра, улар бир бобо бир момодан кўпайганлар. Маълум бир бобо ва момо бир неча авлоддан олдин мазкур кланга асос солган ҳисобланади. Улар ўзларини ўзлари ҳамда бошқалар томонидан ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлган жамоа сифатида баҳолашади ва баҳоланади. Одатда, бир кланнинг аъзолари умумий диний эътиқодга эга бўладилар ва бир-бирларига ёрдам кўрсатиш учун иқтисодий жавобгаргардирлар ва айни вақтда улар бир жойда яшайдилар. Булар кўпчилик ҳолларда оз сонли бўладилар. Аммо гоҳида улар юз мингдан ҳам ортиқ одамларни ўзида бирлаштириши мумкин. Кланга аъзолик инсон ҳаётининг барча томонларига ўз таъсирини ўтказади. Бундай гуруҳларда кишилар узоқ қаришдошларига ҳам жуда яқин қаришдошлик муносабатларида бўладилар. Бунда киши отага кўра тўртинчи авлоднинг фарзандини ўғлим деб аташи мумкин, уларни ўзининг ака-укалари билан тенг кўради ва ҳар қандай шароитда ёрдам беришга тайёр туради. Масалан, анъанавий Хитой жамиятида Си клани таркибига бир неча минглаб кишилар кирган. Бу кландаги оқсоқоллар кенгаши аъзоларнинг манфаатларига алоқадор бўлган масалаларни муҳокама қилар эди. Диний муносабатга кўра Си кланидагилар битта динга эътиқод қиларди. Си клани аъзоларига пул кредитларини бериш тизими мавжуд бўлиб, мазкур ташкилот кишилар ўртасидаги тортушувли масалаларни ҳал қилувчи ҳуқуқий орган ҳам ҳисобланарди. Бу ташкилот Хитойнинг йирик шаҳарлари ҳисобланган Шанхай, Гонконг кабиларда бениҳоя ривожланган эди.

Бутун жаҳондаги давлатларнинг барчасида, жумладан ривожланаётган давлатларда ҳам таълим тизими-капитал кўйиладиган муҳим жабҳа бўлиб қолди. Аммо таълим тизимини ташкил қилиш билан аҳолининг маълум бир

тип даражада таълим олиши ўртасидаги пропорция билан боғлиқ муҳим тавофутлар ҳам mavжуддир.

Таълим тизимининг айрим турлари бениҳоя марказлашган. Турли жамиятларда ташкил қилинган олий таълим (мактаб тамом қилинган, университет ёки коллежларда олинадиган таълим) бир-биридан жиддий фарқланади. Қатор мамлакатларда барча университет ва коллежлар давлат ташкилотлари ҳисобланади ва бевосита давлат манбалари ҳисобидан молиялаштирилади. Масалан, Францияда олий таълим мамлакат миқёсида марказлаштирилган бошқарув асосида ташкил этилган. Францияда университетлар ва коллежлар ўқитувчилари, мактаб муаллимларининг барчаси давлат хизматчилари ҳисобланади. Уларнинг иш ҳақи, лавозим вазифаларига кўра марказлашган ҳолда белгиланади.

АҚШ хусусий университет ва коллежларнинг салмоғига кўра ривожланган мамлакатлардан фарқланади. Американинг Гарвард, Принстон, Йел каби нуфузли универсиетлари таркибига кирувчи олий ўқув юртларининг 54% и хусусийдир. Аммо Америка олий таълимида давлат ва хусусий ўқув юртлари орасидаги фарқ бошқа малакатлардаги сингари катта эмас. Хусусий университет талабалари ҳам давлат грантлари ва имтиёзларидан фойдаланадилар, университетларнинг ўзлари илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда давлатдан маблағ оладилар. Британия олий таълим тизими французларникига қараганда марказлашмаган, амарикаларникига нисбатан эса бир хилдир. Университет, коллежлар давлат томонидан молиялаштирилади, барча даражадаги ўқитувчилар умуммиллий ставка тизимида белгилаб қўйилган иш ҳақини оладилар.

Таълим назарияси муҳокамасида кўп тортишувларга сабаб бўладиган олимлардан бири Иван Илличдир. Унинг фикрича замонавий иқтисодий муносабатлар илгариги мустақил одамларни уларга одат бўлиб қолган кўникмалардан бегоналаштиради ва уларни соғлиғига кўра врачларга, таълимга кўра муаллимларга, ҳордиқ чиқаришига кўра телевидениега, тирикчиликларига кўра иш берувчиларга боғлаб қўйди. Эверт Раймер билан ҳамкорликда Иллич бутун жаҳонда қабул қилинган умумий мажбурий мактаб таълими ғоясининг керак ёки керак эмаслигини жиддий ўйлаш шарт, деган хулосага келди. Иллич ҳам таълим тараққиёти ва иқтисодий талабларидан келиб чиқадиган тартиб ва субординация ўртасидаги боғлиқликка ўз эътиборини қаратди. Иллич фикрича, мактаб тўртта вазифани ҳал қилишига кўра ривожланди. Булар: болаларни ҳимоя қилиш, жамиятда эгаллаши керак бўлган ролларига кўра уларни тақсимлаш, асосий кадриятларга ҳурматни шакллантириш, ижтимоий фойдали билим, маҳорат ва ҳунар беришдир. Мактаб ҳимоя ташкилотига айланиб қолди. Чунки унга бориш мажбурий, болалар ёшлигидан то меҳнат фаолиятини бошлагунига қадар мактаб туфайли “кўча таъсиридан” ҳимояланган бўлади.

Асримизнинг кейинги чорак қисмида кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда таълим тизими тез кенгайди, шундай бўлишига қарамасдан, баъзи мамлакатлар борки (Масалан, Африкадаги Сенегал) болаларнинг қарийб ярми ҳеч қандай таълим олмайдилар. Маълум даражада тил асослари илмини

ўқитишни, ёзишни билиш - саводхонлик таълимнинг заминидир. Бусиз мактаб таълимини тасаввур қилиб бўлмайди. Кўпчилик мамлакатларда саводсизликка қарши кураш дастури ишлаб чиқилган, аммо бу катта муаммони ҳал қилиш бобидаги жуда кичик ишдир. Мумкин бўлган жойларда саводсиз одамларга таълимни тўғридан-тўғри етказиш учун оммавий ахборотнинг телевидение, радио ва бошқа электрон воситалардан кенг фойдаланиш мумкин. "Учинчи дунё" мамлакатларининг кўпчилиги кейинги йилларда, колониал зулм асоратларини тан олиб, ўзларининг бу имкониятларини қишлоқ камбағаллари орасида таълимни ривожлантириш ишига сафарбар қилмоқдалар. Аммо бу сиёсат чекланган муваффақиятларга эришди, чунки бу сиёсат пул маблағларининг камлиги билан чегараланган эди. Ҳиндистон сингари айрим мамлакатлар ўз-ўзини ўқитиш амалиётини тарғиб қиладилар. Бунда жамоа кўп чиқим қила олмасдан, ўз маблағларидан фойдаланади.

Бугунги дунёни узликсиз коммуникациясиз, ёки бир-биридан узоқ-узоқларда яшаётган одамларнинг ўзаро мулоқотсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кенг оммавий коммуникация бўлмаганида, унга мўлжалланган мактаб таълимини ҳам амалга ошириб бўлмас, ҳатто ушбу таълимнинг ўзини ҳам кераксизга чиқариш мумкин бўлар эди. XX асрда таълимнинг ёйилиши саводли ва интизомли ишчи кучларига бўлган талабнинг ортиб бориши билан бирга кечди. Мактабда кўплаб расмий тамойиллар таъсиридаги ўқув предметларидан дарс бериш маданий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг бир жиҳати ҳисобланади.

Ижтимоий ҳаётнинг муҳим жабҳаси бўлган дин ва диний эътиқод масаласи социология фанининг муҳим объектларидан бири ҳисобланади. Социология жамият ҳаётини ўрганар экан, шу ҳаётнинг муҳим таркибий қисми бўлган ва айни пайтда унга кучли таъсир ўтказувчи омил-дин доимо унинг диққат марказида бўлган. Социология фанининг асосчиси ҳисобланувчи О.Конт жамият тараққиётини даврларга бўлар экан, асосий мезонлардан бири сифатида динга мурожаат қилади. Унинг таснифида инсоният ўз ривожига уч босқични босиб ўтади. Булар қуйидагилар: *теологик, метафизик ва илмий* босқичлар. Конт фикрича, ҳар учала босқичда ҳам дин муайян роль ўйнайди. Диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва ролини таҳлил қилиш учун, аввало, дин ўзи нима? деган саволга жавоб топиш керак. Бу савол жўнгина туюлса ҳам унга жавоб бериш анча мураккабдир. Бу саволга диншунослик, социология ва фалсафадаги оқимлар турлича жавоб берадилар. Бу жавобларнинг аксарияти эса бир-бирига зид ва бир-бирини инкор қилади.

Шўролар даврида чиқарилган фалсафа ва атеизмга оид адабиётларда дин воқелиқнинг кишилар онгидаги фантастик инъикоси, деб таърифланган ва у халқ учун афъюн, деб эълон қилинганди. Бу адабиётларда диннинг асосий белгиларидан бири илоҳий кучга, яъни худога ишониш, деб белгиланарди. Ҳолбуки, дунёда шундай динлар борки, уларда худо тушунчаси умуман йўқ. Социология ва диншуносликка оид мавжуд адабиётларни таҳлил қилиш уларда динга кўплаб таърифлар берилганини кўрсатади. Ҳар таърифда ўзига хос асос бор. Диннинг қуйидаги белгилари борлигини эътироф этиш зарур:

1.Муайян эътиқод ва таълимотнинг мавжудлиги. Ҳар бир дин дунёни ўз нуқтаи назарича изоҳлайди ва ишонувчиларда муайян эътиқодни шакллантиради.

2.Маросим ва расм-русмлар. Ҳар бир дин ўзига хос маросим ва расм-русумларга эга.

3. Диний маросим, расм-русумлар муайян қисмининг фақат белгиланган жойларда жамоа бўлиб бажарилиши. Масалан, яҳудий ва христиан динида ибодатнинг асосий қисми фақат синагога ва черковда бажарилади. Ислом динида эркаклар томонидан ўқиладиган намоз асосан жоме масжидларида бажарилади. Динлар сеҳргарликдан аввало мана шу белги билан, яъни маросимларни муайян жойларда бажариш билан фарқланадилар. Сеҳргар ва шаманлар ғайритабиий ҳаракатларни индивидуал ҳолатда бажарсалар, диндорлар диний маросим ва ибодатларнинг асосий қисмини жамоа бўлиб бажарадилар.

Санаб ўтилган белгиларнинг учаласи ҳам дунёвий динларнинг барчасида мавжуд. Бу динлар қуйидагилар: *иудаизм, христианлик ва ислом*.

Ғарбда социологиянинг фанга айланиши О.Конт номи билан боғланса-да, ундан кўп асрлар аввал ҳам Ғарб ва Шарқ олимлари дин ва жамият муаммоси устида кўп бош қотирганлар. Бу масалада Марказий Осиёда етишиб чикқан улкан алломалар Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур сингари ўнлаб ва юзлаб олиму фузалолар чуқур фикрлар билдирганлар. Бу олимлар диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини таҳлил қилар эканлар, бир динни мадҳ этиб бошқасини танқид қилиш йўлидан бормадилар. Улар турли динларнинг жамият тараққиётига ўтказадиган таъсирини таҳлил қилишда кузатиш, қиёслаш ва тарихийлик усулларида кенг фойдаландилар. Хусусан, Абу Райҳон Беруний ўзининг қатор асарлари, айниқса «Ҳиндистон» китобида турли қабилалар, элатлар ва халқлар ҳаётида динлар қандай роль ўйнаганини чуқур таҳлил қилиб берди.

Ғарб ва Шарқ олимлари дин ва диний оқимларнинг одамлар ва жамият ҳаётига ўтказадиган таъсири тўғрисида қанчалик чуқур фикр билдирмасинлар, дин социологияси махсус илмий йўналиш сифатида XIX аср охири ва XX аср бошларида шаклланди. Дин социологиясининг шаклланиши М.Вебер номи ва илмий фаолияти билан боғлиқдир. Социология фанининг асосчиларидан бири ҳисобланадиган немис олими М.Вебер ижодида динни социологик таҳлил қилиш марказий ўринни эгаллайди. Барча динларни инкор қилиб, уларни халқ учун афъюн, деб эълон қилган Маркс таълимотидан фарқли ўлароқ, Макс Вебер дин ва жамият муносабатини таҳлил қилар экан умуман дин тўғрисида эмас, муайян даврдаги муайян дин ёки диний оқим тўғрисида фикр юритди.

Макс Вебернинг фандаги энг катта хизматларидан бири, унинг христиан динидага протестантлик мазҳабининг иқтисодий тараққиётга ўтказган таъсирини кашф этишида бўлди. Унинг назариясига кўра, бойликни, бойлик орттиришга интилишни унча хушламайдиган христиан дини мазҳаблари иқтисодий тараққиётга муайян даражада тўсқинлик қилганлар. Бойликни худонинг неъматиди, унга интилишни эса бандаларнинг бурчи деб талқин қиладиган протестантлик эса иқтисодий тараққиёт ва капиталистик муносабатларнинг

ривожланишига кучли туртки берди. Вебер талқинида, протестантлик капитализм вужудга келишидаги асосий сабаблардан бири эди.

Вебер издошлари унинг фандаги хизматларини кўкларга кўтариб мақташди. Унинг хизматларини эътироф этиш билан бирга, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, у иқтисодий тараққиётга фақат бир диний мазҳаб-протестантликнинг ўтказган таъсирини кенг тадқиқ қилди. М.Вебер динларни таҳлил қилар экан, улар sanoat капитализми ривожланишига ғов бўлмоқда, деган хулосага келди. Молиявий муносабатларга чекловлар қўйиш, ижтимоий ҳаётга пассив муносабатни тарғиб қилиш орқали бу динлар, Вебер фикрича, ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қилади. Унинг талқинида христиан дини, айниқса протестантлик мазҳаби ҳаётдаги адолатсизликни пассив кузатиб ўтирмай, уни бартараф қилиш учун фаол курашга чақириш орқали ижтимоий тараққиётга катта туртки беради.

Ислом динидаги оқимлар, мазҳаблар, йўналишлар турлича бўлиб, уларнинг барчаси фақатгина ўзлари мансуб бўлган мазҳаб ёки йўналиш ҳақиқий эканини таъкидлаб, бошқалар эса йўлдан адашганлар, деб даъво қилишади. Бошқа динларда бўлгани каби исломда ҳам ақидапараст (фундаменталистик) ва мўътадил оқимлар ўртасида кураш борган. Ақидапараст оқимларнинг вакиллари динни илк пайдо бўлиш давридаги ҳолатга қайтармоқчи бўладилар. Аслида эса бу ғоялар мавжуд тузумдан норозилик аломати бўлиб, ижтимоий тараққиёт йўналишини орқага буриш учун уриниш ифодасидир.

XX аср бошларида Марказий Осиёда ақидапарастларнинг кескин хуружлари юз берди. Ҳижоздан кириб келган ақидапараст оқимлар Марказий Осиёда ижтимоий тангликни келтириб чиқардилар. Бидъатга қарши кураш ниқобида улар ижтимоий ҳаётда юз берган барча янгиликларни йўқ қилиш учун кураш бошладилар. Ақидапарастларнинг ижтимоий тараққиётни ортга қайтариш учун қилган ҳаракатларига қарши тараққийпарвар маърифатчилар ҳаракати вужудга келди. Тарихда жадинчилик номини олган бу ҳаракат намояндалари халқни илм-маърифатли қилиш, диний эътиқодда мутаассибликдан мўътадиллик томон юз тутиш ғоялари билан чиқдилар. Маърифатпарварлик ҳаракатини вужудга келтирган асосий сабаблардан бири диний фикр илмини талқин қилишда усули қадимия ва усули жадидия ўртасидаги мунозара ва курашлар орасида эди. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, XIX аср охири ва XX аср бошларида диний ақидапараст атамаси муомалада деярли бўлмаган. Унинг ўрнида «қадимчилар» атамаси кенг қўлланилган. Қадимчилар динни «асил» ҳолига қайтариш, янгиликлардан ҳимоя қилиш учун ҳаракат қилганлар. Усули жадидия тарафдорлари, яъни маърифатпарварлар меъёрларни белгилашда жамиятда юз берган ва бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиш, янгиликларни қўллаш тарафдори эдилар. Бу икки йўналиш ўртасидаги тортишувлар аввал мунозара ва баҳс, кейин эса тўқнашув ва қон тўкишлар шаклида юз берди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маърифатпарварлар тортишувларни фақат мунозара ва баҳс йўли билан ечишга интилганлар.

XX аср ўрталарида социология фанида «фуқаролик динлари» тушунчаси пайдо бўлди. Бу тушунча илоҳий кучлар ва ходисаларга эмас, ижтимоий турмушдаги нарса-ҳодисаларга сиғинишни англатади. Масалан, Буюк

Британия, АҚШ каби мамлакатларда байроқ, мадҳияга чексиз ҳурматни, тахтга ўтириш ва иннаугурация маросимларини бу тушунча тарафдорлари диний маросимлар билан тенглаштирадilar.

Шундай қилиб дин социологияси ижтимоий фикрда дин атамаси билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий ҳулқни ўрганади. Мустақил Ўзбекистонда динга миллий қадрият сифатида қаралиши халқ онгида ушбу ходисага нисбатан тўғри ҳолис муносабатнинг шаклланишига замин бўлди. Бу борадаги ёшлар ва фикр тарбиясининг асосий йўналиши ҳам ислом динига хос бўлган инсонпарварлик тамойилларини англаб боришни тақозо этади.

Дунёдаги барча динлар моҳиятан қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга: дин дунёга қарашда муқаддас нарсаларга ҳурмат-иззат ва қўрқув эҳтиросларини пайдо қилувчи маълум рамзлар йиғиндисининг мавжуд бўлишини талаб қилади. Бу рамзлар диндорлар жамоаси ўтказадиган диний маросимлар ва урф-одатларда иштирок этадилар. Баъзи бир динлар учун худо даражасида кўтарилган шахсга ва мавҳум илоҳий кучларга ишониш ҳосдир. Бошқа баъзи динларда худо эмас, балки алоҳида шахслар худо сифатларига эга тарзида кўрсатилади. Аслида улар худо эмасдирлар. Масалан, бу нарсa Будда ва Конфуций таълимотларига ҳосдир. Динлар билан боғлиқ маросимлар жуда хилма-хилдир. Диний маросимларга ибодат қилиш, рўза тутиш, намоз ўқиш ва бошқа шу кабиларни киритиш мумкин. Диний маросимлар кўпинча якка кишилар томонидан амалга оширилади. Аммо кўпчилик динларда эса шундай маросимлар ҳам борки, уларда кўплаб диндор гуруҳлар иштирок этишади. (Масалан, мачитда жамоа бўлиб намоз ўқиш).

Анъанавий жамиятлар ҳаётида ижтимоий динлар марказий ўринни эгаллайди. Диний рамзлар ва маросимлар кўпинча жамиятнинг моддий ва бадий маънавияти сифатида кишилар қизиқишини ўзига жалб қилади. Буни, масалан, мусиқа, наққошлик, ўймакорлик санъати, рақс санъати ва ниҳоят халқ оғзаки ижоди ва бадий адабиёт мисолида кўриш мумкин.

Кичик маданиятларда одатда диннинг икки хил шакли: тотемизм ва анимизм учрайди. Тотемизм ғайритабiiй кучга эга бўлган ҳайвон ёки ўсимликларнинг турларини ифодалаш учун ишлатилган. Анимизм-бу дунёда одамлар билан бирликда мавжуд бўладиган руҳларга ва арвоҳларга эътиқод қилишдир. Бундай руҳлар одатда одамларга ё хайрихоҳ ёки даҳшат солувчи кучлар сифатида инсон ҳаёти ва фаолиятига таъсир кўрсатишлари мумкин, деб қарашдир.

Инсоният тарихида учта монотеистик дин кучли таъсир кўрсатган-булар: иудаизм, христианлик ва ислом, уларнинг ҳаммаси яқин Шарқда пайдо бўлиб, сўнгра ҳар бири бошқасига ўз таъсирини ўтказган ва бутун дунёга тарқалган.

Иудаизм тахминан, милoddан минг йиллар олдин пайдо бўлган энг қадимги динлардан бири ҳисобланади. Яҳудийлар, худоларга қатъий ахлоқий бўйсунитиш талаб қилишган, шу билан бирга, яккаю-ягона ҳақиқатга фақат худогина эга, дейишган. Бугунги кунда христианлик-унга эътиқод қилувчи жуда кўп кишиларни бошқариб, дунёдаги энг йирик динлардан бири

ҳисобланади. Ҳозир бу динга эътиқод қилувчиларнинг сони 1 миллиард кишидан ортиқроқдир. Бироқ христианлик ичида илоҳиёт соҳасида ва черков ташкилотлари тузилишига кўра хилма-хил кўринишлар ва шакллар мавжуддир. Христианликнинг асосий тармоқлари сифатида кенг тарқалган кўринишлари: католицизм, протестантизм ва православиелардир.

Ислом дини монотеистик дин сифатида, миллоднинг УП асрида Арабистон ярим оролида вужудга келди. Бу динни Муҳаммад пайғамбар таълимоти, деб ҳам айтадилар. Исломга кўра, Оллоҳ ягона худо бўлиб, у бутун табиатни ва жамиятни бошқаради. “Ислом арконлари”-булар мусулмонлар риоя қиладиган беш диний мажбуриятлардир(иймон келтириш, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш, ҳаж қилиш).

Булардан ташқари ҳиндуизм, буддавийлик, конфуцийлик ва даоизм динлари мавжуд бўлиб, улар турли даврларда ва турли маданиятларда вужудга келган.

Динларга социологик ёндашув улкан даражада 3 та социология классиклари ҳисобланадиган Маркс, Дюркейм ва Вебер ғоялари таъсирида шаклланди. Улар диндор бўлмаган ва ҳаммаси ҳозирги дунёда динларнинг аҳамияти камайиб бормоқда, деб ҳисоблаганлар. Уларнинг фикрича дин ўз табиатига кўра хом-хаёлдир. Карл Маркснинг ғоялари дин социологиясига анча таъсир кўрсатди. Маркс ғояларининг катта қисми XIX аср бошларидаги файласуфлар ва илоҳиётчилар асарларидан олинган эди. Улардан бири-1841 йилда биринчи марта эълон қилинган “Христианликнинг моҳияти” машҳур асарнинг муаллифи Людвиг Фейербах эди. Фейербах нуқтаи назарича, дин кишиларнинг маданий ҳаёти давомида яратилган қадриятлар мажмуаси бўлиб, лекин хато равишда илоҳий кучларга ва худоларга нисбат берилган. Кўпинча гўё Маркс динни рад этган, деган фикрлар айтилади. Бу асл ҳақиқатга тўғри келмайди. Унингча, “Дин шафқатсиз кундалик ҳаётда бошпана бўлувчи “қалбсиз дунёнинг қалбидир”. Маркснинг эътирофи этишича, дин кишиларга бу дунёдаги барча азоб-уқубатлари учун”у дунёда” мукофот берилишини ваъда қилиб, ҳаётдаги барча қийинчиликларга кўникишни уқтиради ва шундай қилиб, уларнинг диққат-эътиборларини бу ҳаётдаги адолатсизлик ва тенгсизликларга қарши курашдан бошқа нарсаларга қаратади.

Марксга қарама-қарши ўлароқ, Эмиль Дюркейм илмий фаолиятинининг анча қисмини динни ўрганишга бағишлади. Ў ўзининг алоҳида эътиборини кичик анъанавий жамиятлар динларини ўрганишга жалб этди. Дюркеймнинг “Диний ҳаётнинг содда шакллари” китоби(1912 йил чоп этилган), дин социологиясига анча таъсир этган асардир. Дюркейм динни ижтимоий тенгсизлик ёки ҳокимият билан бевосита боғламайди, у динни бир бутун ижтимоий институтларнинг табиати билан боғлиқ, деб ҳисоблайди. Дюркейм динни таърифлашда, уни муқаддасликка ва дунёвийликка қарама-қарши қўйди. Муқаддас нарсалар ва рамзлар, деб таъкидлайди у одатдан ташқари дунёвий соҳани ташкил қилган руҳий объектлардир. Тотемнинг муқаддаслик сабаби Дюркеймнинг фикрига кўра, шундан иборатки, у гуруҳнинг ўз рамзи ёки жамоанинг муҳим қадриятлари

сифатида намоён бўлади. Динга сиғиниш объекти, ҳақиқатда жамиятнинг ўзидир.

#### **Назорат саволлари:**

1. Ижтимоий институт деганда нимани тушунасиш?
2. Ижтимоий институтларнинг турларини кўрсатинг.
3. Таълимнинг ижтимоий институт сифатидаги роли.
4. Диннинг ижтимоий институт сифатидаги ўрни ва роли.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
2. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat -. yengilmas kuch - Toshkent: Ma'naviyan, 2008.
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
5. Социология //Ўқув қўлланма. Убайдуллаева Р.А., Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ.. - Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2002.
6. Социология. Маърузалар курси. Алиқориев Н.С, Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б., ва бошқ. - Тошкент, 2001
7. Умумий социология. (Алиқориев Н.С ва Убайдуллаева Р.Т таҳрири остида) - Тошкент: 1999.
8. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шахри. - Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993.
9. Гидденс Э. Социология. - Тошкент, 2002
10. Saitxodjayiv H.B. Sotsiologiya. Ma ruzalar kursi. -Тошкент: Академия, 2008.
11. Холбеков А.Ж., Идилов У.Ю. Социология: изоҳли луғат- маълумотнома. - Тошкент: Ибн-Сино номидаги нашриёт, 1999.

#### **5 - мавзу. Девиант хулқ-атвор ва социал назорат**

##### **Режа:**

1. Девиант хулқ-атвор(оғма хулқ-атвор)тушунчаси.
2. Девиант хулқ-атворнинг белгилари, унинг структураси.
3. Социал назорат.

Шахснинг жамиятдаги ўрни ва моҳияти социология фанининг муҳим соҳаларидан бири бўлиб келди. Маълумки, ҳар қандай ижтимоий тизимнинг бўлаклари одамлар ҳисобланади. Одамларнинг жамиятга киритилиши турли бирликлар орқали амалга оширилади. Ҳар бир аниқ шахс ижтимоий гуруҳлар, институтлар, ташкилотлар жамиятда қабул қилинган қоида ва

кадриятлар тизими, яъни маданият орқали гавдаланади. Шунга мувофик инсон кўп ижтимоий тизимларга тортилган бўлиб, уларнинг ҳар бири унга шакллантирувчи таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, одам фақат ижтимоий тизимнинг бўлаги бўлибгина қолмай, унинг ўзи ҳам мураккаб тузилмали тизимда акс этади. Социология шахсни барча хилма-хилликдаги мажмуида эмас, яъни табиат маҳсули сифатида эмас, балки ижтимоий муносабатлар йиғиндиси, жамият маҳсули сифатида қараб чиқади. Жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича кўп қиррали фаолиятимиз марказида инсон, суверен Ўзбекистоннинг фуқароси туради. Ислохотларнинг мазмуни айтиш ҳар бир фуқаро ўз қобилияти, истеъдодини намоён этишига, шахс сифатида ўзини кўрсатиш имкониятига эга бўлишига қаратилган.

Шахс ижтимоий ўзаро таъсир ва муносабатларнинг бирламчи омили бўлиб ҳисобланади. Шу жиҳатдан қараганда шахснинг ўзи нима? Бу саволга жавоб бериш учун, аввало, «инсон», «индивид», «шахс» тушунчаларини бири-биридан фарқлаш керак. «Инсон» тушунчаси, умумий, ҳамма учун хос бўлган сифат ва қобилиятни изоҳлаш учун қўлланилади. Бу тушунча дунёда мавжуд бўлган, тарихан ўзига хос шундай ривожланадиган бирликти, у бошқа ҳамма моддий тизимлардан фарқли ўлароқ ўзига хос ижтимоий фаолият усуллари билан фарқ қилади. Ушбу ҳаётининг фаолият усули туфайли инсон тарихий ривожланишнинг ҳамма босқичларида, дунёнинг барча нуқталарида ўзига ўхшаш бўлган антологияга оид ҳолатни сақлаб қолади. Демак, инсоният ўзига хос моддий воқелик сифатида мавжуд бўлади.

Инсон моҳиятини дастлаб ўрганган олим Хитойдаги Конфуций ва унинг издошлари эди. Миллоддан аввалги 298-238 йилларда яшаган олим Сень-Цзи шундай деб ёзган эди: «Туғма хусусиятлар - бу самовий муносабатлар ҳосили бўлиб, уларга таълим ёки одамнинг ўзи яратиши воситасида эришиб бўлмайди. Инсон ёвуз табиатга эга. Инсондаги эзгулик манфаатлар учун орттирилган фазилатдир. Ҳозирги инсон туғилишидан бошлаб фойда олишга интилади. Бу шунга олиб келадики, кишилар ўзаро рақобатлашадилар ва бир-бирларига ён бермайдилар. Шунинг учун ҳам тарбия йўли билан инсон табиатини ўзгартириш, яратилган қоидалар асосида таълим бериб, уларни адолатлиликка ва масъулиятлиликка ўргатиш лозим».

Инсоннинг муҳим хусусиятларидан бири-унинг ижтимоий мавжудот эканлигидир. Инсон ўзининг эҳтиёжларини қондириш мақсадларида ўзи каби инсонлар билан бирлашишга интилади. Инсоннинг ижтимоийлашуви сунъий характер касб этиб, у шахс сифатида бошқа инсонлар ўртасидагина шакллана олади. Агар у инсоний муносабатлардан ҳоли бўлса, ўзидаги ёвузлик ёки ҳайвоний табиатидан халос бўла олмайди. Инсондаги бу табиий хусусиятни Абу Наср Форобий қуйидагича ифодалайди: «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга мухтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади.... Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилан етукликка эришиши мумкин. Бундай жамоа аъзоларнинг фаолияти бир бутун ҳолда

уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришиш учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди».

Инсоният алоҳида вакилларининг мавжуд бўлиши «индивид» тушунчаси билан ифодаланади. Индивид - бу инсоният зотининг якка вакили, инсониятнинг ҳамма ижтимоий ва руҳий жиҳатларини идрокӣ, иродаси, эҳтиёжлари, манфаатлари ва ҳоказоларнинг соҳиби ҳисобланади. «Индивид» тушунчаси бу вазиятда «аниқ инсон» сифатида фойдаланилади. Масаланинг бундай қўйилишида турли биологик омиллар (ёш жиҳатлари, жинсий миждозларининг ўзига хос томонлари), шунингдек, инсон ҳаётӣй фаолиятининг ижтимоий шароитлардаги тафовутлар белгиламайди. Инсонни турли даражада: якка тарзда ва тарихий ривожланишининг аниқ-тарихий ўзига хослигини акс эттиришда «индивид» тушунчаси билан бир қаторда «шахс» тушунчаси ҳам қўлланилади. «Шахс» бир қатор гуманитар фанлар-фалсафа, руҳшунослик, педагогика ва социологиянинг ўрганиш объекти ҳисобланади.

Фалсафа шахсни фаолият субъекти, онг ва ижодиёт сифатида тутган ўрни, нуқтаи-назаридан қараб чиқади. Руҳшунослик - шахсни руҳий жараёнлар, хусусият, қобилият, ирода сифатлари ва бошқа жиҳатлардан барқарор яхлит ҳолда ўрганади.

Шахсининг ижтимоий фаолият, муносабат субъекти ва объекти тўғрисида Ч.Кули, Р.Дарендорф, Р.Милтон, Р.Мертонларнинг назариялари мавжуддир. Бунда асосий эътибор шахс ва жамиятнинг ўзаро муносабатига қаратилган. Америка социологлари - Т.Знанецкий ва Ч.Томаслар асос солган шахс ижтимоий ҳулқини ўз-ўзини бошқаришининг диспозицион назариясида шахс ҳаётидаги дунёқарашлик ва қадриятли - норматив омилларга кўпроқ аҳамият берилади. Бу назарияга кўра, шахс онги унинг ҳаётӣй ўрнини белгилайди. Шахс дунёқараши, ижтимоий қадрияти, ғоявий ва маънавий нормалар унинг фаолиятини белгиловчи асосий омиллардир. Кўриниб турибдики, шахс тўғрисидаги бу назарияда шахсининг социологик ва ижтимоий-психологик хусусиятлари бир қилиб олинган. Социологияда америкалик Д.Ж.Мид ва Г.Р.Минтонлар томонидан асос солинган шахсининг роли назарияси ҳам диққатга сазовордир. Кейинчалик бу назария Г.Мертон ва Т.Парсонс, Ғарбий Германиялик социолог Г.Дарендорфлар томонидан янада ривожлантирилган. Бу назария икки асосий тушунчалар: шахсининг ижтимоий мавқеи ва ижтимоий роли орқали тушунтирилади. Унга кўра, ҳар бир инсон муайян ижтимоий тизимда бир неча ўринни эгаллаши мумкин. Ҳар бир эгалланган ўрин ижтимоий мавқе деб аталади. Шахс ўз ҳаёти давомида бир неча ижтимоий мавқега эга бўлиши мумкин. Бинобарин, бу ўринлардан қайси биридир унинг асосий ижтимоий мавқеини белгилайди. Бош мавқе шахсининг эгаллаб турган мансаби (масалан, директор, раис, профессор каби) билан белгиланади. Шахс ижтимоий мавқеи унинг ташқи ҳулқида, ташқи қиёфасида, юриш-туришида ва ҳатто муомаласида ҳам ўз ифодасини топади.

Шахснинг ижтимоий роли назариясида белгиланган ва эришилган ижтимоий мавқелари ўзаро фарқланади. Белгиланган мавқе-бу шахс хизмати ва ҳатти-ҳаракатидан қатъий назар, жамият томонидан белгилаб қўйилади. Шахснинг этник келиб чиқиши, туғилган жойи, оиласи, жинси ва бошқалар шулар жумласидандир. Эришилган мавқе деганда, шахснинг ўз ҳатти-ҳаракати, қабилияти билан эришган мавқеи тушунилади. Масалан, ёзувчи, фирма бошлиғи, директор, профессор ва шу қабиладир. Булардан ташқари, яна шахснинг табиий ва касбий лавозим мавқеи ҳам ўрганилади. Шахснинг эркак ва аёл, болалик, ўсмирлик, ёшлик, ўрта ёш, кексалик даврларини билдирса, касбий лавозим мавқеи шахснинг ижтимоий - иқтисодий ва ишлаб чиқариш - техник ҳолати (муҳандис, темирчи, ҳайдовчи ва бошқалар)ни билдиради.

Шахс фаоллиги деб, унинг ҳаётини бошқариш билан, боғлиқ бўлган ва кадриятларининг намоён бўлиш хусусиятларига айтилади. Ижтимоий фаоллик инсон шахси сифати даражасининг асосий ифодаси бўлиб, унинг юксак кадриятдаги эҳтиёжларини қондириш усули ва сифат кўрсаткичидир. Шу жиҳатдан шахс фаолияти социологияда кенг ва тор(кичик) ижтимоий даражаларда ўрганилади. Шахснинг бундай даражаларда ўрганилиши методологик аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам шахс социологиясини ўрганиш Ватан, халқ фарзанди, ҳақиқий чин инсонга хос бўлган шахс даражасига етишини англаб олишимизга ёрдам беради. Ватанни севиш, Ватан фарзанди бўлиш ғурурини ўстиради. Ватан учун, халқ учун керак бўлса жонини фидо қилишга шай туриш-буюк инсоний фазиладир. Шахс социологияси ана шундай етук шахсларни етиштириб беришга хизмат қилади.

Шахснинг ривожланиши унинг фаолиятида ўзгариб турувчи эҳтиёжлари билан уларни қондиришнинг имкониятлари ўртасидаги зиддиятларда аниқланади. Мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо қиладиган, унга муносиб шахс бўла оладиган кишини тарбия қилиб етиштириш ҳозирги даврнинг асосий вазифаси эканлиги шахс социологиясида ўрганилади.

Ҳозирги даврда жамиятимизда шахснинг қуйидаги белгилари мавжуд:

1. Биринчи гуруҳ шахс белгиси: жамиятга, сиёсатга муносабати билан боғлиқ, (Ватанга садоқат, ўлка бойлиги хўжайини эканлигини англаш, оптимизм, мақсад сари интилиш, интизомлилик, уюшқоқлилик, фаол ҳаётий позиция ва бошқа).

2. Иккинчи гуруҳ шахс белгиси: унинг ўз фаолиятига бўлган муносабати билан ҳарактерланади (меҳнат қилиш, сўз билан иш бирлиги, билим олишга, маданиятга интилиш, меҳнатда ташаббускорлиги ва бошқалар).

3. Учинчи гуруҳ шахс белгиси: унинг бошқа кишиларга бўлган муносабати билан боғлиқ (кишиларни ҳурмат қилиш, қардошлик, тўғрилиқ, ахлоқийлик).

Шахснинг асосий хислатлари, булар:

- онглилик;
- маънавий бойлик;
- ижтимоий муносабатлар;
- жамиятга нисбатан нисбий мустақиллик;

- жавобгарлик.

Инсоннинг ижтимоий сифатларини белгиловчи омиллар:

1) ижтимоий мақсади:

- а) эгаллаб турган мақоми;
- б) бажараётган ижтимоий роли;
- в) нормалар ва қадриятлар;

- маданият;

- инсон фойдаланадиган белгилар тизими;

- билимлар;

- билим ва махсус тайёргарлик даражаси;

- ижтимоий-психологик ўзига хосликлар;

- ечимни қабул қиладиган мустақиллик;

- фаоллик.

Жамият ва индивиднинг интеграциялашув жараёни ва ижтимоий бирликларининг турли типлари ҳам мавжуд бўлиб, булар:

1) гуруҳ;

2) ижтимоий институтлар;

3) ижтимоий ташкилотлар ва бошқалардан иборатдир.

Шахснинг асосий ижтимоий сифатлари конкрет ижтимоий гуруҳлар, жамоалар фаолияти ва муносабатидан таркиб топади. Шу сабабли шахснинг ижтимоий сифатлари 3 та кичик тизимдан иборатдир:

1. Шахснинг индивидуаллиги.

2. Шахслараро муносабатлари.

3. Муносабатлар субъекти.

1. Шахснинг индивидуаллиги ундаги характер, ирода дунёқараш, фаолият жараёнидаги баъзи бир хусусиятлар билан белгиланади. Ундаги индивидуал хусусиятлар унинг амалий фаолиятида намоён бўлади.

2. Шахснинг шахслараро муносабати, аввало шу муносабатлар тизимида унсурлардан бири эканлигини билдиради. Шахслараро муносабат шахс ривожланишининг, унинг комил инсон сифатида таркиб топишининг асоси сифатида хизмат қилади, шу сабабли шахснинг шахслараро муносабатлар шахсда инсонийлик, поклик, ростгўйлик, самимийлик каби хислатларнинг шаклланишида ва такомиллашувида алоҳида ўринга эга.

3. Муносабатлар субъекти. Шахснинг ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида мавжуд бўлиши унинг шу муносабатлардаги субъект сифатидаги мақомини белгилайди.

Демак, шахснинг типи у яшайдиган жамиятнинг ижтимоий тузилишига боғлиқдир. Шахснинг шаклланишини белгиловчи омиллар қуйидагилардан иборат:

1). Ижтимоий сиёсий тузум;

2). Тарбия ва маориф тизими;

3). Турмуш;

4). Меҳнат фаолияти;

5). Ижтимоий фаолият;

6). Оила ва бошқалардир;

Шахсларнинг ижтимоий фаолияти ва ижтимоий ҳаракатининг бошланғич нуктаси маълум эҳтиёж ва манфаатларни юзага келтирувчи объектив ҳаёт шароитларидир. Фаолият турлари кўп, лекин энг муҳими уларнинг барчаси шахснинг моддий ва маънавий асосини ташкил қилувчи, эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, эҳтиёжлар шахснинг ташқи муҳитга объектив боғлиқлигини билдиради. Шу сабабли шахснинг амалий фаолияти эҳтиёжларни қондириш шакли, объектив шароитларнинг инъикоси ва уларни қондиришнинг реал имкониятларини англаш сифатида қаралиши мумкин.

Инсоннинг қайси жиҳати шахс тушунчасида намоён бўлади? Инсоннинг 2 хил эҳтиёжи мавжуд: табиий ва ижтимоий. Табиий-бу барча биологик эҳтиёжлар: Ижтимоий - меҳнат фаолияти, ижтимоий фаоллик, маънавият ва бошқалар.

1) Табиий эҳтиёжлар сифатида кишиларнинг кундалик эҳтиёжлари: овқат, кийим, турар-жой ва бошқалар тушунилади.

2) Ижтимоий эҳтиёжлар эса одамнинг меҳнат қилиш эҳтиёжи, ижтимоий фаоллиги, руҳий маданияти, яъни нима ижтимоий ҳаёт маҳсули бўлса шунга бўлган эҳтиёждир. Табиий эҳтиёжлар асос бўлиб, уларда ижтимоий эҳтиёжлар пайдо бўлади, ривожланади ва қониқтирилади.

Жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрлардан четга чиқиш ҳолатлари социологияда «девиантлик ҳолатлари», ундан туғилувчи хулқ-атвор «девиант хулқ-атвор», деб номланади. Хулқ “оғиш”ни ўрганиш - социологиянинг энг қизиқ ва муҳим вазифаларидан биридир. Бу соҳани таҳлил қилиш жуда мураккаб, чунки ижтимоий меъёр ва қадриятлар қанчалик кўп бўлса, қоидаларни бузиш типлари ҳам шунчалик кўп бўлади. Бир ҳамжамият учун оддий ҳол ҳисобланган нарсаси бошқасида меъёридан оғиш сифатида баҳоланиши мумкин. Масалан, марихуана чекиш-Британия маданиятида “оғиш” ҳисобланади, алкоғоллик ичимлик ичиш эса “оғиш” ҳисобланмайди. Яқин Шарқ мамлакатларида бунинг мутлақо акси кузатилади. Девиация(оғиш)ни гуруҳ ёки жамиятда кўпчилик одамлар томонидан қабул қилинган меъёр ва меъёрлар йиғиндисига мос келмаслиги дейиш мумкин.

Девиант хулқ-атвор-жамиятда ўрнатилган ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган инсоний фаолият ёки ҳатти-ҳаракат, ижтимоий ҳодиса бўлиб, ёлғончилик, дангасалик, ўғирлик, ичкиликбозлик, гаёҳвандлик, ўз жонига қасд қилиш ва бошқа кўплаб шу каби ҳолатлар ушбу хулқ-атвор хусусиятлари ҳисобланади.

Қуйидагилар девиант хулқ-атворнинг нисбатан кенгроқ тарқалган кўринишларидир:

а) жинойатчилик. Муайян давлатда ўрнатилган қонун ва меъёрларга нисбатан айрим шахсларнинг салбий муносабати жинойат фаолият, мазкур шахс эса жинойатчи ҳисобланади.

б) ичкиликбозлик. Бу борада илмий адабиётларда бир неча таснифлар мавжуд: 1) Алкоғолни ҳар-ҳар замонда истеъмол қилиш. 2) Алкоғолни кўп истеъмол қилиш-спиртли ичимликларни мунтазам, яъни ҳафтада бир мартадан бир неча мартагача ёки бирваракайига ўртада танаффус билан кўп

миқдорда (200 мл.дан ошиқ) истеъмол қилиш. Бу кўпинча алкоголизмга олиб келади. 3) Алкоголизм - спиртли ичимликларга патологик (муттасил) ўрганиб қолиш билан тавсифланувчи касаллик.

в) гиёҳвандлик. Гиёҳванд ёки унга тенглаштирилган воситаларга мунтазам ружу қўйиш ва тиббий кўрсатмаларсиз истеъмол қилиш.

г) фоҳишабозлик. Фанда расмий никоҳсиз жинсий алоқа иккита турга бўлиб ўрганилади: 1. Конкубинат-никоҳсиз бирга яшаш. 2. Фоҳишабозлик-пул учун ўз танасини сотиш.

Ғарбда асосан иккинчиси қораланса-да, Шарқда иккала ҳолатга ҳам меъёрдан оғиш сифатида қаралади.

д) бюрократия. «Бюрократия» термини аслида «ҳокимиятга эга бўлган ходим» деган маънони англатади. Бироқ даврлар ўтиши билан «бюрократия» маҳаллийчилик, қоғозбозлик, тўрачилик, мансабни суистеъмол қилиш каби салбий маъноларда қўлланила бошланди. Ҳозирги кунда кўплаб давлатларда «бюрократия» термини асил маъносини йўқотиб, бошқарувдаги ўзига хос идоравий услуб тарзида тушунилади.

Социологияда ижтимоий меъёрдан оғиш ҳолатларини тушунтирувчи дастлабки таълимот – Е.Дюркгейм(1858-1917 й.й.)нинг «аномия» ғоясидир. *Аномия*- (французча сўз бўлиб, индивидуал ва ижтимоий онгнинг шундай ҳолати, бунда бутун жамият, унинг ижтимоий институтлари инқирозга учраб, ижтимоий мақсадлар ва уларни амалга ошириш ўртасида зиддиятлар вужудга келганда қадриятлар тизими парчаланиб кетади. Э.Дюркгейм аномия тушунчасини жамиятда анъанавий андоза ва меъёрлар янгиси билан алмаштирилмай туриб емирилаётгани муносабати билан ривожлантирди. Ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳаларида хулқ-атворнинг аниқ андозалари бўлмаса аномия келиб чиқади. Мертон аномия тушунчасини индивид хулқида қабул қилинган меъёрлар ижтимоий воқеликка зид келиб қолган тақдирда вужудга келадиган тарангликни белгилаш учун модификациялаштиради. Муваффақиятга эриша олмаган одамлар ўзларининг моддий муваффақиятга эришиш учун лаёқатсизлигининг бошқалар томонидан қораланишига дуч келадилар. Шундай вазиятда ҳар қандай қонунийми, қонуний эмасми, восита ёрдамида муваффақиятга эришиш учун майл пайдо бўлади.

Кўп жамиятларда девиант хулқ-атвор носимметрик бўлади: ёмон томонга оғиш қораланади, яхши томонга оғиш қўллаб-қувватланади. Жамиятда одамларнинг аксарият қисми девиант бўлиши мумкин (бунга ўғрилар ҳам, алданганлар ҳам, ишга кечиккан, автобусда билет олмаган, мумкин бўлмаган ерда сигарет чекканлар ҳам киради). Бундай шароитда меъёрдан четга чиқиш миқдори ёки шаклига эътибор бериш керак. Девиант хулқ-атвор турлари кўп бўлиб, уларга оддий, элементар тартиб бузишдан тортиб катта жиноятларгача киради. Ижтимоий меъёрларнинг бузилиши жиддий, ножиддий, онгли ёки англолмаган ҳолда бўлиши мумкин. Қонунга тўғри келмайдиган ҳатти-ҳаракат тоифасига кирувчи онгли ёки англаб етилмаган барча жиддий ҳатти-ҳаракатлар делинквент дейилади. Девиант ва делинквент ҳатти-ҳаракат қуйидагича

фарқланади: девиант ҳатти-ҳаракат нисбий, делинквент ҳатти-ҳаракат мутлақ бўлади. Жиноятларга ўғрилик, фирибгарлик, вандализм, саноат жосуслиги, қимор ўйнаш, ўт қўйиш, қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш, порахўрлик кабилар киради. Делинквент ҳатти-ҳаракат мамлакатдаги қонунларга нисбатан мутлақ бўлади.

Ўрта асрларда ахлоқ меъёрлари диний қарашлар таъсири остида ривожланган ва улардан чекиниш диний нуқтаи назардан баҳоланган. Европада христиан дини барча соҳада ҳукмронлик қилган бўлса, Шарқ дунёсида ахлоқий-ҳуқуқий меъёрлар ва улар ҳақидаги таълимотлар ислом фалсафаси таъсирида ривожланди.

Америка социологиясида муҳим ўрин тутадиган таълимотлардан бири Э.Сатерленднинг дифференциал алоқалар таълимотидир. Бунга кўра, ҳар қандай хулқ-атвор, шу жумладан, девиант хулқ-атвор ҳам ўрганилади, яъни мавжуд жамият аъзолари томонидан мазкур хулқ-атвор бошқаларга ўргатилади. Девиант хулқ-атвор муаммоларини таҳлил қилишда Р.Мертон ишлаб чиққан таълимот социологияда етакчи ўрин тутди. Э.Дюркгеймнинг аномия ғоясини ривожлантириб, Мертон девиант хулқ-атворга қуйидагича таъриф беради: «Девиант хулқ-атвор жамиятда эълон қилинган қадриятлар ва расмий хулқ-атвор стандартлари билан аҳоли хулқ-атвор мотивлари ҳамда мавжуд имкониятларининг бир-бирига мос келмай қолиши натижасидир».

Шахсларда юз берувчи девиант ҳолатларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган учта омилни кўрсатиш мумкин. Булар шахс хусусиятлари, муаммоли ҳолат ва ижтимоий назорат институтларидир. Айнан мана шу омиллар шахснинг қандай фаолият юритишини белгилаб беради.

Шахс хусусиятларининг шаклланишида асосан 3 та омил муҳим аҳамият касб этади, булар: 1) ирсий омиллар; 2) психо-физиологик омиллар; 3) шахснинг билим даражаси. Шунингдек, ижтимоий оғишларнинг юз беришига шахснинг қатъиятли ёки қатъиятсизлиги, принципиаллиги ёки принципсизлиги, қоидаларга бўйсунуш ёки бўйсунмаслик одатлари, бирор-бир қарорга кела олиш имконияти, ташқи таъсирга қанчалик берилиши, иродаси ва бошқа шу каби психофизиологик ҳолатлари, мижози ҳам катта таъсир кўрсатади.

Девиант хулқ-атворни ўрганишда муаммоли вазият муҳим аҳамият касб этади. **Муаммоли вазият** шундай ҳолатки, у субъектдан ечимини талаб қилади, унинг ечими ижтимоий меъёрларда кўрсатилган бўлса-да, у ёки бу сабабларга кўра, ушбу меъёрларни қўллаш қийинроқ бўлади. Энг катта муаммоли вазият зиддиятли ҳолатларда, яъни турли шахслар ёки гуруҳларнинг манфаатлари бир-бирларига тўқнаш келганда юз беради. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ўз жонига қасд қилишларнинг 40% и оилавий зиддиятлар оқибатида содир этилади. Муаммоли ҳолатнинг мазмуни субъектнинг индивидуал мақсадлари билан жамият манфаатлари орасидаги мақсадлар ва унга эришишнинг мумкин бўлган воситалари орасидаги; фаолиятнинг кутилаётган оқибатлари ва унинг қўшимча натижаси (ижобий ёки салбий) орасидаги, шунингдек ижтимоий меъёр талаблари ва шахс

хусусиятлари орасидаги зиддиятларнинг (кўпинча ўйлаб чиқарилган) пайдо бўлишидан иборатдир.

Франциялик антрополог Брока жиноятчиларнинг бош чаноғи ва миясининг тузилишида қонунга амал қилувчи аҳолиникидан фарқ қиладиган хусусиятлар бор, деб фикр билдирган эди. XX асрнинг 70-йилларида фаолият юритган италиялик криминалшунос Чезаре Ломброзо: “Баъзи одамлар жиноий майллар билан туғиладилар ва улар ибтидоий инсонлар типига мансуб бўладилар”, деган хулосага келади. Унинг фикрига кўра, жиноятчи типларни бош чаноғи шаклига қараб аниқлаш мумкин. У ижтимоий тажрибанинг криминал хулқ ривожига таъсирини инкор этар эди, унинг асосий ғояси-кўпчилик жиноятчиларнинг биологик жиҳатдан дегенератив ва дефектли эканида эди. Жиноятни психологик жиҳатдан талқин қилишга Фрейд ғоялари, гарчи у у криминология бўйича ҳеч нарса ёзмаган бўлса ҳам, муайян таъсир ўтказди. Кейинги муаллифлар унчалик кўп бўлмаган одамларда “ахлоқсиз” ёки психопатик шахс ривожланади, деган фикр билан унинг ғояларига асосланишди. Фрейднинг фикрича илк болаликда ўрганиладиган ўзини чеклашлардан кўпчилик ахлоқий сифатлар вужудга келади. Ота-оналар билан ўзига хос муносабатлар шаклланиши оқибатида, баъзи болаларда бундай чеклов шаклланмайди ва ахлоқийлик туйғуси асосан мавжуд бўлмайди. Психопатларни зўрликдан лаззат оладиган одамови шаслар сифатида тавсифлаш мумкин.

Қонунлар-бу ҳокимият томонидан фуқаролар амал қилиши учун белгилаб қўйиладиган тамойил шаклидаги меъёрлардир. Қонун бор жойда жиноят ҳам мавжуд бўлади, чунки жиноятни қонунни бузувчи ҳар қандай хулқ деб таърифлаш мумкин. Сўнгги икки-уч аср давомида криминал хулқ-атворнинг табиати, турли жиноятларнинг жиддийлик даражаси ва давлат ҳокимияти томонидан криминал ҳатти-ҳаракатларни бартараф этиш усуллари жиддий ўзгарди. Европада саноатлаштиришгача энг бешафқат жазога сабаб бўладиган ва энг жиддий жиноят ҳисобланадиган ҳатти-ҳаракатлар, булардиний жиноятлар ёки ҳукмдор ва зодагонларнинг мулкига қарши жиноятлар эди. Бугунги кунда бундай ҳаракатлар ё умуман жиноят деб ҳисобланмайди, ёки бўлмаса қонунни салгина бузиш, деб баҳоланади. (Шаккоклик, малъунлик, маъбудни ҳақоратлаш учун ўлим жазоси берилган).

XIX асргача жиноят учун жазонинг асосий шакллари кишанлаш, калтаклаш, қизиган темир билан тамға босиш ёки дорга осиш эди. Одатда жазо омма иштирокида ижро қилинар эди. ХУШ асрда қамокхоналар, жиннихона ва госпиталлар аста-секин бир-биридан ажрала бошлади. Одам ўлдириш энг жиддий жиноят сифатида баҳолана бошланди. Чунки кенг сиёсий ўзгаришлар контекстида инсон ҳуқуқлари кенгайди ва қотиллик мана шу ҳуқуқларга таҳдид солиш сифатида талқин қилинди. Омма олдида жазолаш аста-секин ўтмишга айлана бошлади, чунки қамокхона маҳбусларга муваффақиятлироқ таъсир ўтказди, уларда интизомга кўникма ва қонунга нисбатан итоатни тарбиялайди, деган хулосага келинди. Ўлим жазоси ҳам омма олдида амалга оширилмайдиган бўлди.

Фоҳишабошликни пул эвазига жинсий майл кўрсатилиши, деб таърифлаш мумкин. “Фоҳишабозлик” сўзи ХУШ асрнинг охирида кириб келган. Замонавий фоҳишабозликнинг асосий белгиси шундан иборатки, аёллар ва уларнинг мижозлари одатда-бир бирини танимайдилар. Эркак ва аёллар ўртасидаги муносабатлар биринчи навбатда шахсий танишув асосида қурилмайди. Фоҳишабозлик катта шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ижтимоий муносабатларнинг тижоратлашуви билан бевосита боғлиқдир. Тез ривожланаётган шаҳарларда қиёфасизланган ижтимоий алоқалар осонлик билан юзага келар эди. Пол Дж. Голдштейн фоҳишаларни касбий эътиқод ва иш шароити турлари бўйича гуруҳлайди (“Тасодифий”, “Доимий”, “Кўча”, “Чақириладиган”, “Уй” .Массажист”).

Инсонлар болаларга ижтимоий меъёрларни ўргатиб бориш билан бирга, хулқ-атвор меъёрий талабларининг тўғри бажарилишини назорат этишади ва бу билан ижтимоий назорат вакили вазифасини бажаришади. Назоратни якка шахс амалга оширса, бу индивидуал тавсифга эга бўлади, агар бутун бир жамоа, оила, дўстлар, мактаб, маҳалла (қўни-қўшнилар) томонидан амалга оширилса, ижтимоий тавсифга эга бўлади ҳамда у ижтимоий назорат дейилади. Ижтимоий назорат вакиллари инсонлар хулқ-атворини бошқаришнинг энг муҳим воситаси бўлиб, девиант хулқ-атворнинг олдини олишда ҳам ушбу жамоаларнинг ўрни катта бўлади. Инсон тарбиясида энг биринчи ва энг муҳим ижтимоий назорат институти бу - оиладир. Фарзанд тарбиясида ва баркамол авлодни шакллантиришда соғлом оила муҳитининг ўрни каттадир. Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, кадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади.

Барча ижтимоий меъёрлар нокомформликдан ҳимоя қиладиган санкциялар билан бирга мавжуд бўлади. Санкция бошқалар томонидан индивид ёки гуруҳ хулқига билдирилган реакция бўлиб, унинг мақсади-мазкур ижтимоий меъёрнинг бажарилишини кафолатлашдир. Санкциялар позитив(конформлик учун рағбатлантириш) ёки негатив (ноконформ хулқ учун жазо) бўлиши мумкин. Санкциялар расмий ва норасмий бўлади. Расмий санкция нормаларга риоя қилишни кафолатлайдиган ташкилот ёки гуруҳ бўлган жойда мавжуд бўлади. Норасмий санкциялар-нокомформликка нисбатан камроқ уюшган ва кўпинча ўз-ўзидан келиб чиқадиган реакциядир.

Расмий санкциялар турларининг кўпчилиги ҳозирги жамиятда суд ва қамоқхоналар мисолидаги жазо тизимлари билан боғлиқдир. Йўл қоидаларини бузишнинг кўпчилиги жарима ёки ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш йўли билан жазоланади. Расмий негатив санкцияларга жарималар, қамоқхонага қамаш ва қатл этиш киради. Расмий позитив санкциялар унчалик кўп эмас. Жумладан, расмий позитив санкцияларни ижтимоий ҳаётнинг қуйидаги соҳаларида учратиш мумкин: жангдаги жасурлиги учун медал билан билан мукофотлаш, бериладиган даража ва дипломлар, спорт мусобоқасидаги иштироки учун мукофотлар.

Норасмий позитив ва негатив санкциялар ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Норасмий позитив санкциялар мақтов, маъқуллаш мазмунидаги жилмайиш, елкага уриб қўйиш каби шаклларда ифодаланиши мумкин. Норасмий негатив санкциялар эса одатда ҳақорат оҳанги, сўкиш ёки ҳайфсан, индивидни намойишкорона назарга илмаслик кўринишларида ифодаланади. Расмий санкциялар анча самарали бўлса ҳам, норасмий санкциялар комформлик ва меъёрларни сақлашда фундаментал аҳамиятга эгадир. Дўстлар, оила, ҳамкасбларнинг яхши муносабатини сақлаб қолиш эҳтиёжи, кулги бўлиш, уялиб қолиш, рад этилишдан қочиш одамларнинг хулқини кўпинча расмий мукофотлар ёки жазолашдан кўра кўпроқ белгилаб беради.

#### **Назорат саволлари:**

1. Ижтимоий меъёрлар нима?
2. Девиант хулқ-атворга нималар киради?
3. Муаммоли вазиятларни тушунтириб беринг.
4. Ижтимоий назорат институтларини кўрсатинг.
5. Ижтимоий назоратда оила ва жамоанинг роли.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
2. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat -. Engilmas kuch - Toshkent: Ma'naviyan, 2008.
3. Социология //Ўқув қўлланма. Убайдуллаева Р.А., Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ.. - Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2002.
4. Социология. Маърузалар курси. Алиқориев Н.С, Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б., ва бошқ. - Тошкент, 2001
5. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шахри. - Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993.
6. Гидденс Э. Социология. - Тошкент, 2002
7. Холбеков А.Ж., Идилов У.Ю. Социология: изоҳли луғат- маълумотнома. - Тошкент: Ибн-Сино номидаги нашриёт, 1999.
8. Холбеков. А.Ж. Бошқарув социологияси (ўқув қўлланма). -Тошкент: Akademiya, 2007.

### **6-мавзу. Жамият социал структураси ва стратификацион жараёнлар**

#### **Режа:**

1. Социал структура тушунчаси. Кишилиқ жамияти тарихида социал структура муаммосининг талқини.
2. Социал страфикация ва ўзгарувчанлиқ масалалари.
3. Жамият ижтимоий табақаларининг хусусиятлари.
4. Жамиятда социал ҳаракатчанлиқ йўллари. Аҳоли миграцияси

## муаммолари.

Жамият таркибида синфлар, страталар, ижтимоий гуруҳларнинг бўлиши, жамиятда турли хил табақалар тузиш, ҳар бир сиёсий-тарихий даврда аҳолини зодагонлар ва кулларга (Миср, Вавилон), фуқаролар ва плебейларга (Афина ва Рим), брахман ва хизматкорларга ажратиш (Ҳиндистон) орқали бошқариш тажрибалари инсоният тарихидан маълумдир. Қадимги Турон мамлакатада асосан аҳоли: а). уруғ-қабилавий келиб чиқиши; б). касбий мансублиги; в). диний-этиқодий қарашлари; г). шажаравий-сулолавий келиб чиқиши этиборга олинган ҳолда тасниф этиб келинган. Турон тарихидан маълумки, жамиятни ана шундай тасниф этиш ҳар бир ижтимоий гуруҳ, стратанинг сиёсий-ижтимоий ўрни ва ролини объектив белгилаш, улардан самарали фойдаланиш, умумдават микёсида уларнинг муросавий консенсусини таъминлаш, сиёсий бошқариш имконини берган.

Жамиятни ўрганиш тамойиллари, ижтимоий-иқтисодий воқеликка ёндашув хусусиятлари доимий равишда ўзгариб, такомиллашиб боради. Тоталитар тузум даврида ижтимоий тараққиётнинг бош сабаби синфлараро кураш деб қаралганлиги сабабли жамиятдаги муаммоларга умумий ёндашиб, бир синф вакиллари билан иккинчи синф вакиллари қарашларидаги тафовутни аниқлаш барча ижтимоий фанлар, хусусан, социологиянинг ҳам асосий илмий тадқиқот тамойилларидан ҳисобланиб келинган. Жамиятнинг тинчлик шароитида мўътадил ва одатий ҳолатлардаги барча ижтимоий зиддиятлари асосан муайян синфлар, гуруҳ ва табақалар ичидаги қарама-қаршиликлар тарзида намоён бўлиб келади. Ижтимоий гуруҳлардаги табиий амал қилиш ҳолати бўлган ички, ботиний муаммо ва зиддиятларнинг синфлараро зиддиятларга кўчиши, яъни бир гуруҳ зиддиятларнинг бошқа гуруҳлар томонидан ўзлаштирилиши, зиддиятларнинг ижтимоийлашуви умумжамят катаклизмига, синфлараро, давлатлараро урушларга олиб келган. Бундай ёндашув табиийки, жамият ижтимоий гуруҳларини мулкӣ, сиёсий-ижтимоий ва маънавий барабарлаштиришга, ижтимоий психология масаласини ўрганишнинг негизий мазмунидан, яъни ички жиҳатларидан ташқи томонларига буриб туриш эҳтиёжи ва заруратидан келиб чиққан бўлиб, кишилар томонидан воқелик ўзгаришлари моҳиятини билиш, миллий ўзликни англашга бўлган интилишларга йўл бермасликни ифодалар эди. Бундай ёндашув аҳолини маънавий забун қилар, ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун кураш, ўзликни муҳофаза этиш, ўзгаларга керакли бўлишдек инсоний фазилатлар ривожига йўл бермасдан, эгоизм, сурбетлик, боқимандалик, ялқовлик, ижтимоий мулкка нисбатан юлғичлик хусусиятларини таркиб топтирар эди. Иккинчи катта ижтимоий қусур-бу ижтимоий воқеликни идрок этишда индуктив ёндашувнинг мутлақлаштирилишидан иборат эди. Индуктив метод, яъни хусусда умумнинг тўла намоён бўла олиши ғояси ҳар қандай ҳолатда умумий ижтимоий-иқтисодий муҳитдан қатъий назар амал қилиши муқаррар, деб қарашдан келиб чиққан эди. Умумий табиий муҳитнинг устуворлигини тан олмаслик оқибатида табиат ва жамиятга ўнглаб бўлмас даражадаги катта зарарлар етказилди. Минглаб, миллионлаб инсонларнинг ёстиғи қуриди. Мисол учун, экологик

муҳитнинг глобал бузилиши, ичимлик сувларининг заҳарланиши, аҳоли ўртача умрининг қисқариши, Оролнинг қуриши, электр станциялари қуриш мақсадларида Сибирь ўрмонларининг сув остида қолдирилиши, пахта яккаҳокимлиги ва ҳоказоларни ҳисобга олиш ибратлидир. Индуктив методни мутлақлаштиришнинг маънавий ўз-ўзини англаш борасида жуда зарарли эканлигини Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари Зардўшт, Лао Цзин, Конфуций, Платон, Аристотель, Цицерон, Имом ал-Бухорий, Абу-Мансур ал-Мотуридий, Форобий, Беруний ва бошқалар ўз асарларида асослаб берганлар. Умумнинг чегарасиз устунлиги ғоясига қарама-қарши ижтимоий қарашларнинг соҳиблари, яъни хусуснинг умумга мувофиқлиги ғояси муаллифлари сифатида Мансур Халлож, Умар Хайём, Жордано Бруно ва бошқаларнинг тарих сахнасидаги ўринлари маълумдир. Хусусан, умум билан барабарлаштиришга уриниш ғояси ижтимоий воқеикда қатор ижтимоий назарий йўналишлар юзага келишига сабаб бўлди. Булар жумласига ҳақнинг ҳамма жойда зоҳирлиги, ҳақнинг хусус, яъни шахсда мужассамлиги, ҳақ билан хусуснинг узвий уйғунлиги, боқийлик ғоясининг мавҳумлиги, моддиюнчилик абадийлиги ва устуворлиги ва шунга ўхшаш илмий-назарий фикр-қарашлар шулар жумласидандир.

Хусуснинг умумга айнанлиги ва ундан фақат ҳажм ва шаклда кичиклиги, яширинлиги нуқтаи назари қутилмаган ижтимоий-маънавий оқибатларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Жамиятни англашда тажриба қилинган бундай ёндашув, бир томондан, хусуслар ўртасидаги фарқларни, ҳар бир хусусга хос бетакрорлик ва уникаллик жиҳатларининг истисно этилишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан, умум олдида хусуснинг арзимаслиги, бекадр этилишига сабаб бўлди. Тоталитар тузум даврида табиатнинг ноёб истеъдодлари оёқ ости қилинганлиги, ҳаммани баробарлаштириш шиори остида қараб келинганлиги, кишиларни «жамиятнинг винтиклари» ва уларни истаган пайтда бирини иккинчисига алмаштириш мумкин, деб ёндашиш услуби кенг қўламларда амалда бўлиб келди.

Стратификация (лот. стратум - қатлам ва фацио – бажараман) - жамият тузилмаси, алоҳида қатламлари, ижтимоий табақаланиш белгилари тизими ва тенгсизликни ифода этувчи социологик тушунчадир.

Социал стратификация - социологик тушунча бўлиб, жамият ва унинг айрим қатламлари тузилиши, ижтимоий табақаланиш, тенгсизлик белгилари тизимини ифодалайди ёки бошқача айтганда: жамиятнинг мулк, мақом ва ҳокимият муносабатларидан келиб чиқадиган тизими бўлиб, у ижтимоий роллар ва вазифаларни ўзида акс эттиради. Социал стратификация жамиятдаги меҳнат тақсимотида турли гуруҳларнинг ижтимоий дифференциациясидан (табақаланишуви), шунингдек у ёки бу фаолиятнинг аҳамиятини ва ижтимоий тенгсизликни қонунийлаштирувчи қадриятлар ва маданий намуналар (стандартлар) тизимининг хусусиятидан келиб чиқади. Ижтимоий стратификациянинг асосий вазифаси - турли фаолият хиллари учун рағбатлантирувчи тизим ёрдамида ижтимоий ролларни мос равишда идрок этиш ва бажаришни таъминлашдир. Социал стратификация: маълумот, маиший шароит, машғулот, даромад, дин ва шу каби белгилар асосида жамият «юқори», «ўрта» ва «қуйи» синфлар ҳамда страт

(қатлам)ларга (2 дан 6 гача) бўлинади. Социал стратификация тизимида кишиларнинг ўз қобилиятлари ва куч-ғайратларига мувофиқ мақомларни ўзгартиришлари (социал мобиллик) эса жамиятнинг барқарорлигини таъминлайди ва синфий курашни «ортиқча» қилиб қўяди.

Оламий уйғунлик назарияси тарафдорлари, хусусан, Гераклитнинг фикрича, унинг асосини сонлар эмас, балки моддий буюмлар ва уларнинг ягона субстанциясидан пайдо бўладиган, қарама-қаршиликлар курашида ўзаро бир-бирига ўтадиган сифатларнинг боғлиқлиги ташкил этади. Платон эса оламий жон оламини руҳлантириб, ўзи сонли нисбатларга, гармоник тартибга бўйсунди, деб қарайди. Мазкур ғояни янада аниқлаштирган ҳолда Платон стратификацион тасниф уч ёқлама боғлиқликда амал қилишини асослайди. Яъни, биринчидан, ғоя нарсаларда моддийлашган ҳолда намоён бўлади, иккинчидан, нарсаларнинг ўзи ҳам муайян ғояни доимий тарзда тақозо этиб туради ва ниҳоят, ғоянинг ўзи мустақил равишда амал қилади. Қадимги юнон файласуфи Афлотун жамият таркибини амалий жиҳатдан уч йирик гуруҳга ажратади: 1) файласуфлар(элита вакилларида иборат бўлиб, давлат ва жамият бошқарувида асосий ўрин тутадилар); 2) ҳарбийлар ва 3) қуллар (жамиятда бирор-бир фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлмайдилар). Платон илгари сурган нуқтаи назарга кўра, стратификацион тасниф азалдан муқаррар нарса бўлиб, унинг чигал тамойиллари ижтимоий вазиятларга кўра ўзгариб боради.

Платондан фарқи, Аристотел тартибсизликлардан вужудга келадиган оламий уйғунликка бирмунча ўзига хос ёндашади ва уни жондаги манба эмас, балки фақат нарсалар табиатидаги манба, деб чекланади.

Хуллас, антик давр ва ўрта аср алломалари нуқтаи назарларидан келиб чиққан ҳолда шуни қайд этиш мумкинки, кишилараро боғлиқлик ва ўзаро алоқадорликни ифодаловчи стратификацион тасниф, бир томондан, илоҳий мукамалликнинг инъикоси сифатида намоён бўлса, иккинчи томондан, ўзида объектив борлиқнинг хоссаларини ифодалайди. Бу хосса объектив, реал борлиқ ва илоҳиёт қонунларининг боғлиқлигидан иборат бўлиб, унинг зиддият, симметрия, ритм, тадрижийлик, яхлитлик, тизим ва тузилма каби тушунчаларида ўз аксини топади.

Ғарб социологиясида жамият ижтимоий таркиби социал стратификация тушунчаси асосида ўрганилади. Демак стратификация Ғарб социологиясининг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, жамият ижтимоий таркибининг ижтимоий табақалар, гуруҳларга ажратилганини, жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни ифода қилади. Социал стратификация назарияси марксистик социологиянинг синфлар ва синфий кураш назариясига зид бўлиб, жамиятнинг синфларга бўлинишининг асосий сабаби мулкий муносабатлардаги ҳолатни табиий-тарихий қонуният сифатида қарайди. Бу синфларни ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг маълумоти, психологик жиҳатлари, турмуш шароити, ижтимоий бандлик, даромади ва бошқа хусусиятлар билан фарқ қилади. АҚШлик социолог Т.Парсонс: «Стратификация - ижтимоий тизим таркибий зиддиятининг асосий юзага келтирувчиси» деб, уни ривожлантирди. Ғарб мамлакатлари социологлари жамиятни «юқори», «ўрта», «қуйи» синф ва қатламлардан иборат деб талқин

килишади. Масалан, Ғарбий Германиялик социолог Р.Дарендорф жамиятни бошқарувчи ва бошқарилувчилар тоифасига бўлади. Ўз навбатида бошқарувчилар тоифаси 2 гуруҳдан: а) мулкдор бошқарувчилар; ва б) мулкдор бўлмаган бошқарувчилар-маъмурий бюрократ менеджерлардан иборат дейди. Бошқарилувчилар тоифаси ҳам 2 га: юқори - «ишчи аристократияси» ва қуйи - малакаси паст даражада бўлган ишчилардан иборат бўлиб, бошқарувчилар ва ишчи аристократиясининг қўшилишидан шаклланмоқда, деб фикр билдиради.

Стратификация социологиянинг асосий тушунчаларидан бири сифатида жамиятнинг ижтимоий таркиби, ижтимоий гуруҳлари ва уларнинг табақаланиш белгилари тизимини ўзида акс эттиради. Ҳозирги замон стратификацион ёндашувининг назариётчилари ижтимоий гуруҳларнинг ишлаб чиқаришдаги иштироки, жамиятнинг асосан мулкка бўлган муносабат асосида табақалашуви хусусидаги марксистик ёндашувни инкор этиб, жамият маълумоти, руҳият, маиший шарт-шароитлар, бандлик даражаси, даромад кўламлари ва бошқа белгиларга кўра табақаланишини асослаб беради. Бундай табақалар юқорида таъкидланган ижтимоий фарқларнинг ўзига хос якуний ҳосиласи, синтези сифатида намоён бўлади. Кейинги 20 йилда ривожланган Ғарб, хусусан, АҚШда ўрта табақа концепциясини ўрта синф концепцияси билан айна уйғунлаштириш тенденцияси юз бермоқда. Ўрта синф жамиятнинг ўзига хос миллий, ирқий, интеллектуал ва молиявий тенглик ва барқарорлик меъёри сифатида ўзига хос ижтимоий консенсус вазифасини ҳам ўтамоқда. Шу боисдан ҳам ўрта синф ҳиссасининг ортиши жамиятдаги ижтимоий барқарорлик шарти сифатида ҳам талқин этилмоқда.

Ижтимоий ўзгарувчанлик тушунчаси. Ижтимоий ўзгарувчанлик социологик тушунча бўлиб, демографик ва ижтимоий фаолиятларда қўлланилади. Шахснинг бир синфдан иккинчи бир синфга, бир ижтимоий гуруҳдан иккинчи бир ижтимоий гуруҳга ўтиши, жамият ижтимоий таркибида тутган ўрнини, ўзгаришини билдиради.

1.Шахс мисолида: гўдак бола, ўсмир, ёшлик, ўрта ёшлик, қарилик. Маълумот олади, ҳунар ўрганади, касб эгаллайди. Унинг жамиятда тутган ўрни ўзгариб боради. Ўқувчи эди, ишчи бўлди, студент бўлди, нафақахўр ва бошқа.

2.Жамият мисолида: жамият асосини ташкил этган инсонлар ҳаётида ижтимоий ўзгарувчанлик жараёни содир бўлади. Синфлар пайдо бўлишида, синфларнинг бир кўринишидан иккинчи бир кўринишга ўтишида, жамият синфий тузилишида, ундаги ишлаб чиқариш кучлари жойлашишида, тараққиётида, фан, техника, маданият, санъат тараққиётида ўз аксини топади.

Ижтимоий ўзгарувчанлик қуйидагича турланади:

1. Репродуктив;
2. Статусли-хизмат пиллапояларидан юксалиш, ҳаёт даражаларининг фаровонлашуви;
3. Ҳудудий - қишлоқдан шаҳарга, давлатдан давлатга кўчишлар;
4. Маънавий кадриятлар, фикрлар, тушунчалар, ғоялар, ҳис-туйғуларнинг ўзгариши;
5. Жамиятнинг сиёсий-ижтимоий идора этилиши моҳиятига кўра

ўзгаришлар;

6.Илмий - техникавий ўзгаришлар. Устувор тараққиёт мезони сифатида юксак технологиялар, информацион бошқарув соҳаларининг тобора мустаҳкамроқ ўрин тута бошлаши.

Ўзбекистоннинг ижтимоий жараёнлар таркиби ва тизимини характерловчи ўн иккита стратификацион тизимлар типини ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар қуйидагилар:

- ижтимоий-касбий таснифга кўра типлар;
- қавм-сулолавий асосларга кўра типлар;
- маданий-эстетик даражаларга кўра типлар;
- ёш даврларига кўра типлар;
- жинсий таснифга кўра типлар;
- этно - ҳудудий типлар;
- диний-конфессионал типлар;
- партиявий ва эътиқодий фарқларга кўра типлар;
- уруғ-қабилавий типлар;
- муайян манфаатлар доирасида уюшган корпоратив типлар;
- ҳуқуқбузарликка мойил типлар;
- маданий-рамзий интилишларга, қизиқишларга кўра аҳоли типлари.

Стратификацияда тўрт асосий тизим мавжуд: қулдорлик, каста, табақа ва синф. Баъзан улардан бир нечтаси биргаликда амал қилади(Масалан: Қадимги Греция ва Римда).

**Қулдорлик.** Қулдорлик тенгсизликнинг энг кескин даражаси бўлиб, унда инсон том маънода инсоннинг мулки бўлади. Турли жамиятларда қулдорлик муносабатларини белгилаган ҳуқуқий нормалар бир-биридан анча фарқ қилар эди. Баъзан қуллар барча ҳуқуқларидан қонунан маҳрум қилинган. Классик даврдаги Афинада улар турли соҳаларда, ҳатто ўта масъулиятли лавозимларда ҳам ишлаганлар. Қуллар фақатгина сиёсий ва ҳарбий лавозимларга қўйилмас эди. Тижорат иши паст иш ҳисобланган Римда қуллар савдо билан шуғулланар эдилар. Қуллик доимо қаршилик уйғотган. Баъзан қуллар бирлашиб ҳаракат қилиб, озодликка чиқиб кетар эдилар. Қуллар меҳнатига асосланган тизимларнинг инқирозга учрашига сабаб, қисман қулларнинг қаршилиги, қисман эса мажбурлашга қараганда иқтисодий ва бошқа рағбатларнинг юқорилик самарадорлиги бўлди. Қул савдоси Ғарб давлатларида XIX асргача сақланиб қолди. Ҳозирги пайтда қуллик батамом тугади.

**Касталар.** Касталар, аввало Ҳиндистон ярим оролининг маданияти билан боғлиқдир. “Каста” атамасининг ўзи ҳиндчадан келиб чиққан. Ҳиндларда касталар тизимини бутунлигича англатадиган ягона атама йўқ, унинг турли жиҳатлари ўз номларига эга. Уларнинг асосийлари варни ва джатиридир. Варналар-ижтимоий обрўсига қараб ажратиладиган тўрт асосий табақалардир. Бу тўрт табақадан пастроқда “қўл теккизилмайдиганлар” табақаси туради. Джитилар-бу касталарга бўлинадиган алоҳида маҳаллий гуруҳлардир. Касталар тизими ўта мураккаб бўлиб, унинг тузилиши минтақадан минтақага қараб ўзгаради. Лекин уларни бир қатор умумий тамойиллар бирлаштириб туради. Олий варнани ташкил этадиган, тозаликни энг юксак даражаси, “қўл

теккизилмаслар”- энг паст поғонасининг тимсолидир. Ҳинд касталари тизими ҳеч қачон тўла статик бўлмаган. Бир инсоннинг кастадан кастага ўтишига рухсат этилмаса-да, касталар иерархиясида гуруҳлар ўз мавқеини ўзгартириб туради.

**Табақалар.** Табақалар Европа феодали тизимининг бир қисми эди. Улар, шунингдек, кўплаб бошқа маданиятларда ҳам мавжуд эди. Феодали табақалар турли мажбуриятлар ва ҳуқуққа эга бўлган страталардан иборат бўлиб, уларнинг баъзилари қонунан белгиланган. Европада юқори табақа аристократия ва джентридан (майда дворянлар) иборат эди. Рухонийлар бошқа табақага мансуб бўлиб, улар бир оз қуйроқда турсалар-да баъзи махсус имитиёзларга эга эдилар. Касталардан фарқли ўлароқ, табақалар унчалик ёпиқ эмас эди ва турли табақа вакиллари ўртасида никоҳга рухсат этилар эди. Кўпроқ марказлашган давлатларда, масалан, Хитой ва Японияда табақалар бутун давлат миқёсида шаклланади.

**Синфлар.** Синфий тизимлар қулдорлик ва каста тизимларидан кўп жиҳатлари билан фарқ қилади. Уларнинг тўрт асосий хусусияти бор:

1. Бошқа страталардан фарқли ўлароқ, синфлар қонун ёки урф-одатлар билан белгиланган туғма хислатларга алоқадор эмас. Синфлар анча эластикдир, улар ўртасида ҳеч қачон аниқ белгиланган чегара бўлмайди. Турли синфларда инсонлар ўртасидаги никоҳларда ҳеч қандай расмий тўсиқлар йўқ.

2. Синфга мансублик шахс томонидан қозонилади, бошқа стратификация тизимларидаги каби мерос бўлиб қолмайди. Ижтимоий ҳаракатчанлик-синфий тузилма ичида ва пастга силжиш бу ерда бошқа тизимлардан анча аввалроқ пайдо бўлган.

3. Бошқа стратификация тизимларида ноиктисодий омиллар етакчи роль ўйнаса (масалан, ҳинд касталар тизимида-дин), синфлар инсонларнинг иктисодий аҳволидаги фарқлар моддий ресурсларни бошқариш ва уларга эга бўлиш билан боғлиқдир.

4. Бошқа стратификация тизимларида тенгсизлик биринчи ўринда инсонлар шахсий муносабатларида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг фарқлилигида намоён бўлади, синфлар тизими эса, аксинча катта миқёсдаги шахсиз муносабатларда, масалан, синфий бўлинишнинг энг муҳим омилларидан бири-ҳар қандай категория вакилларига тегишли бўлган ва ўз навбатида умумий иктисодий аҳволга боғлиқ бўлган меҳнат қилиш ва ҳақ тўлаш шароитларидир.

Статус тушунчаси турли ижтимоий гуруҳларнинг жамиятда турли даражада обрўга эга бўлиши билан боғлиқдир. Муайян мавқени бошқалардан ажратиб турадиган синфий бўлинишга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгариб туриши мумкин: ижтимоий обрў ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин. Ижобий имитиёзларга эга мавқе гуруҳлариги мазкур ижтимоий тизим ичида обрўга эга бўлган одамлар киради (масалан, врачлар), салбий имитиёзланган мавқе гуруҳларига парий гуруҳлари киради. Улар дискриминация қурбонлари бўлишлари мумкин. Уларга баъзи фаолият турлари билан шуғулланиш ва жумладан давлат амалларини эгаллаш ман қилинади. Синфга мансублик объектив кўрсаткич бўлса, мавқе, аксинча, субъектив баҳолашга боғлиқдир.

Синфлар, иқтисодий омиллар, давлат ва даромад билан боғлиқ, мавқе гуруҳларнинг турли ҳаёт тарзи билан белгиланади.

Стратификацияни ўрганганда, нафақат иқтисодий ва касбий ҳолатлар фарқини, балки бу ҳолатларни эгаллаб турган шахслар билан нималар содир бўлишини ҳам ҳисобга олиш лозим. Ижтимоий ҳаракатчанлик атамаси маълум шахс ёки гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ўзгаришини билдиради. Вертикал ҳаракатчанлик ижтимоий-иқтисодий шкала бўйича юқорига ёки пастга силжишни ифода этади. Бирор шахснинг даромади кўпайиб, янги мулк сотиб олса, статуси кўтарилса, унга ижтимоий юксалиш, юқорига силжиш ҳолати, бунга тескари йўналишда ўзгараётганларга пастга силжиш ҳолати хос бўлади. Ҳозирги жамиятларда шунингдек, горизонтал ҳаракатчанлик кенг тарқалган. У шаҳар, район ва ҳоказолар ўртасида географик силжишлар маъносини англатади. Баъзан вертикал ва горизонтал ҳаракатчанлик қўшилиб келади. Масалан, бирор компания хизматчисини фирманинг бошқа шаҳарда жойлашган филиалига, юқори лавозимига ўтказди.

Жамиятнинг вертикал ҳаракатчанлиги - қуйи табақаларда истеъдодли одамларнинг юқори табақаларга кўтарилиш имкониятини кўрсатувчи “очиқлик” кўрсатгичидир. Бу борада илк асарлардан бири 1927 йилда Питирим Сорокин томонидан чоп этилган. Сорокин биринчи бўлиб АҚШдаги ижтимоий ҳаракатчанликни муфассал ўрганиб чиқди, кўплаб турли жамиятларни, шу жумладан қадимги Рим ва қадимги Хитой жамиятларини ҳам тадқиқ қилди. У шундай хулосага келдики, АҚШда тез кўтарилиш имконияти, фольклорда кўрсатилганига қараганда анча чекланган эди. Бундан қирқ йил кейин Питер Блаи ва Отис Дадли Данкэн томонидан ўтказилган тадқиқот анча мукамалроқ ва муфассалроқ эди. У ҳозиргача бир давлат ичидаги ҳаракатчанликнинг энг пухта таҳлили бўлиб қолмоқда. (Камчилиги-унда фақат эркакларга эътибор қаратилган).

Кўпчилик ишонадики, ҳар бир инсон астойдил ишласа, чўққига кўтарилиши мумкин, лекин бундай бўлиши эҳтимолдан узоқдир. Ҳатто барча тенг имкониятга эга бўлган, энг динамик жамиятда ҳам, жуда озчилик ҳақиқатда юксак чўққиларга кўтарилишни уддалай олади. Буюк Британиянинг 55 миллионлик аҳолиси ичидан икки юз энг йирик корпорациялардан бирига директор бўлиши мумкин бўлганлар сони 2-3 мингдан ошмайди. Бундан ташқари ҳокимият ва бойликка эга бўлганлар уларни ўз қўлларида сақлаб қолиб, ўз авлодларига қолдириш имкониятига эгадирлар. Шубҳасиз, улар ўз фарзандларига яхши ишга йўл очадиган таълим берадилар. Энг юксак чўққиларга эришганларнинг кўпчилиги бошланишданок имтиёзларга эга бўлганлар. Юқори мансаблар сони барча хоҳловчилар учун етишмайди ва баъзилар ўз мансаби талабларига жавоб бермаслигини тан олишга мажбур бўладилар. Профессиналлар ва менежерлар учун иш жойлари сони ошса ҳам, иқтисодиётда бундай жойлар сони иш қидираётганлар сонига нисбатан озроқ бўлади. Бунинг сабабларидан бири шундаки, мансабларни эгаллашда эркаклар билан рақобатлаша оладиган аёллар сони ортиб бормоқда. Оқибатларини тўғри баҳолаш ҳали қийин бўлган яна бир сабаб-ишлаб чиқаришда ахборот технологиялари ролининг ўсиб боришидир. Компьютер техникаси, аввал фақат

инсон уддалай оладиган ўта мураккаб масалаларни еча олиши яқин келажакда кўплаб касбларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин.

“Миграция” (лот. *migratio*) сўзининг луғавий маъноси кўчиш демакдир. Аҳолининг кўчиши ижтимоий-демографик таркибнинг бир қисми ҳисобланиб, жамият ривожланишига таъсир қилади. Миграция жамият ҳаётининг кўпгина томонлари билан боғлиқ ва у жамиятда ижтимоий ёки салбий оқибатларни вужудга келтириши мумкин. Жамият ривожланишининг ҳар бир босқичида миграция жараёни бўлади. Чунки кишилар ўзи келиб чиқиши, қизиқиши, хоҳишларига мос равишда яшаш жойини танлайдилар. Миграциянинг асосий сабабларидан бири урбанизация ва индустриализация жараёнидир. Мамлакат саноат қувватининг асосий қисми шаҳарда жойлашган. Шу ҳол аҳолини қишлоқлардан шаҳарларга келишга ундайди. Аммо бу кўчиш халқ хўжалиги эҳтиёжларига мувофиқ бўлиши, шаҳарда кескин ҳолатни вужудга келтирмаслиги зарур. Кўп ҳолларда миграция жараёнида аҳолининг фаол, ижтимоий меҳнатга яроқли қисми - ёшлар иштирок этади. Бу эса қишлоқ жойларида аҳолининг ёши ва жинси бўйича нисбатининг бузилишига, айниқса аҳолининг табиий ўсишига салбий таъсир қилиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, агар одамлар турар жойида икки йилдан кам яшаган бўлса, бу миграция жараёни ҳисобланади. Асримизнинг 80-йилларига келиб миграция кучайганлигини эътироф этиш зарур. Тадқиқотларнинг кўрсатишича аҳоли асосан, шаҳардан шаҳарга ва қишлоқдан шаҳарга кўчар экан. Марказий Осиёда шаҳар аҳолиси асосан табиий кўпайиш ҳисобига ўсмоқда. Ўзбекистонлик иқтисодчи олим, проф. Осминининг фикрича, Ўзбекистоннинг қишлоқ аҳолиси нафақат республикамиз шаҳарларига келади, балки МДХ давлатларига ҳам чиқади. Шундай бўлса-да Ўзбекистоннинг кўпгина аҳолиси бошқа давлатларга нисбатан анча барқарор, яъни улар қаерда туғилган бўлса, ўша ерда яшашади. Аҳоли кўчишининг асосий омилларидан бири, уларнинг маълум миллатга мансублигидир. Ҳар бир миллат вакили имкони борича ўз миллати билан бир ҳудудда яшашга, ишлашга интилади.

Миграцияни фақат урбанизация жараёни билан боғлаш мумкин эмас. Миграцияга кўпгина омиллар, жумладан табиий ва ижтимоий омиллар ҳам таъсир қилади. Кўпгина аҳолининг кўчиши ишлаб чиқариш, иқтисоддан келиб чиқади. Кишилар маданияти, маълумот даражаси ҳам миграцияга таъсир қилиши мумкин. Эҳтиёжларни тўла қондириш учун кишилар турар жойларидан кўчишга мажбур бўлишади. Одамларнинг шахсий қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда ҳам бошқа жойга кўчиш мумкин. Масалан, оила қуриш, қариндош уруғлар билан яқинлашиш, ўқишни давом эттириш, янги касб эгаси бўлиш, турмуш шароитини яхшилаш ва ҳ.к.

Шаҳарга кўчиб келиш қишлоқ аҳолисини шаҳар шароитига мослашишга, турмуш тарзини ўзгартиришга, эҳтиёжини тўла қондиришга олиб келаяпти. Кўп ҳолларда миграция жараёни стихияли хусусиятга эга. Шунинг учун имконияти борича бу жараённи давлат ёки халқаро ташкилотлар бошқариши лозим.

### **Назорат саволлари:**

1. Страта ва стратификация тушунчалари.
2. Оламий уйғунлик назариясини тушунтиринг.
3. Консенсус нима?
4. Ижтимоий табақаланишнинг сабаблари нимада?
5. Социал мобиллик тушунчаси нимани билдиради?

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
3. Социология //Ўқув қўлланма. Убайдуллаева Р.А., Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ.. - Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2002.
4. Социология. Маърузалар курси. Алиқориев Н.С, Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б., ва бошқ. - Тошкент, 2001
5. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шаҳри. - Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993.
6. Гидденс Э. Социология. - Тошкент, 2002
- 7.Холбеков А.Ж., Идилов У.Ю. Социология: изоҳли луғат- маълумотнома. - Тошкент: Ибн-Сино номидаги нашриёт, 1999.
- 8.Холбеков. А.Ж. Бошқарув социологияси (ўқув қўлланма). -Тошкент: Akademiya, 2007.

## **7-мавзу. Социал муносабатлар**

### **Режа:**

- 1.Социал муносабатлар тушунчаси. Социал муносабат турлари.
- 2.Ҳамфикрлик, барқарорлик ва кооперация-социал тизимларнинг муваффақиятли ишлашининг омиллари сифатида.
- 3.Бегоналашув ва таназзул.
- 4.Миллий ғоя ва миллий мафқуранинг социал муносабатлар тизимидаги ўрни.

Социология фани тизимида социал муносабатлар жуда муҳим ўрин эгаллайди. Чунки у орқали жамият аъзолари бир-бирлари билан маълум бир муомала ва ижтимоий ҳамкорликка интиладилар. Социологиядаги бу махсус соҳа ўзининг ўта долзарблиги ва муҳимлиги билан бошқа муаммо ва масалалардан ажралиб турса-да, у ҳали мутахассислар томонидан тўлиқ илмий ва тизимли равишда ўрганилмаган ҳамда илмий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Социал муносабатлар тушунчаси кўпгина адабиётларда икки хил даражада: кенг ва тор маънода талқин қилинган. Кенг маънода тушуниш-социал муносабатларни бутун бир ижтимоий муносабатлар тизими билан тенглаштиришдир ва улар орасидаги фарқларга

кўп эътибор бермаслик билан боғлиқдир. Тор маънода социал муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг бир муҳим элементи ва тури деб талқин қилинади.

Турли тарихий даврларда, ижтимоий тузум, давлатлараро муносабатлар даражаларида, ишлар чиқариш жамоларида кишилар ва гуруҳлар ҳар хил мавқега эга бўлганлар(масалан, бой-камбағал, саводли-саводсиз, шаҳарлик-қишлоқлик ва ҳоказо). Албатта, жамият ва унинг қисмларида мавқелари бўйича кишилар ўртасида келиб чиқадиган фарқлар уларнинг қадриятлари, манфаатлари, эҳтиёжлари, мақсадлари ва муносабатларига таъсир қилмасдан қолмайди. Масалан, кўзғолон кўтарган кул ўзининг мавқеини ўзгартириб, “эркин фуқаро” мақомини олишга интиланган. Шундай қилиб турли одамлар, социал гуруҳлар, социал институтлар ўзларининг жамиятдаги ва унинг қисмларидаги мавқларига қараб ўзига хос муносабат, алоқа ва ўзаро таъсирга киришадилар. Бу муносабатлар социал муносабатлар, деб юритилади. У ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос кўриниши бўлиб иқтисодий, сиёсий ва маънавий муносабатлар билан бирга мавжуд бўлади. Одамларнинг социал муносабатларга киришадиган соҳа(сфера)си “социал соҳа(сфера)” дейилади. Социал муносабат ва социал сферани жамиятнинг бошқа ижтимоий муносабатлари турларидан ажратиб бўлмайди. Социал муносабатлар ижтимоий муносабатларга сингиб кетади ва гўёки унинг ажралмас жиҳати ҳисобланади. “Соф” иқтисод, сиёсат ва маънавият мавжуд эмас. Уларнинг орқасида социал йўналтирилган одамлар, гуруҳлар ва институтлар турадики, буларнинг фаолияти социал мавқени сақлаш ёки ўзгартиришдан иборатдир. Жумладан, иқтисодий масалаларни ҳал қилишга интиланган одам жамиятда ўзининг социал мавқеини ўзгартиришга ҳаракат қилади. Шундай қилиб ҳар қандай ижтимоий(иқтисодий, сиёсий, маънавий) жараёнлар ўзининг социал ўлчовига эгадир. Бу жараёнларнинг самарадорлиги, оқибатда уларнинг социал йўналиши билан белгиланади. Социал муносабатларни турли асосларга кўра бўлиш мумкин. 1). Муайян социал муносабатлар билан бирлашадиган кишилар сонига кўра бундай муносабатларни қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- микро-даража(оиладаги муносабатлар, унчалик катта бўлмаган социал тузилмалардаги муносабатлар);

- макро-даража(турли социал гуруҳлар(диний, касбий, синфий ва бошқалар).

- мега-даража(давлатлар, давлатлар гуруҳи, конфессиялар ўртасидаги муносабатлар).

2). У ёки бу социал муносабатлар қандай ижтимоий жиҳатларни илгари сураётганига қараб қуйидагиларга бўлинади: а). социал-синфий; б). социал-ёш жиҳати; в). социал-жинсий; г). социал-диний; д). социал-этник; е). социал-касбий.

3).Жамиятнинг тури ва тарихий даврга боғлиқ ҳолда, қуйидаги социал муносабатларни кўрсатиш мумкин: а).инсоният тарихининг илк босқичида

пайдо бўлган, тенглик ва содда демократияга асосланган жамият; б). аграр, индустриал, ахборотли жамият; в). жамиятнинг ғарбона ва шарқона турлари.

Социал муносабатлар - бу шериклар ўртасида ўз-ўзидан тикланадиган характерга эга ўзаро таъсирнинг барқарор тизимидир. Икки киши ёки кишилар ўртасидаги контакт вазияти турли хил шаклларга эга бўлиши мумкин: 1).Оддий ёнма-ён ҳозир бўлиш; 2).Маълумот алмашиш; 3).Биргаликдаги фаолият; 4).Икки томонлама тенг ёки асимметрик фаоллик. Шуни таъкидлаш жоизки фаоллик социал таъсир, ҳамкорлик, рақобат, манипуляция (хийла), конфликт ва бошқа турларга бўлиниши мумкин.

Социал бирдамлик тушунчаси социал муносабатлар тизимида муҳим ўрин тутди. Чунки бирдамлик - бу кўпгина маънавий омилларнинг мажмуасидан ташкил топган социологик категория бўлиб, у ижтимоий ҳаётда фаолият кўрсатаётган инсонларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларини ҳал қилишларидаги ҳамкорлигининг кўринишидир. Авваламбор шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, социология фанига бу термин социал жипслашувни билдирадиган тушунча сифатида илк бор О.Конт томонидан киритилган эди. Бу муаммога кўпгина мутафаккирлар ўзларининг эътиборларини қаратганлар. Айниқса Э.Дюркгейм, Г.Спенсер бу муаммони чуқур таҳлил қилганлар, лекин улар ўз тадқиқотларини турли хил йўналишларда олиб борганлар. Э.Дюркгеймнинг фикрича, социал бирдамлик, бу ахлоқий тамойил ва олий универсал қадрият бўлиб, у жамиятнинг ҳар бир аъзоси томонидан тан олинади. О.Конт ва Г.Спенсерларнинг тадқиқотларида социал бирдамликнинг асосини иқтисодий манфаатлар ташкил қилиши марказий ўринни эгаллайди. Г.Спенсер ўзининг бирдамлик таълимотида мажбурий ва кўнгилли бирдамликни ажратиб кўрсатади. Унинг фикрича, кишилик жамияти ўз ривожланиш йўлида иккига: ҳарбий ва саноат даврларига бўлинади. Бутун ҳаёт бу ерда интизомга асосланган. Саноат туридаги жамият эса осойишта ижтимоий ҳамкорликнинг эркин шакллари ифода этади. Муаммони иккита жиҳатга ажратиб таҳлил қилинишни Д.Дюркгеймнинг ҳам илмий фаолиятида кўриш мумкин. У ўз таълимотини механик ва органик бирдамликка ажратади. Ривожланмаган ва эски жамиятларда ҳукумронлик қиладиган бирдамликни Дюркгейм механик бирдамлик деб атади. Механик бирдамлик - бу «жамоа туридаги» бирдамлик бўлиб, у бу жамоадаги индивидларнинг ўхшашликлари билан белгиланади ва улар томонидан ижтимоий вазифалар бир хил турда бажарилади. Жамиятда ижтимоий меҳнатнинг тақсимланиши туфайли индивидлар махсус вазифаларни бажарадилар ва бу хислатлар сабабли жамият жонли организмни эслатади. Шу жамиятда вужудга келган янги турдаги бирдамликни Дюркгейм органик бирдамлик деб атади. Меҳнатнинг тақсимланиши индивидларда ўзларига хос қобилиятларнинг ривожланишига омил бўлади. Энди ҳар бир индивидларнинг ўзи эса бир-бирларига боғлиқ бўладилар ва улар социал муносабатларнинг ягона тизими орқали бирдамлик туйғуларига эришадилар.

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, “Ўз-ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос бўлган

усули-маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда... Энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди»<sup>1</sup>.

Ҳозирда меҳнатнинг мазмунини чуқур ва ҳар жиҳатдан ўзгартирмай туриб, жамиятимиз ижтимоий таркибида сифат ўзгаришига эришиб бўлмайди. Бунинг учун, энг аввало, меҳнатга янгича муносабатни таркиб топтириш, янги технологияни яратиш, фанни янада тараққий эттириш, муносиб малакали кадрлар тайёрлаш, маорифни тубдан янгिलाш каби кечиктириб бўлмайдиган вазифалар амалга оширилмоғи лозим.

Совет тузуми даврида ижтимоий гуруҳларнинг моддий даромадларини тенглаштириш сиёсати юргизилган. Натижада кишиларнинг меҳнатга муносабати сусайиб, ижодийлик, омилкорлик, ишбилармонлик, тадбиркорлик, моддий манфаатдорлик каби ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим стимуллари йўқолган. Демак, тақсимот муносабатлари жамият ҳаётини, айниқса, унинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишида муҳим ўрин тутди. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш муносабати билан, Ўзбекистонда мулкчилик турли шакллариининг жорий қилиниши ва уларнинг давлат ҳимоясига олиниши тақсимот муносабатларида тубдан ўзгаришларга олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, жамият иқтисодий ривожланишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиёт ва тақсимот муносабатлари социология фани доирасида тадқиқот объекти сифатида муҳим ўрин тутди.

Жамиятнинг ижтимоий таркибида ижтимоий-синфий муносабатлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Собик Иттифок социологиясида синфий муносабатлар, синфий кураш масалаларига жуда кенг ўрин берилиб, бу муносабатлар ижтимоий таркибдаги бошқа барча унсурлар, муносабатлар ичида энг муҳим ва белгиловчи ҳисобланган. Бунинг сабаби, унда жамиятнинг иқтисодий таркиби бошқа ижтимоий гуруҳлардагига нисбатан тўлароқ ва аниқроқ акс этади, деб кўрсатилган. Ҳақиқатдан ҳам, давлат социализми даврида мавжуд ишчилар ва деҳқонлар синфи жамиятнинг энг кам таъминланган, қуйи даражадаги синфларни ташкил қилди. Зиёлилар ижтимоий қатлами эса моддий таъминланганлик жиҳатидан улардан унчалик фарқ қилмаган. Ўтган даврда, асосан, икки синф-ишчилар ва деҳқонлар синфи ва зиёли қатлами мавжуд деб кўрсатилиб, жамият ижтимоий таркибидаги бошқа гуруҳлар (масалан, юқори табақа чиновниклари)нинг аҳамияти мутлақо тилга олинмас эди. Ишчилар синфи кўп қиррали ижтимоий бирлик ҳисобланади. Унинг ички таркиби демографик (жинси ва ёши билан), касбий- тайёргарлиги билан (меҳнатнинг мазмуни ва характери билан) ҳудудий (ижтимоий-ҳудудий бирлик билан), этник (миллий фарқи) ва маданий-маълумоти билан фарқ қилувчи таркибий тузилишга эгадир. Ҳозирда Ўзбекистон давлати миқёсида миллий ишчилар синфининг таркиб топиши учун шарт-шароит яратилмоқда. Жаҳон талабларига жавоб бера

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 281-бет.

оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун моддий замин тайёрланмоқда. Чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар яратилмоқда. Эндиликда, юқори технологияга асосланган саноат ишлаб чиқаришининг малакали ишчи - инженерлар гуруҳи шакллана бошлади.

Мамлакат қишлоқ хўжалиги соҳасида банд бўлган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштираётган деҳқонлар ҳам ижтимоий таркибда синф сифатида ўрин тутди. Ўзбекистонда аҳолининг 60 фоизи қишлоқ жойларида яшайди. Миллий даромаднинг 44 фоизидан кўпроғи бугунги кунда қишлоқ хўжалигидан олинади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз бўйича меҳнатга яроқли кишиларнинг 39,3 фоизи чорвачилик ва қишлоқ хўжалигида меҳнат қилади. Баъзи районларда бу кўрсаткич 80-90 фоизни ташкил этди”<sup>21</sup>.

Булардан кўриниб турибдики, жамиятимиз ижтимоий таркибда деҳқонлар синфининг ўрни каттадир. Ҳозирда мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон ҳукумати деҳқонлар мавқеини кўтаришга алоҳида эътибор бермоқда. Уларнинг турмуш даражасини оширишда катта ишлар олиб борилаёпти. Уй-жой қуриш учун бепул ер ажратилди. Моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Экинзор ерлар ижарага берилмоқда. Фермерларнинг сони ортмоқда. Етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шаҳарга олиб келиб сотиш учун имкониятлар яратилди. Уларнинг оладиган йиллик даромадлари бир неча бор ортди. Деҳқонлар синфи ичида ҳам табақаланиш жараёни тез суръатлар билан бормоқда. Уларнинг таркибда ишбилармон, тадбиркор фермер хўжаликлари пайдо бўлди. Ижарачилар гуруҳи ҳам борган сари қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жамият ижтимоий таркибда зиёлилар қатлами ҳам салмоқли ўрин тутди. Зиёлилар ақлий меҳнат мутахассислари бўлиб, ижтимоий-касбий гуруҳлардан таркиб топмоқда. Жамият ижтимоий таркибда зиёли ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши оқибатида шаклланди. Ҳозирда, фан, илмий техника тараққиётининг жадал бориши билан зиёлининг касбий малакаси янада мураккаблашмоқда. Унинг таркибига илмий, ишлаб чиқариш-техник, маданият, маърифат, тиббиёт-ҳарбий ва бошқарув аппарати ходимлари кириб келди. Зиёлилар таркибини яна шаҳар ва қишлоқ, ижтимоий бандлик соҳалари бўйича (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида) меҳнатнинг ижодий характери даражаси билан, малака ва бошқа жиҳатлари билан фарқлаш мумкин.

Социологияда миллий муносабатлар иқтисодий, сиёсий ва маънавий-мафкуравий муносабатлардаги ўзаро узвий алоқадорлик назарда тутилган ҳолда конкрет этник муҳит доирасида, ижтимоий жамоалардаги, оиладаги, ҳудудий тартибдаги муносабатлар доирасида ўрганилади. Шунингдек, миллатлараро муносабатларнинг жамият ижтимоий ҳаётига таъсири ва уларнинг ижтимоий оқибатлари тадқиқ этилмоқда. Шу жиҳатдан, Ўзбекистоннинг кўп миллатли давлат бўлганлигини эътиборда тутган ҳолда,

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 68-бет.

унда истиқомат қилаётган миллатлар ва халқларнинг ижтимоий турмуши, ўзаро алоқаси ва шу каби муносабатларни социологик тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Социологияда жамият ижтимоий таркибий тузилишининг ижтимоий-демографик муносабатлари ҳам муҳим ўрин тутди. Бу муносабатлар, асосан, аҳолининг жинсий тузилиши, ёши, оилавий ва генетик жиҳатларини ўз ичига олади.

Ҳар қандай давлат ижтимоий сиёсатининг таркибига демографик сиёсат ҳам қиради. Демографик муносабатларга мамлакат аҳолисининг барча қатламлари мансубдир. Ижтимоий-демографик таркибга статистик жиҳатдан ўрганиладиган аҳоли ўртасида туғилиш, ўлим, никоҳ, оилавий қўйди-чиқдилар, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг миграцияси, ҳудудий миграция қабила қиради.

Ўзбекистон ижтимоий-демографик жиҳатдан ниҳоятда мураккаб тузилишга эгадир. Туб аҳолининг 51 фоизи хотин-қизлар, 9,6 млн. аҳоли 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлардан иборатдир. Фарғона водийси аҳолисининг зичлиги жуда катта. Андижонда ҳар бир квадрат километр майдонга 485 нафар одам тўғри келади. Бундай демографик ҳолат жамият ҳаётининг бошқа барча соҳаларида ҳам турли муаммоларни келтириб чиқариши табиийдир.

Аҳолининг ёш жиҳатдан таркибий тузилишини ўрганиш мамлакатнинг нафақат меҳнат ва ишлаб чиқариш потенциални аниқлашга, балки унинг ривожланиш динамикасини ҳам аниқлашга хизмат қилади. Бу жиҳатдан Ўзбекистонда баъзи Европа ва Япония мамлакатларига нисбатан «ёш» мамлакат ҳисобланади.

Аҳоли оилавий таркибининг сони, моддий турмуш даражаси, даромади, оилавий муносабатларни ва шу каби масалаларни ўз ичига олади. Оилани озиқ-овқат ва истеъмол моллари билан таъминлаш муаммолари давлат ижтимоий сиёсатининг асосий мақсадини ифода этади. Оила таркиби социологиянинг махсус соҳаси-микросоциологияда ҳам чуқур тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Унда иқтисодий, психологик жиҳатларни эътиборда тутиш зарур. Никоҳ муносабатлари, ёлғиз яшовчиларни, оилавий бузилиш сабабларини ўрганиш жамият ижтимоий таркиби ҳаётини ижобий ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, жамият ижтимоий таркибини социология фани доирасида ўрганиш, унинг ривожланиш истиқболларини, ўзига хос хусусиятларини, мавжуд ижтимоий муаммоларини тадқиқ этишда ва зарур илмий-амалий тадбирлар ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бегоналашув муаммоси социология фанининг муҳим масалаларидан ҳисобланиб, уни бир қатор таниқли социологлар тадқиқ қилганлар. Замонавий жамият ҳаётида қуйидаги бегоналашув турларини ажратиб кўрсатиш мумкин. 1) Иқтисодий; 2) Сиёсий; 3) Маданий; 4) Ижтимоий; 5) Психологик; Ушбу бегоналашув турлари ўзларининг маълум бир шаклларига эгадир. Масалан, иқтисодий бегоналашув учта шаклга эга:

- 1) Фаолиятдан бегоналашув;

2) Фаолият бошқарувидан бегоналашув;

3) Фаолият натижаларидан бегоналашув;

Сиёсий бегоналашув сиёсий ҳокимиятдан; маданий бегоналашув маънавиятдан ва маданиятдан; ижтимоий бегоналашув мулоқотдан, инсонларнинг бир-биридан; психологик бегоналашув ўз-ўзидан бегоналашишдан иборат бўлади.

Бегоналашув жараёни ва таназзул бир-бирига боғлиқ ходисалардир. Агар жамиятда ишлаб чиқариш суръатлари кескин пасайса, хўжалик алоқалари узилса, пулнинг қадри тушиб кетиб, нархлар тез суръатларда ошиб кетса, бошқарув тузилмалари издан чиқса ва сиёсий тангликлар вужудга келса, жамиятнинг ҳамма соҳалари таназзулга учраган, деган фикрга келиш мумкин. Ўз навбатида бегоналашув жараёни қанчалик кенгайса, таназзул ҳам чуқурлашиб бораверади.

Жамиятда соғлом муҳитни яратишда маънавият ва маданиятнинг роли каттадир. Маданий соҳадаги бегоналашув ҳам анчагина чуқур салбий оқибатларга олиб келадиган маънавий таназзулни келтириб чиқаради. Чунки у индивидларнинг баркамол шахс бўлиб шаклланишларига салбий таъсир кўрсатади. Агар жамият аъзолари ўз маънавиятлари, бой маданий меросларидан узоқлашиб кетиб, ундан бегоналашсалар, ўзларининг келиб чиқишларини ҳамда ўз миллатининг миллий урф-одатлари, анъаналарини инкор қила бошлайдилар. Агарда яқин ўтмишимизга мурожаат этсак, ушбу мулоҳазаларимизнинг яққол исботини кўрамиз. Масалан, бой маданий меросимиздан бегоналашувимиз, атоқли адиб Чингиз Айтматовнинг таъбирича, бизларни манқуртларга айлантиради деди, яъни биз ўз халқимиз тарихи, миллий-озодлик ҳаракатлари ва уларнинг саркардалари жасоратларидан, динимиз ва ўзлигимиздан узоқлашиб қолдик. Давлатимиз мустақиллигига эришиб, маданий бегоналашувни бартараф этишни бошладик.

Руҳий бегоналашув-бу инсоннинг ўз моҳиятидан узоқлашишдир. Бу муаммони немис мутафаккири Эрих Фромм жуда яхши тушунтириб берган. Замонавий жамиятни Э.Фромм инсон моҳиятини «машиналаштириш», «компьютерлаштириш» ва «роботлаштириш» жараёнлари туфайли бегоналашувнинг бир маҳсули, деб таърифлайди. Психологик ва ижтимоий бегоналашувнинг бир-бирига яқинлиги шундаки, инсонлар ўзаро муносабатларда ва амалий мулоқотда бегоналашсалар, ўз-ўзларидан бегоналашув ҳам юз беради. Чунки инсонларнинг бир-бирларидан бегоналашишлари оқибатида уларда яккаланиш, зерикиш ва ҳаётга қизиқишнинг сўниши вужудга келиши мумкин. Бунинг натижасида инсоннинг ўз келажагига, орзу-ниятларига ишончи йўқолиб, у ўзини бегона деб ҳисоблайди ва бу жараён кўпинча салбий оқибатларга олиб келади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жамият ҳаётидаги турли хил бегоналашув жараёнлари тезроқ илмийлик ва уйғунлик асосида бартараф қилинсагина, жамият ижтимоий соғлом шароитда тараққий этади ва салбий ходисаларнинг таъсири ўз вақтида бартараф этилади. Масалан, меҳнатдан бегоналашишни бартараф этиш учун биринчи навбатда инсонларнинг ўз меҳнатлари натижаларидан манфаатдор бўлишлари ва унинг оқибатида эса

меҳнатга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириб, уларнинг қизиқиш ва куч-ғайрат билан ишлашларини ташкил этиш керак. Ишлаб чиқаришни бошқаришдан бегоналашув муаммосини бартараф этиш ҳам жуда муҳим маъно касб этади. Бунинг учун ишлаб чиқариш муносабатларини чуқур демократиялаштириш, корхона, ташкилот ва муассасалардаги мавжуд бошқарув тизимларини ижтимоий адолат меъёрлари билан такомиллаштириш, ишчи ва хизматчиларга ҳўжалик эгасининг аниқ вазифаси, ҳуқуқи ҳамда масъулиятларини топшириш керак.

Маданиятдан бегоналашувни бартараф этиш учун маданий меросга муносабатни такомиллаштириб бориш, жамиятнинг ҳар бир аъзоси маънавий кадриятлардан яхши хабардор бўлиши ва маданий қурилишга етарли маблағ ажратилишини таъминлаш зарур.

Ижтимоий бегоналашувни бартараф қилиш учун инсонларнинг бир-бирлари билан муносабатлари, муаммоларини ҳақиқий бирдамлик ва ҳамкорлик асосида қуриш керакки, шунда ҳар бир инсон ўзининг бошқалар учун ҳам керак эканлигини чин юракдан ҳис қилсин.

Руҳий бегоналашувни бартараф этиш чоралари ижтимоий бегоналашувни бартараф этишнинг узвий давомидир. Инсон ўзининг кимгадир кераклигини руҳан сеза олсагина у ҳеч қачон тушкунликка тушмайди ва яккаланиш, изтиробга тушиш хавфидан халос бўлади. Оқибатда унинг ўз-ўзидан, ўз моҳиятидан бегоналашувига деярли ҳеч қандай сабаб қолмайди.

Социал конфликт - бу социал таъсирнинг ўзига хос тури бўлиб, кадриятлар, ресурслар ёки ҳокимиятни тақсимлаш бўйича энг камида икки томоннинг қарама-қарши туриши ёки қарама-қарши қураши билан тавсифланади. Конфликт ўзаро таъсир бошқа томоннинг манфаатларига зарар келтириб, ўзининг манфаатларини амалга оширишга интилганида пайдо бўлади. Социолог Р.Даррендорфнинг фикрича, социал конфликт ҳар қандай жамиятларда мавжуд бўлган ҳукмронлик ва бўйсиниш муносабатларига қаршилиқнинг натижасидир. Конфликтни босиш унинг таранглашувига, “оқилона тартибга солиш” эса “назорат қилинадиган эволюция”га олиб келади.

Олимларнинг фикрига кўра, конфликтни тартибга солиш учун қуйидагиларни билиш зарур: а). конкрет қатнашчиларнинг тавсифи(уларнинг мақсади, эҳтиёжи, қандай ресурсларга эгадиги, руҳий ҳолати, кадриятлари); б).ўзаро муносабатлари генезиси(уларнинг конфликтгача бўлган муносабатлари, бир-бирлари тўғрисидаги тасаввурлари, андазалари; в). конфликтга олиб келувчи сабаб ва баҳоналар, шу билан бирга ўткирлик даражаси, чегараси, давомийлиги; г). конфликт вужудга келган социал муҳит; д). манфаатдор томонларнинг конфликт қатнашчиларига муносабати; е).конфликт иштирокчиларининг стратегия ва тактикани қўллаши; ё). конфликтнинг натижалари ва оқибатлари (йўқотиш ёки муваффақиятга эришиш). Демак, конфликтли вазиятни туғдирувчи ҳолатларни бартараф этиш конфликтнинг пайдо бўлишига йўл қўймайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жамият ҳаётининг барча соҳаларини чуқур қамраб олиб,

давлатимизни ривожланган мамлакатлар сафидан тезроқ ўз муносиб ўрнини эгаллашига хизмат қилмоқда. Миллий мафкура мустақил давлатнинг асосий маънавий пойдеворларидан ҳисобланади. Мафкурасиз ҳеч бир давлат барқарор ривожланиш хусусиятига эга бўла олмайди. Миллий мафкурамиз эса бирор-бир сиёсий партия, ёхуд ижтимоий ҳаракатларнинг эмас, балки умумхалқ манфаатларини ифодалаши жуда муҳимдир. Ушбу мафкуранинг мазмун ва моҳияти миллатимизнинг ўзига хос бўлган тафаккур тарзига мос келиши унинг реал ҳаётдан ажралмаслигини таъминлайди.

Миллий истиқлол ғояси миллий-маънавий ҳодиса сифатида ҳар бир халқ, миллатнинг маънавий-руҳий, тарихий, маданий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётидаги хусусиятлари билан боғлиқ бўлган маънавий ҳодисадир. Миллий истиқлол ғояси умумбашарий негизга эга бўлиб ундан ҳам озиқланади. Миллий истиқлол ғояси аجدодларимизнинг миллий-маданий меросига таянган ҳолда мамлакатимизда яшайдиган турли халқлар манфаатларининг муштараклигини таъминлашни асосий мақсад қилиб қўйди. Шунини таъкидлаш жоизки, одамларнинг онги ва турмушига узоқ йиллар мобайнида, кўпинча зўравонлик йўли билан сингдирилган нарсаларни бир зумда ўзгартириш мумкин эмас.

Миллий мафкура ҳар қандай тажаввузкор миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман, жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор бўла олиши лозим.

Миллий ғоянинг халқ ишончи ва эътиқодига айланиши уларнинг ижтимоий фаолият йўналишларига қараб қуйидагича туркумлаш мумкин: а). Оилавий муносабатлар; б). Маҳалладаги муносабатлар; в). Меҳнат жамоаларидаги муносабатлар; г). Таълим-тарбия жараёнидаги муносабатлар. Президентимиз И.Каримовнинг таъкидлашича, "...турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос мақсадларини уйғунлаштирувчи ғоя- юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати-барчамиз учун бирдек муқаддас бўлиши шарт"<sup>1</sup>.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти йилларида шу нарса аниқ исботини топдики, озод ва фаровон ҳаётни барпо этишнинг асосий омилларидан бири-барқарорликдир. Охириги йилларда жаҳон ҳамжамиятида барқарор ривожланиш концепцияси кенг оммалашмоқда. Мутахассисларнинг орасида барқарорлик деганда демократик тузилмаларнинг тез ўзгарувчан ижтимоий жараёнларга нисбатан акс-таъсир кўрсата олиш қобилияти тушунилади. Бунда барқарорлик демократиянинг вазифаси деб қаралади, у кишиларнинг фуқаролик жамияти институтлари воситасида давлатни бошқаришдаги иштирокини ҳам ўз ичига қамраб олиши зарур.

Эркин иқтисодий фаолиятга асосланган бозор иқтисодиёти учун хос бўлган эркин ва соғлом рақобат муҳитида ўрта мулкдорлар қатлам шаклланиб боради.

---

<sup>1</sup>Каримов И.А Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт- пировард мақсадимиз.8-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2000, 341-342-б.

Бу эса, ўз навбатида, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришнинг социал негизи ҳисобланади. Ўрта ижтимоий қатлам-бу ўз шахсий мулки, яъни турар жойлари, шахсий транспорт воситаларига эга бўлган, ўз оиласининг ҳаётини муносиб тарзда таъминлай оладиган, ўзининг ва оила аъзоларининг фундаментал эҳтиёжларини (таълим олиш, дам олиш, сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш) қондириш учун етарли моддий имкониятлари мавжуд бўлган, маънавий ҳаёти мазмунли бўлган ва энг муҳими-бу имкониятни ўз иш ҳаққи ва даромадлари эвазига таъминлай оладиган ҳамда фаол равишда жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этадиган фуқаролардир.

Жамиятда турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини уйғунлаштириш, фуқаролар бирдамлигини таъминлаш асосида умумий фаровонликни ўрнатишнинг энг синалган воситаларидан бири ҳам жамиятда ўрта қатламни шакллантириш эканлигини кўрсатади.

### **Назорат саволлари:**

1. Социал муносабатларнинг турларини кўрсатинг.
2. Социал бирдамлик ва кооперация атамаларни тушунтиринг.
3. Ижтимоий-синфий муносабатларни изоҳланг.
4. Бегоналашувнинг турлари ва сабабларини қисқача изоҳланг.
5. Миллий мафкура ижтимоий бирдамликнинг муҳим омили эканлиги.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
2. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat -. Engilmas kuch - Toshkent: Ma'naviyan, 2008.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза (2010 йил 27 январь) / Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
4. Социология //Ўқув қўлланма. Убайдуллаева Р.А., Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ.. - Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2002.
5. Социология. Маърузалар курси. Алиқориев Н.С, Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б., ва бошқ. - Тошкент, 2001
6. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шахри. - Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993.
7. Гидденс Э. Социология. - Тошкент, 2002
8. Холбеков А.Ж., Идилов У.Ю. Социология: изоҳли луғат- маълумотнома. - Тошкент: Ибн-Сино номидаги нашриёт, 1999.

## **8-мавзу. Ижтимоий тараққиёт социологияси**

**Режа:**

**1.Социологияда ижтимоий тараққиёт тушунчаси.**

**2.Ижтимоий прогресс муаммолари.**

**3.Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократиялаштириш жараёнларининг ўзига хослиги.**

**4.Ўзбекистон ижтимоий-маданий хусусиятларининг ижтимоий-иқтисодий таназулларга қарши чора-тадбирларини ишлаб чиқишдаги аҳамияти.**

Инсоният ер юзида салкам ярим миллион йилдан буён мавжуддир. Ўтроқ ҳаёт кечиришнинг асоси бўлган деҳқончилик пайдо бўлганидан буён фақат ўн икки минг йилга яқин вақт ўтди. Маданий ҳаёт тарихи бошланганига олти минг йилдан кўп вақт ўтмаган, деб ҳисобланади.

Ҳозирги замон турмуш тарзи ва ижтимоий институтлар ҳатто энг яқин давр олиб қаралганда ҳам ундаги ҳаётдан тубдан фарқ қилади. Қандайдир икк-уч аср мобайнида-бир вақт тарих учун бир дақиқа-инсоният ўз ҳаётини неча минг йиллар мобайнида белгилаб келган ижтимоий тартибларни тугатишга муваффақ бўлди. Сўнгги ярим аср мобайнида ва ХХІ аср бошларида ҳам ўзгаришлар суръати сусаймади, Ҳатто, аксинча, анча тезлашиб кетди ҳамда бизнинг авлодимиз истиқболи илгари ўтган барча авлодларнинг аҳволидан кўра анча яхшироқ даражага етди. Илгари ўтган авлодларнинг яшаш шароитлари анча хавфли эди, одамлар ҳаётига ҳар доим очлик, касаллик, табиий офатлар хавф солиб турган. Бугунги кунда саноати ривожланган мамлакатларда инсон бундай хавф-хатардан амалда тўла ҳимоя қилинган. Бизнинг келажагимизга нисбатан ғам-ташвишларимиз бошқачароқдир. Бу ташвишлар-бизнинг ўзимиз эрк бериб қўйган ижтимоий кучлар вужудга келтирган хавф-хатардир.

Ижтимоий ўзгаришларга қандай таъриф бериш мумкин? Маълум маънода ҳамма нарса ҳар доим ўзгариб туради. Инсон ҳаёти ҳам доимо ўзгаради. Содир бўлаётган ўзгаришни аниқ англаш учун мазкур объект ва вазият муайян вақт ичида қандай ўзгарганлиги, унинг тузилиши нақадар ўзгарганлигини белгилаб олиш зарур. Агар гап инсоният жамияти тўғрисида борадиган бўлса, тузум ўзгаришлар жараёнига қай даража ва қай тахлитда дуч келганлиги масаласини ҳал қилиш учун муайян бир давр мобайнида мавжуд бўлган асосий институтларнинг модификация даражаси қандай бўлганлигини аниқлаб олиш лозим. Ҳар қандай ўзгаришларни ҳисобга олиш, шунингдек, бу ўзгаришларда барқарор бўлиб қоладиган ҳолатларни алоҳида ажратиб кўрсатишни тақозо этади, чунки бу мазкур жараённинг асоси ҳисобланиб, унинг фонида ўша ўзгаришлар аниқлаб олинади. Бугунги шиддат билан яшаётган дунёда ҳам ўз илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақаладиган ҳодисалар мавжуд. Масалан, ислом дини ҳозир ҳам муқаддам пайдо бўлган ғоялар ва амалиётларга асосланади.

Инсоният тарихи давомида содир бўлган ўзгаришларнинг умумий механизмларини англаб етиш учун фойдаланилган назарий моделлар ичида

Ўзининг муҳимлиги ва аҳамияти жиҳатидан иккита модел кўпроқ даражада ажралиб туради. Биринчиси-бу ижтимоий эволюционизм бўлиб, бунда биологик ўзгаришлар билан ижтимоий ўзгаришлар ўртасида алоқа ўрнатишга интилиш йўли билан ёндашув муҳим ўрин эгаллайди. Иккинчиси-тарихий материализм концепцияси бўлиб, бу назария Маркс таълимотига бориб тақалади, ушбу концепция кейинчалик кўпчилик бошқа муаллифлар томонидан ривожлантирилган ва қўшимчалар киритилган.

Социал эволюцион назария тарихий жараёни Космос эволюцияси, Ер ва маданиятнинг тўхтовсиз эволюциясининг таркибий қисми сифатида илмий-фалсафий таҳлил қилишга интилади. Социал эволюцион назария инглиз социологи Г.Спенсернинг қарашларида кўпроқ ўз аксини топган. Унинг фикрича, шарт-шароит ва ташқи таъсир туфайли турли элементларда ўзгариш бўлиб, табақаланишга олиб келади. Социал эволюция универсал эволюциянинг бир қисмидир.

Барча ижтимоий ўзгаришларга оид эволюцион концепциялар очик-ойдин кўриниб турган битта фактдан келиб чиқади. Бутун тарих давомида учрайдиган инсоният жамиятларининг ҳар хил типларини солиштириб, қиёслаб кўриладиган бўлса, у ҳолда шу нарса аниқ бўладики, бу соҳада тобора юксалиб борадиган, мураккаблик томон ўсиб борадиган умумий бир ҳаракат содир бўлади. Масалан, овчилар жамиятлари деҳқончилик жамиятларига қараганда соддароқ тузилишга эга бўлган. Анъанавий жамиятлар бундан-да мураккаблашди. Саноатлашган жамиятларда махсус институтлар ва ташкилотлар сони ҳаддан ташқари кўпайиб кетди.

XIX асрда вужудга келган дастлабки ижтимоий эволюцион назарияларда эволюционизм кўпинча прогресс-тараққиёт билан, яъни жамиятнинг маънавий жиҳатдан анча такомиллашган шаклдаги ҳаракати билан боғлаб тушунтирилган. XIX-XX асрлар чегарасида айниқса кенг тарқалган мазкур йўналишдаги вариантлардан бири ижтимоий дарвинизм эди. Ижтимоий дарвинизм Чарльз Дарвиннинг биологик эволюцияга бағишланган асарлари таъсири остида вужудга келган. Мазкур назарияда таъкидланишича, инсоният жамиятлари ўртасида ҳам худди биологик организмлар ўртасида бўлгани сингари яшаш учун кураш бўлади. Бу концепция, Ғарб давлатларининг, оқ танлиларнинг қора танлилар устидан устунлигини тасдиқлашга ҳаракат қилди. Бу ҳол ҳозирги замон антропология фани вужудга келгунча давом этди. Бу фан биринчи марта одамзод маданиятларининг ғоят хилма-хиллигини, унинг ранг-баранглигини намоиш қилиб кўрсатди ва бу билан ижтимоий дарвинизм асосини ташкил этган европача дунёқарашга барҳам берилди. 1920 йилларга келиб ижтимоий дарвинизм бутунлай ўз нуфузини йўқотди.

Талкотт Парсонс томонидан ривожлантирилган эволюция назарияси замонамизнинг энг таъсирчан назарияларидан бири ҳисобланади. У ижтимоий эволюцияни биологик эволюциянинг кенгайиб бориши деб таърифлашни таклиф этади, холбуки амалий жиҳатдан қараганда, бу икки эволюциянинг механизмлари турличадир. Мана шу эволюцияларнинг ҳар иккала типини бирга қўшиб эволюцион универсаллар деб аталадиган

атамалар тарзида тушуниш мумкин, яъни бунда тараққиётнинг шундай типлари англашиладики, улар бир неча ҳолларда бир-бирига боғлиқ бўлмаган шароитда мавжуд бўлиши аниқланади ҳамда ўзининг ҳаётийлик даражасини анча ошириб юборади. “Ҳар қандай инсоний маданиятда, деб таъкидлайди Парсонс, коммуникация асосий аҳамият касб этади”. Шундай қилиб, тил-бу бирламчи ва энг муҳим эволюцион универсалия бўлади; биз ҳали тилга эга бўлмаган одамлар жамиятини билмаймиз. Ижтимоий ҳаётнинг энг олдинги, ҳатто илк шаклларида ҳам мавжуд бўлган яна уч универсалия бўлиб, булар дин, қариндошлик муносабатлари ва технологиялардан иборатдир. Мана шу тўртта универсалия инсоният жамияти учун шу қадар муҳим аспектлар орқали бир-бири билан боғлиқки, бусиз ҳеч қандай эволюция жараёнининг бўлиши мумкин эмас.

Ижтимоий эволюциянинг энг қуйи босқичида бўлган маданиятни мисол тариқасида келтирган Парсонс Австралия аборигенлари қабиласини қараб чиқади. Ушбу жамиятлар бутунлай қариндош-уруғчилик муносабатларига асосланган ҳолда тузилган бўлиб, улар, ўз навбатида, диний қарашларни ифода этади, шунингдек, улар хўжалик фаолияти орқали бир-бирига боғлиқ бўлади. Мазкур жамиятларда индивидларнинг шахсий мулклари жуда оз миқдорда бўлган; қабила дохийларининг институти қандайдир фарқли бир шаклда мавжуд бўлмаган; уларда ишлаб чиқариш ҳам бўлмаган, чунки, яшаш учун зарур бўлган неъматларни овчилик ва теримчиликдан топганлар.

Эволюциянинг шундан кейинги босқичи-бу “ривожланган қадимги жамият” даражасидир. Ушбу типдаги эгалитар муносабатлар ўрнига стратификация тизими келади, бунда жамиятнинг синфий бўлиниши билан бир қаторда яна этник жиҳатдан бўлиниш ҳам мавжуд бўлади. Қадимги ривожланган жамиятларда алоҳида ишлаб чиқариш тизими вужудга келиб, у чорвачиликка ёки деҳқончиликка, шунингдек, доимий яшаш жойи-ўтроқликка асосланган бўлади. Дин ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларидан ажралиб чиқа бошлайди ҳамда диний раҳбарлик махсус ижтимоий гуруҳлар-руҳонийлар ёки қоҳинлар қўлига ўтади. Мана шундай тартиб билан ҳаракат қилиб борилганда, Парсонс фикрича, “оралиқ жамиятлар” деб атаган жамиятларга дуч келиш мумкин. У ушбу термин билан кўпчилик муаллифлар маърифатли жамият деб атайдиган жамиятларни ёки қадимги Миср, Рим, ва Хитой сингари анъанавий давлатларни атайди. Бундай жамиятлар бир-бири билан ёзув ва саводхонлик юзага келгани туфайли ўзаро алоқада бўлганлар. Дин янада мураккаблашиб, систематик технологиянинг ривожланишига олиб келади ҳамда у энди сиёсий, иқтисодий ва оилавий муносабатлардан ажралиб, ўзича мутлақо мустақил бўлган алоҳида куч сифатида майдонга чиқади. Сиёсий раҳбарлик қилиш давлат маъмурияти шаклини олади.

Саноатлашган жамиятлар Парсонс эволюцион схемасида юқори босқични эгаллайди. Улар оралиқ типдаги жамиятларга қараганда ғоят кўпроқ даражада табақалаштирилган бўлади. Улардаги сиёсий ва иқтисодий тизимлар бир-биридан, шунингдек, қонун чиқарувчи тизимдан ва диндан қатъий равишда ажратиб қўйилган. Оммавий демократиянинг пайдо бўлиши бутун аҳолини сиёсий жараёнда иштирок этиши учун имконият яратиб

беради. Саноатлашган жамиятлар каттароқ ҳудудий яхлитликка эга бўладилар ва бир-бирларидан аниқ чегаралар билан ажралиб турадилар.

Ижтимоий ўзгаришларга таъсир этиши мумкин бўлган омилларнинг асосий типларини учта гуруҳга: жисмоний муҳит, сиёсий ташкилот ва маданий омиллар деган гуруҳларга жамлаш мумкин. Жисмоний муҳит инсоният жамиятидаги ижтимоий ташкилотларнинг тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу фавқулотда мураккаб ҳолатларда, хусусан, одамларнинг ҳаёти иқлим шароитларига боғлиқ бўлиб қолганида кўпроқ сезилади. Қутб минтақаларида яшовчиларнинг одатлари ва турмуш тарзи ҳеч шубҳасиз субтропик иқлим аҳолисининг одатлари ва турмуш шароитидан фарқ қилади. Унчалик хавфли бўлмаган жисмоний шарт-шароитлар ҳам кўпинча жамиятга ўз таъсирини ўтказди. Масалан, Австралияда овчилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар, чунки бу ерда ўстириш учун яроқли ўсимлик ва боқиш учун ҳайвон бўлмаган(дарё дельталари, денгиз йўллари, чўл-саҳролар, чакалак-чангалзорлар). Аммо, барибир, табиий муҳитнинг ижтимоий ўзгаришларга кўрсатадиган таъсири унчалик катта эмас. Табиий муҳит билан мазкур жамиятдаги ишлаб чиқариш тизимининг типи ўртасида бевосита алоқа мавжуд бўлмайди.

Ижтимоий ўзгаришларга сезиларли таъсир кўрсатадиган яна бир омил-бу сиёсий ташкилотларнинг характери. Овчилар ва теримчиларнинг қабилаларида бундай омилнинг таъсири жуда оз бўлган. Бошқа ҳолларда, ижтимоий тузумнинг қолган типларида ҳар хил сиёсий органлар-дохийлар, кироолар, ҳукуматлар ва ҳоказоларнинг мавжудлиги-ижтимоий тараққиёт йўналишига сезиларли таъсир кўрсатиб келган. Ижтимоий ўзгаришларга сиёсий таъсир кўрсатадиган муҳим омиллардан яна бири ҳарбий кучдир. Кўпчилик анъанавий давлатларнинг вужудга келишида айнан мана шу ҳарбий куч асосий роль ўйнаган. Бироқ, жамиятнинг ишлаб чиқариш даражаси билан унинг ҳарбий кучи ўртасидаги алоқалар ҳар ҳолда бевосита алоқа ҳисобланмаган.

Маданий омиллар қаторига, дин, тафаккур услуби ва онг киради. М.Вебернинг фикрига кўра, диний эътиқодлар кўпинча жамиятда ўзгаришлар яратиш учун сафарбар этишга ёрдам бериб келган. Ўзгаришлар характери ва уларнинг суръатига таъсир кўрсатувчи маданий омил ичида коммуникациялар тизимининг табиати алоҳида муҳим аҳамиятга моликдир. Жумладан, ёзувнинг ихтиро этилиши бир йўла бир неча жабҳадаги ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатди (ишларни ёзиб бориш, ҳисоб-китобни амалга ошириш, ижтимоий ташкилотларнинг вужудга келиши, воқеаларни қайд қилиш”, тараққиёт йўли”ни сезиш).

Инсоният тарихи давомида содир бўлган ўзгаришларнинг умумий механизмларини англаб етиш учун фойдаланилган назарий моделлар ичида ўзининг муҳимлиги ва аҳамияти жиҳатидан иккита модел кўпроқ ажралиб туради. Кейинги 200 ёки 300 йиллик вақт давомида дунёда энг муҳим ўзгаришларнинг сабабчиси инқилоблар бўлди. 1776 йилдаги Америка инқилоби ва 1789 йилдаги француз инқилоби ХУШ асрдаги энг муҳим инқилоблар эди. Уларнинг етакчилари томонидан баён қилинган баъзи

ғоялар кейинчалик улкан аҳамиятга эга бўлди. Улар мақсад қилиб қўйган эркинлик, фуқаролик ҳуқуқлари ва тенглик идеаллари ҳозирги замон сиёсатининг фундаментал қадриятларига айланди. Инқилоб атамаси ҳозирги маъносида демократия атамаси билан бир пайтда қўлланила бошланди. Бу атама Америка ва Франциядаги курашлар дунё мутлақо янги даврга ўтганини маълум қилмагунча кенг муомалада бўлмади. У пайтларда “инқилоб” ҳали ўзининг эски маъносида қўлланилар, яъни “доира бўйлаб ҳаракат” (revolve) (ингл. - айланмоқ)ни билдиради. Америкалик ва франциялик етакчилар ҳақиқатдан ҳам табиий ҳолатга “қайтаётганларига” ишонган эдилар. Улар барча одамлар эркин ва тенг бўлиб туғиладилар, бироқ кейинчалик улар кирооллар ва бошқа сохта ҳукмдорлар зулми остида тушиб қоладилар; инқилоб-бахтли табиий ҳолатни тиклаш воситасидир, деб ишонардилар. Демак, Америка ва Франция инқилобларининг ўта наваторлик хусусияти ҳатто уларни амалга оширишда энг муҳим ролларни ўйнаган одамлар учун ҳам унчалик равшан эмасди. Кейинчалик инқилоб деганда радикал ижтимоий қайта қуришлар мақсадида амалга ошириладиган оммавий ҳаракатлар тушунила бошланди. Сўнгги амалга оширилган инқилобларнинг баъзилари жамиятнинг олдинги шакллари тиклашни мақсад қилиб қўйган бўлса ҳам (Масалан, Эрон ислом инқилоби) инқилоб тушунчаси асосан прогрессни, келажак олам тартиби учун ўтмиш билан хайрлашиш маъносида қўлланила бошланди.

XX асрдаги деярли барча инқилоблар ривожланаётган мамлакатларда юз берди. Жорий асрдаги инқилоблар ичида бутун дунё учун энг чуқур оқибатларга олиб келганлари 1917 йилдаги рус ва 1949 йилдаги Хитой инқилоби бўлди. Бу инқилобларнинг ҳар иккиси ҳам қишлоқ хўжалик, деҳқонлар мамлакатада юз берди. Бу асрда инқилоблар бошқа кўп мамлакатларда ҳам, жумладан Мексика, Туркия, Миср, Вьетнам, Куба ва Никарагуада бўлиб ўтди.

Чалмерс Джонсон концепцияси Талкотт Парсонсдан олинган тушунчаларга асосланади. Парсонс фикрига кўра, жамиятлар ўз-ўзини тартибга солувчи тизимлардир. Джонсон назариясига биноан жамиятдаги мувозанатнинг бузилиши инқилоб юз бериши учун зарурий шарт ҳисобланади. Джонсон фикрига кўра мувозанатсизликка олиб келадиган асосий манба жамиятнинг маданий қадриятлари ва иқтисодий ишлаб чиқариш тизими ўртасидаги номувофиқликдир. Бу эса ё ички ўзгаришлар натижасида, ёки кучли ташқи таъсир оқибатида юз бериши мумкин, бироқ одатда бу икки омил биргаликда таъсир кўрсатади. Масалан XIX аср охири ва XX аср бошларида Хитойда анъанавий маданий қадриятлар Ғарб тижорати олиб келган иқтисодий тизимдаги ўзгаришлар туфайли борган сари кўпроқ босимга учраётган эди.

Ўзбекистонда демократик, адолатли, фуқаролик жамияти қуриш учун тадрижий-эволюцион йўл танланди. Ҳозирги Ўзбекистоннинг ривожланиши учун бундай эволюцион ривожланиш концепцияси Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган. Бу концепциянинг ҳаққонийлигини ва илмийлигини ҳозирги даврда малакатимизда амалга

оширилаётган иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислохотлар яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбекистонда ўтган давр мобайнида давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар жуда муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимият бўлиниши конституциявий тамойилини ҳаётга тадбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш борасида ғоят долзарб чора-тадбирлар кўришга қаратилди. Президентимиз “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”(1999 й.) номли асарида мамлакатимизнинг янги асрдаги тараққиёти учун олтита устувор йўналишни белгилаб берар экан, аввало сиёсий, иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштиришни биринчи устувор вазифа қилиб қўйган эди. Бунда сиёсий соҳани эркинлаштириш билан бирга давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда асосий эътибор қуйидаги масалаларга қаратилган эди:

1. Ҳокимият барча тармоқларининг мустақил фаолиятини таъминлаш;
2. Нодавлат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамиятини босқичма-босқич эркинлаштириш. Бунда “Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари” концепцияси белгилаб берилди.

Бу масалаларни бевосита амалиётга тадбиқ этиш учун “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз”(2000 й.) рисоласида ҳам еттита устувор вазифадан биринчи ва иккинчи вазифа қилиб сиёсий соҳадаги қуйидаги масалалар белгилаб берилди:

### **1.Сиёсий соҳада:**

- 1). Сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш;
- 2) Кўппартиявийлик муҳитини таъминлаш;
- 3) Нодавлат тузилмалари, фуқаролик жамиятини қарор топтириш;
- 4) Фикрлар хилма-хиллигига эришиш, оммавий ахборот воситаларини том маънода “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтариш;
- 5) Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, одамлар онгида демократик кадриятларни қарор топтириш;

### **2.Давлат қурилиши ва бошқарув соҳасида:**

- 1).Ҳокимият органларининг конституциявий асосда бўлишини таъминлаш;
- 2).Маъмурий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш;
- 3).Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, янгилаш тизимини такомиллаштириш.

Марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тизимлари ва маъмурий органларнинг ваколатларини бозор тамойилларига мувофиқлаштириш ва пировард натижада давлатнинг иқтисодиётни

бошқаришдаги ролини жиддий камайтириш кўзда тутилган эди. Президентимиз И.А.Каримов томонидан кейинги ўтган йиллар давомида, яъни 2000 йилдан кейинги даврда бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисmini республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масаласига катта аҳамият берилди. Маҳалла деганимизда, авваламбор, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган ва ривожлантирадиган, шу билан бирга, келажак авлодлар қандай бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи, ҳаёт мактабини тасаввур этамиз.

**Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг демократик тамойиллари қуйидагилардан иборат:**

1. Демократия, ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги тамойили;
2. Ворислик тамойили;
3. Ижтимоий муносабатларни демократлаштириш;
4. Юксак маънавият тамойили;
5. Маҳалла хавфсизлигини таъминлаш тамойили;
6. Фуқаро йиғини раиси(оқсоқоли) ва маслаҳатчиларининг ўз масъулиятини ҳис қилиш тамойили;
7. Ижтимоий ҳимоя, ижтимоий адолат, ижтимоий кафолат тамойили(жамоатчилик ва ўзаро ёрдам);
8. Кенгаш, машварат(маслаҳатлашиш) тамойили;
9. Инсонпарварлик;
10. Мустақиллик ва ҳ.к.

Маҳалла бошқаруви давлат ҳокимияти органлари билан чамбарчас боғлиқдир.

**Ҳокимият**- бу кишилар, ижтимоий гуруҳлар ҳамда синфларнинг фаолиятига, ҳуқ-атвориға, ҳаракатларига, иқтисодий, сиёсий, ғоявий, ижтимоий механизмлар, шунингдек, куч ишлатиш, зўрлик қилиш, ишонтириш қобилиятлари билан таъсир этувчи фаолиятнинг алоҳида шаклидир.

**Давлат ҳокимияти** (давлат аппарати) бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган муайян тузилмага бирлашган давлат ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органларининг тизимидир.

**Президентлик институти ва унинг шаклланиши.** Президент сўзи латинча бўлиб “олдинда ўтирувчи” деган маънони билдиради. Ўзбекистон тарихида президентлик бошқаруви биринчи бор 1990 йил 24 мартда таъсис этилди. Мустақиллик йилларида президентлик институти тўла шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг илгари эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозимининг тугатилиши давлат ҳокимияти ва бошқарувини либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократлаштириш соҳасида мамлакатимизда икки палатали парламентнинг барпо этилиши натижасида Президент ваколат муддатининг ўзгартирилганлиги туфайли унга тегишли

айрим ваколатлар Сенат ва Бош вазирга ўтказилди. 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгилайдиган норма чиқариб ташланди, давлат бошқарувида сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга оид, яъни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларига ҳукумат дастурларига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмаган тақдирда ўзини муҳолифат деб эълон қилиши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

**Қонун чиқарувчи ҳокимият(Парламент).** Ўзбекистонда бундай ҳокимият Олий Мажлис деб номланди. Ўзбекистонда Олий Мажлис айтилган пайтда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва вакиллик органи ҳисобланади, унинг таркибидаги депутатлар халқ манфаатларини ифодалайди. Аслида парламент французча “parler” – гапирмоқ сўзидан келиб чиққан бўлиб, расмий сўзлашиш жойи маъносини англатади. Парламент давлатнинг олий вакиллик органи ҳисобланади ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Парламент қонун бўйича белгиланган сондаги депутатлардан иборат бўлиб, ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида белгиланган ёшга тўлган фуқаролардан сайланади. Парламентаризм тажрибаси шуни кўрсатадики, парламент бир палатали ва икки палатали бўлиши мумкин.

**Ижро этувчи ҳокимият(Вазирлар Маҳкамаси).** Ижроия ҳокимият-давлат ҳокимиятининг уч асосий тармоқларидан биридир. Қонунлар рўйбга чиқарилиши учун шарт-шароитларни таъминлаш ижро этувчи органларнинг асосий вазифасидир.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичи глобаллашув жараёнларининг жадал ривожланиши орқали тавсифланади. Глобаллашув жараёнларининг кенгайиши жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада такомиллашувига олиб келади. Бироқ, глобаллашув жараёнини мутлақлаштириш ва унга бир томонлама қараш тўғри бўлмайди. Чунки, мазкур жараён ўзининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда зиддиятли томонларига ҳам эгадир. Жаҳоннинг бир мамлакатига рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши шулардан бири ҳисобланиб, бугунги кунда рўй бераётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг оқибати ҳисобланади. Шу ўринда, жаҳон молиявий инқирозининг юзага келишида асосий сабаб-молиявий ресурслар билан реал ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги муттаносибликнинг кескин бузулиши эканлигини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирининг жиддий бўлмаганлигини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

-маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлининг танланганлиги;

-давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини аниқ белгилаб олинганлиги;

-Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхона ва тармоқларининг барқарор ва узликсиз ишлашнинг таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги;

-оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилганлиги;

-аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги;

-давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлик барқарор ва ишончли экани, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучлилиги билан изоҳланади. Мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигининг аҳоли фаровонлигига таъсирини ҳар томонлама ва жиддий баҳолаган И.А.Каримов “мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг устувор йўналиши бўлиб қолади”, деб белгилаб берди. Президентимиз ўз асарларида Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари-белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб, мазкур чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб берди.

Биринчидан- корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш;

Иккинчидан-жорий конъюктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорда рақобатбардош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш;

Учинчидан-қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш.

Тўртинчидан-электротехника тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш;

Бешинчидан-жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Юқорида кўриб чиқилган асосий вазифаларнинг изчил ва оғишмай бажарилиши пировардида мамлакатимиз иқтисодиётининг янада барқарор ва юқори суръатлардаги ўсиши ҳамда жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирларини камайтиришга имкон яратди.

**Назорат саволлари:**

1. Социал тараққиётнинг турларини кўрсатинг.
2. Социал ҳаракатчанликнинг асосий шакллари.
3. Ўзбекистоннинг социал ўсиш ҳолатларини баён этинг.
4. Маънавий ўсишнинг манбаларини изоҳланг.
5. Ўзбекистоннинг тараққиёт йўналишларини изоҳланг.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
2. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat -. Engilmas kuch - Toshkent: Ma'naviyan, 2008.
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
5. Социология //Ўқув қўлланма. Убайдуллаева Р.А., Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ.. - Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2002.
6. Социология. Маърузалар курси. Алиқориев Н.С, Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б., ва бошқ. - Тошкент, 2001
7. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шахри. - Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993.
8. Saitxodjayiv H.B. Sotsiologiya. Ma ruzalar kursi. -Тошкент: Академия, 2008.
9. Холбеков А.Ж., Идилов У.Ю. Социология: изоҳли луғат- маълумотнома. - Тошкент: Ибн-Сино номидаги нашриёт, 1999.
10. Холбеков. А.Ж. Бошқарув социологияси (ўқув қўлланма). -Тошкент: Akademiya, 2007.

### **9-мавзу. Эмпирик социологик тадқиқот ва унинг методлари**

#### **Режа:**

1. Социологик тадқиқот дастури назарий асослари.
2. Социологик тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш усуллари.
3. Эмпирик маълумотларни таҳлил этиш ва қайта ишлаш усуллари.
4. Социологик тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

Социологик тадқиқотлар бўлажак изланишларнинг илмий асосланган режа ва дастурини тайёрлашдан бошланади. Дастур ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиққан ва илмий-назарий жиҳатдан пухта ишланган бўлиши лозим. Зеро, тадқиқот натижалари қандай бўлиши ана шу омилларга бевосита боғлиқдир.

Дастур бўлажак тадқиқот материалларини тўплаш, қайта ишлаш ва маълумотларни таҳлил қилишни ўз ичига олади. Дастур тадқиқ этилувчи ижтимоий муаммо моҳиятини аниқлаш, тадқиқот объекти ва предметини белгилаш, мақсад ва вазифаларни характерлаб бериш, иш фарази (илмий

тахмин)ни белгилаш, усуллари аниқлаш, маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш тарзини чизиб олиш каби қисмларни ўзида мужассамлаштиради. Шундай қилиб, дастур, асосан икки катта бўлим, яъни-назарий методологик ва амалий-услубий бўлимлардан иборатдир.

**Назарий-метадологик** бўлим мавзу танлаш, тадқиқот объектини характерлаш, мақсад ва вазифалар, фарз ҳамда предметни аниқлаш каби қисмларни ўз ичига олса, **амалий-услубий** бўлим маълумотларни тўплаш усуллари баён этиш, йиғилган материалларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тавсиялар тайёрлаш сингари амалий фаолиятларни мужассамлаштиради.

Дастурни ишлаб чиқиш жараёнида икки асосий талабга риоя қилиш муҳимдир. Биринчидан, ишлаб чиқилган назарий умумлашмалардан реал тадқиқот жараёнларига ўта билиш ва иккинчидан, олинган натижалар, фактлар, йиғилган эмпирик материаллардан назарий умумлашмаларга, илмга қайта билиш, кўникмаларига эга бўлиш ана шу талаблар мазмунидир.

Дастур мазмунида жамиятда турли таъсирлар оқибатида юзага чиқувчи ижтимоий муаммоли вазиятлар аниқ ифода этилмоғи лозим. Илмий муаммонинг қўйилиши муайян соҳа амал қилаётган билимлар ҳамда амалий андозалар доирасидан қоникмаслик, бу билимлар чегарасини кенгайтириш демакдир. Социологик тадқиқотлар икки йўналишда: ижтимоий буюртма ва шахсан социологнинг ташаббуси асосида амалга оширилиши мумкин. Аммо социологнинг шахсий ташаббуси ҳам реал ҳаёт муаммолари асосига қурилиши шартдир.

Социологик тадқиқотларда илмий мақсад муҳим аҳамият касб этиб, тадқиқотларнинг назарий ёки амалий йўналишларда бўлишини кўрсатувчи мўлжал вазифасини ўтайди. Мақсаднинг амалга оширилиш жараёнида тадқиқотчи уч анъанавий вазифани бажаришни ўз олдига қўяди. Аввало мавзунини илмий-назарий жиҳатдан атрофлича тадқиқ этиш, иккинчидан, бу илмий-амалий мавзунинг бошқа илм ва ҳаёт жабҳалари билан нечоғлик боғлиқлиги, уларга таъсири масалаларини ўрганиш ва ниҳоят, учинчидан, ижтимоий зиддиятчи ҳолатлардан чиқишнинг мантиқли асосланган йўллари аниқлаб беришдан иборатдир.

Социологик тадқиқотлар илмий атамалари ва тушунчалари қаторида **объект ва предмет** тушунчаларига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Тадқиқотчи ижтимоий муаммо вазиятини самарали ҳал этиши учун объект ва предметни тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Объект одатда мустақил тушунча сифатида тадқиқотчи илмий-амалий фаолиятларининг умумий сарҳадларини ифода қилади. Предмет эса тадқиқотчи томонидан муайян шаклга солинади ва махсус тадқиқот кўлами сифатида ўрганилади. Объект предметдан маъно доираси жиҳатидан анча кенг, предмет объектнинг ҳосиласидир. Зеро, биргина объект замирида бир неча алоҳида тадқиқот предметларини ажратиш олиб ўрганиш мумкин.

Дастурда комплекс социологик тадқиқот натижаларини қўлга киритиш, ўрганилаётган объект ва предмет хусусиятларини аниқлаш мақсадларида социологик тадқиқотлар инструментарийсига алоҳида тўхталиб ўтиш лозимдир. Социологик тадқиқотлар инструментарийси деганда социологик тадқиқотлар ўтказиш учун зарур бўлган методик ва техник усуллар

йиғиндисини эътиборга олиш керак. Бу йиғинди ёки умумлашма замирига дастлаб бирламчи маълумотларни тўплаш, яъни кузатиш усулини амалга ошириш учун зарур бўлган кўрсатма ва қоидаларни ишлаб чиқиш, ҳужжатларни таҳлил этиш, сўров қоғозларини тартибга солиш, ёзма манбаларни қўлда ёки машина ёрдамида санаш, таҳлил этиш, умумлаштиришга тайёрлаш босқичи ҳамда табиий тадқиқотни амалга ошириш учун тадқиқот ўтказишга мутасадди раҳбарлар, илмий-техник ходимларни муайян тайёргарликдан ўтказиш босқичлари киради. Бу эса ўз навбатида тадқиқот ишини илмий асослаган тартибда ҳаққоний ва ишонарли ўтказиш имконини беради.

Тадқиқот дастурини тузганда ягона тушунчалар аппаратида бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот бир эмас, бир нечта тадқиқотчи томонидан амалга оширилиши эътиборга олинган бўлса, бу тушунчалар аппаратидаги атамалар ҳажми тадқиқотчилар томонидан бир хил тушунилиши, ҳар хил изоҳлар беришга уриниш ҳолларига йўл қўйилмаслиги лозим. Дастурда тушунчалар моҳияти илмий асосланган тарзда объектив ва тўла очилиши зарур.

Дастурда *концептуал* ҳамда *операционал* моделлар ҳам ўзининг батафсил ифодасини топган бўлиши лозим. Концептуал модель категорияси мантикий асосга (мантикий тузилишга эга) қурилган, тадқиқот мақсадини юзага чиқаришга имкон берувчи назариядир. Операционал қоидалар даставвал мантикий процедура бўлиб, назарий маъноларнинг эмпирик жиҳатдан тушунилишини қайд этади ва кўрсатиб беради.

Юқоридаги тушунчалар мазмунининг атрофлича очиб берилиши дастур гипотезасини тузиш учун кенг йўл очилишига имкон яратади. Социологик тадқиқотларда илмий фараз ижтимоий объектнинг тузилиши ҳақидаги назарий асосланган илмий тахмин бўлиб, мазкур объектни ташкил этувчи турли хил элементлар ва алоқалар характери, уларнинг фаолият юритиши ва тараққиётини ўзида ифодалайди. Илмий фараз ўрганилаётган объект хусусида дастлабки таҳлил ўтказилгандан кейингина тузилиши мумкин.

Илмий асосланган фараз қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: аввало, илмий фараз умумий сони фикрларнинг моҳият тамойилларига мувофиқ бўлиши шарт. Мустақиллик туфайли умуминсоний манфаатларнинг устунлиги хусусидаги фалсафий-методологик фикр-қарашлар қабул қилингандан сўнг илмий фараз учун фалсафий база доираси янада кенгайди. Иккинчидан, илмий фараз исботи аллақачон маълум бўлган воқеа ва ҳодисаларни асослашга бағишланмаган бўлиши лозим. Аммо, илмий тахмин бирмунча эскирган, қайта исботга муҳтож назарияларнинг ҳаётийлигини яна бошдан текшириб кўришга бағишланиши мумкин. Бу умумилмий қарашларга ҳилоф бўлиб тушмайди. Учинчидан, илмий-фараз ҳаммага маълум бўлган, исботи аниқ айрим фактлар ҳақиқатига зид бўлмаслиги керак. Тўртинчидан, илмий фаразни социологик тадқиқотларнинг бутун жараёни давомида исботлаш имкони таъминланган бўлиши лозим.

Ўрганилаётган объект ҳақидаги билимлар ҳолати илмий изланишларнинг турли йўллари ва режаларини юзага келтиради. Улардан изланиш асосидаги, баён этиш йўлидаги ва экспериментал усулдаги режаларни ажратиб кўрсатиш

мумкин. Изланиш асосидаги тадқиқотлар режаларини ўрганилаётган муаммо ҳақидаги тасаввур конкретлашмаган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу режанинг асосий мақсади илмий муаммони аниқ номлаш ва унинг конкрет чегараларини белгилаб олишдир. Тадқиқотнинг муҳим босқичлари сифатида изланиш олиб бориш услубини ишлаб чиқиш, бу услубни қўллаш тартибини аниқлаб олиш, вазифаларнинг муҳимлигига кўра кетма-кет бажарила боришини таъминлаш жараёнларини кўрсатиб ўтиш ўринлидир.

Шундай қилиб, изланишга қаратилган тадқиқот режаси уч босқичдаги тадқиқот турини (хужжатларни ўрганиш, экспертлар билан маслаҳатлашув, кузатиш ўтказишни) ўз ичига олади. Бу босқичларнинг биринчисида илмий муаммо хусусидаги маълум бўлган барча илмий, публицистик ва архив хужжатларини чуқур ўрганиб чиқиш назарда тутилса, иккинчи босқичда шу соҳа бўйича таниқли олимлар, тажрибали кишилардан иборат экспертлар гуруҳи фикрини ўрганиш эътибор марказида бўлади. Сўнгги босқичда эса тадқиқотчи муайян илмлар, тасаввурларга эга бўлган ҳолда объект хусусида кузатиш ишларини олиб боришни кўзда тутати. Изланиш режаси илмий муаммони аниқ номлаб олиш ва асослайдиган гипотезани илгари суриш билан якунланади.

Социология фанида қиёслаш ёки таққослаш усули ўзига хос икки шаклда амалга оширилади. Булардан бири муваққат тадқиқотлар деб аталиб, ижтимоий воқеа ва ҳолатларнинг муайян вақт мобайнида ўзгара бориш жараёнларини тадқиқ этишга мўлжаллангандир. Муваққат тадқиқотлар ҳам ўз навбатида бир неча кўринишлар касб этиб, улардан бири «панель» тадқиқотларидир. Панель (инглизчадан-устама, рўйхат) изланишлар муайян ижтимоий ҳолат мазмунининг маълум вақт оралиғида нечоғлик ўзгарганлигини, илгари ўтказилган тадқиқот дастури ва услубияти билан бевосита таққослаш асосида қайтадан текшириб кўришни англатади. Панель тадқиқотлар ўтказишдан асосий мақсад маълум муддат ичида ижтимоий ҳодисалар тараққиёти, таназзули ёки турғунлик жараёнларининг ўзига хосликларини аниқлашдир. Бунда вақти-вақти билан ўтказилиб турадиган аҳоли сони ўзгаришларини ҳисобга олиш ишини кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Бундай тадқиқотларга мисол қилиб битирувчи талабалар ўртасида эгалланган мутахассислик ва унинг истикболлари хусусида тадқиқот ўтказилиши ва ана шу собиқ курсдошларнинг 10 йил ўтгандан кейинги учрашувда касбга бўлган муносабатини ўрганиб чиқиш, ўтган вақт ичида юзага чиққан ижтимоий-руҳий шарт-шароитлар таҳлилини олиш ҳам мумкиндир. Социолог ана шу қиёсий таҳлил орқали муайян илмий ҳулосалар ва амалий тавсияномалар ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлади. Қиёсий таҳлилнинг иккинчи кўриниши, яъни тренд тадқиқотлар муайян ижтимоий ходиса, жараёнлардаги табиий ўзгаришларни ўрганишга бағишланади. Бундай тадқиқотларда айтилган бир хил гуруҳ вакиллари ўртасида такрор тадқиқот ўтказиш шарт этиб қўйилмасдан, ўрганилаётган қиёсий гуруҳлар бир хил ижтимоий синф ёки қатлам вакилларида иборат бўлса етарлидир. Масалан, мустақилликка эришганга қадар бўлган даврларда фаолият юритган бир гуруҳ маориф ходимлари сиёсий қарашлари хусусида тадқиқот ўтказилган бўлиб, маълум вақт ўтганидан сўнг ана шу соҳа вакиллари ижтимоий-сиёсий

карашларини ўрганиб, таҳлил этсак, улардаги ўтган вақт таъсиридаги мантикий-тадрижий ўзгаришлар кўрсаткичлари юзага чиқади ва зиёлилар дунёкарашининг ўзгаришлари ижтимоий воқеликка муносабати хусусида атрофлича маълумотларга эга бўлиш имконияти юзага келади.

Муваққат тадқиқотларнинг учинчи ўзига хос кўриниши когорта (лотинчада- кўплик, бўлинганлик) усули деб аталади. Когорта деб бир йил ва ойда таваллуд топган кишилар гуруҳи ҳам тушунилади. Муайян когорта гуруҳига кирувчи кишилар ижтимоий ва руҳий-маънавий хусусиятларига кўра ўзига хос умумийликка эга бўладилар. Когорта усули шахс ҳаёт тарзида табиий хронологик кўрсаткичларнинг ижтимоий натижалар билан муттаносиблиги, шахснинг ижтимоийлашув тизими, шахснинг умумий ривожда ижтимоий тарихий жараён ва омилларнинг таъсири масалаларини атрофлича қиёсий ўрганишда жуда асқотади.

Кенг кўламдаги тадқиқот жараёнига киришишдан аввал мазкур тадқиқот амалиёти ва усуллари тажрибада синаб кўришнинг аҳамияти каттадир. Шу боисдан ҳам социология фанида “пилотаж”(инглизчада тажриба ўтказиш учун мослама маъносини англатади) тадқиқот усули ҳам алоҳида ўрин тутати. Пилотаж тадқиқот усулини қўллаш-орқали бўлажак ялпи тадқиқотни ўтказиш учун кўрилган тайёргарликнинг қай аҳволда эканлиги, тарқатиладиган анкета саволлари сифати, кузатиш усули қайдномалари, ҳужжатлар тўплаш ва уларни таҳлил этишга оид кўпгина масалалар амалда синаб кўрилади. Айни вақтда бундай изланишлар жараёнида бўлажак социологик тадқиқотлар ўтказиш учун зарур бўлган вақт ва жой масалалари ҳам ҳал қилинади.

Ялпи сўров натижалари турли тадқиқот усуллари жараёнида тўпланган маълумотларни мушоҳада этиш ва қайта ишлаш тадқиқот дастурининг кейинги муҳим босқичларидан саналади. Маълумотларни атрофлича таҳлил этиш ҳозирги замонда социологдан чуқур билим талаб этади. Улар жумласига таҳлилнинг математик усуллари яхши ўзлаштириш, дастурлашнинг зарурий усуллари билиш, компьютерда ишлаш қобилиятларини киритиш мумкин.

Социологик тадқиқотларнинг якуний босқичида ҳисобот тайёрланади. Ҳисобот илмий изланишлар жараёнида тўпланган эмпирик маълумотларни ўзида ифодалаб, дастурда белгиланган барча талабларнинг қай даражада бажарилганлигини баён этади. Ҳисобот алоҳида тўпланган ҳужжат сифатида баҳоланиши ва матбуотда эълон қилиниши мумкин.

Социологик тадқиқот усуллари ичида ҳозирги кунда энг кўп тарқалгани **сўров усулидур**. Сўров усулининг қулайлиги шунда намоён бўладики, тадқиқотнинг кузатиш ва эксперимент усуллари фақат мутахассис социологлар қўллаши мумкин бўлса, сўров усулида тадқиқот ўтказишга қисқа муддатли тайёргарликдан ўтган ёрдамчиларни ҳам жалб қилиш ва улар ёрдамида респондентларнинг катта миқдорини қамраб олиш мумкин. Бу усул қўлланилганда катта корхона ва муассасалар, соҳалар, минтақалар ва ҳатто, мамлакат миқёсида ҳам тадқиқот ўтказиш мумкин. Сўров усули респондентга бевосита мурожаат қилиб, унинг хулқ-атвори, ҳаракатдан кўзлаган ниятлари ўтган даврда қилган ва ҳозир қилаётган ишлари, келажакка мўлжалланган режалари тўғрисида батафсил

маълумот олиш имконини беради. Айниқса, кишининг ҳис-туйғулари, кечинмалари, ҳаракат мотивлари тўғрисида маълумот тўплаш керак бўлганда бу усул қўл келади. Чунки бу ҳодисалар кузатувчи нигоҳидан яширин бўлиб, уларни кузатиш усули билан аниқлаб бўлмайди. Лекин, сўров усули фақат афзаллик ва қулайликлардан иборат экан, деб хулоса чиқариш нотўғридир. Бу усулнинг ҳам бир қатор камчиликлар бор. Масалан, бу усул ёрдамида олинган маълумотларнинг ҳақиқатга қанчалик мос келишини синчиклаб текшириш зарур. Чунки, бу усул қўлланилганда маълумот манбаи фақат респондент бўлади. Респондентлар эса ўз характери, дунёқараши, хулқи, маълумоти бўйича турли кишилар бўлиб, улар ҳар доим ҳам ҳақиқатни гапиравермайдилар. Респондентнинг жавобларига қай даражада ишониш мумкинлиги масаласи жуда мураккабдир. Респондент жавобларининг тўғри ёки нотўғри эканини текширишнинг бир қанча усуллари мавжуд бўлиб, улардан қанчалик усталик билан фойдалана олиши социологнинг маҳоратини кўрсатади. Бу усуллар анкета саволларининг қай даражада ўйлаб ва пухта тузилгани, уларнинг пайдарпайлиги, саволларда респондент руҳияти ҳисобга олинганлиги билан боғлиқдир.

Олий ўқув юртларидан бирида талабаларнинг бўш вақтни қандай ўтказишларини аниқлаш мақсадида тадқиқот ўтказилган. Анкетага қуйидагича назорат саволи ҳам киритилган. «Сиз Алишер Навоийнинг «Юсуф ва Зулайҳа» достонини ўқиганмисиз?» Натижалар шуни кўрсатдики, талабаларнинг бир қанчаси бу достонни ўқиган экан. Ҳолбуки, Алишер Навоий бундай достон ёзмаган. Ҳар қанча яхши тузилган саволнома ва яхши ўтказилган интервьюда ҳам респондентларнинг ҳаммаси бир хил самимий жавоб бермайди. Бу одамларнинг характери, дунёқараши, хулқи ва бошқа жиҳатлари билан ҳам боғлиқдир. Назорат саволларини киритишдан мақсад эса ана шундай носамимий жавобларнинг улуши қанча эканини аниқлашдир.

**Интервью усули** анкета билан кўп умумийликларга эга. Анкетада саволлар ёзма тарзда берилса, интервьюда оғзаки саволлар берилади. Интервью респондент билан бевосита мулоқотни тақозо қилади. Интервьюни ўтказувчи - интервьюер шахсияти, ўзини тутиши, овози, ташқи кўриниши ва кийиниши ҳам сўров натижаларига таъсир қилиши мумкин.

Интервью ўз моҳиятига кўра тадқиқотчи билан респондентнинг суҳбати бўлиб, у муайян маълумот тўплашни назарда тутди. Шу билан бирга, интервьюнинг оддий суҳбатдан фарқи яна шундаки, суҳбатдошлар бир-бирларини қизиқтирган масалалар тўғрисида гап юритса, интервью жараёнида фақат бир томон-тадқиқотчи савол ва респондент жавоб беради.

Интервью билан оддий суҳбат ўртасидаги тафовут яна шунда кўринадики, суҳбатдошлар, одатда, таниш одамлар бўлиб бир-бирларига муайян психологик муносабатда, аксарият ҳолларда ижобий муносабатда бўладилар. Чунки, одамлар ўзлари ёқтирмаган одам билан суҳбатлашишни ҳам ёқтирмайдилар. Интервью эса, деярли икки нотаниш одамнинг суҳбатидир. Шунинг учун, агар тадқиқотчи ўзининг муомаласи, кийиниши, ўзини тутиши билан респондентда ижобий, ҳеч бўлмаганда нейтрал муносабат уйғота олмаса,

респондент саволларга жавоб беришни хоҳламаслиги, мободро илтимос қилиб туриб олинса, юзаки ва чала жавоблар бериши мумкин.

**Кузатиш усули** фақат социология ёки ижтимоий фанлардагина эмас, балки фаннинг барча соҳаларида ҳам кенг қўлланилади. Кузатиш турли мақсадларда, турли шаклда, турли қамровда, турли воситалар ёрдамида олиб борилади. Барча одамлар ўз ҳаётларида кузатиш усулидан у ёки бу даражада фойдаланадилар. Лекин улар фойдаланаётган усул илмий кузатиш усули эмас, оддий кузатиш усулидир. Одамларнинг кузатиш усулидан кенг фойдаланиши уларнинг бу усулни яхши эгаллаганликларини аниқлатмайди.

Оддий турмушдаги кузатиш ҳам аксарият ҳолда муайян мақсадга йўналтирилган ва муайян даражада ташкил этилган бўлади. Лекин бу кузатишлар илмий мақсадни қўзламагани ва илмий муаммони ҳал этишга қаратилмагани учун илмий кузатиш бўла олмайди. Илмий кузатишлар муайян назария ёки фаразга тасдиқлаш, тўлдиришни, ёки бўлмаса рад этишни мақсад қилган ҳолда олиб борилади.

Социологик кузатишларни шартли равишда икки турга бўлиш мумкин:

Четдан кузатиш.

Ичкаридан кузатиш.

Объект четдан кузатилганда ундаги жараёнларнинг иштирокчилари ўзлари кузатиш объекти эканликларидан мутлақо беҳабар бўладилар. Масалан, харидорлар хулқини ўрганмоқчи бўлган тадқиқотчи сотиш залида ёки пештахта ортида туриб харидорларни кўпроқ қайси буюм қизиқтираётгани, уларнинг белгиланган нархларга муносабати ва бошқаларни кузатиши мумкин. Бунда харидорлар ўзларининг кузатиш объекти бўлганликларини билмайдилар. Агар одамлар социологик кузатиш объекти бўлганликларини билиб қолсалар, уларнинг хулқида маълум ўзгаришлар юз бериши, демак, бу хулқ табиий бўлмай қолиши мумкин.

Четдан туриб кузатаётган тадқиқотчи ўрганилаётган объектга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди ва уни табиий ҳолда ўрганади. Ичкаридан кузатилганда тадқиқотчи икки хил усулдан фойдаланиши мумкин: 1. Очiq кузатиш. 2. Яширин ёки хуфя кузатиш. Очiq кузатилганда тадқиқотчи ўзи ўрганаётган гуруҳ ёки жамоа аъзоларига мақсадни айтади. Масалан, меҳнат жамоасидаги янги аъзоларнинг психологик адаптация жараёнларини кузатишда шу усулдан фойдаланиш мумкин. Лекин бу турдаги кузатишларнинг имкониятлари анча чекланган. Чунки махсус кузатиш объекти бўлганини билган кишилар хулқларини хоҳлаб ёки хоҳламай ўзгартирадилар.

**Ҳужжат** ўз семантик маъносига кўра исбот этиш мазмунини ифодаловчи сўздир. Ҳужжат-моддий материал манба ҳисобланиб, воқеа ва фактлар хусусидаги маълумотларни ўзида ифодалайди. Ҳужжатда инсон ёки жамоа фикри ёзма ва бошқа белгиларда намоён этилган бўлади. Ҳужжат сифатида турли формулалар, чизгилар, графиклар, рамзий белгилар бўлиши ҳам мумкин. Бундай шартли белгилар муайян маълумотга эга кишилар томонидан ўқилади. Ҳужжатларнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидаги таснифни ҳавола этиш мумкин:

1. Социологик тадқиқот учун муҳим аҳамиятга эга ҳолат, факт аввало инсон томонидан (ёки махсус мосламалар кўмагида) қайд этилади, сўнгра ҳужжат шаклида ифодаланади. Демак, ҳужжат инсон онгида аввал пайдо бўлиб сўнг оғзаки, ёзма манбаларда ифода этилади, қайд қилинади, сақланади ва тарқатилади.

2. Ҳар қандай ҳолатларда ҳам муайян факт ва ҳолатларнинг муҳим жиҳатлари хусусидаги информацияга эга бўлади (текст, овоз ёзиш мосламалари, нурли ифодаларда ёки чизма белгиларда акс эттирилади).

3. Айрим ҳужжатлар мазмуни фақат муайян махсус билимларга эга бўлган кишиларгагина тушунарли бўлади. Масалан, мураккаб технология лойиҳалари, қурилиш сметаларини, электрон-ҳисоблаш машиналари берадиган маълумотларни махсус билимларсиз англаб олиш қийин. Аммо бундай ҳужжатлар мазмуни махсус билимларга эга бўлган ҳар хил кишилар учун бир хил маъно бериши керак.

4. Ҳужжат, унинг сақланиши ва ягона мазмун бериши хусусиятлари тайин бўлса, исталган манбада баён этилиши ва исталган усулда ифодаланиши мумкин. Ташкилот, муассаса ва мансабдор шахс томонидан бериладиган ҳужжатлар умумий қабул қилинган муайян гувоҳлик мазмунини ифодаловчи расмий реквизитларга эга бўлади (муҳр, штамп, бланк, имзо).

**Социологик тадқиқотда танловни шакллантиришнинг усулий жиҳатлари.** Объектнинг тавсифи, гипотезалар, тадқиқот вазифаларини ҳам ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан, тадқиқотнинг объектни тавсифлаш ва бевосита танлов мажмуасининг шаклланиши билан тугайдиган босқичини бир бутун усулий жараён деб ҳисоблаш мумкин.

Мажмуавий танлов учта асосий босқичга бўлинади:

1. Тадқиқот объектини таснифлаш;

2. Таснифлашни амалга ошириш учун хизмат қилувчи (математик, мантиқий) воситалар танлови;

3. Бевосита мажмуавий танловни шакллантириш. Охирги босқич биринчи босқичнинг маъносига боғлиқ бўлиб, ёки биринчи билан бирлаштирилиши ёки мустақил бўлиб ажралиб чиқиши мумкин.

Кўпинча социологик тадқиқотлар ёппасига эмас, балки айрим аҳоли қатламлари орасида ўтказилади. Танлов усулларида фойдаланган ҳолда ўрганилаётган аҳоли гуруҳи - объектнинг маълум миқдордаги шахслари танлаб олинади. Бу жараён «танлов» деб аталади. Унинг тўғри бажарилиши социологик ахборотнинг ишончлиги ва сифатига боғлиқдир.

Танлов усуллари қуйидаги иккита асосий саволга жавоб беради: бош мажмуада нечта бирликларни ўрганиши зарур ва ахборотларнинг илмийлигини таъминлаш учун уларни қандай қилиб танлаб олиш керак. Танлов жараёни ижтимоий объектларнинг сифат белгилари (жинси, ёши, касби ва ҳ.к.) ва тавсифлари орасидаги ўзаро боғлиқликка асосланади. Танловнинг асосий усуллари ўрганишдан аввал унга тааллуқли бўлган (тадқиқот объекти, танлов мажмуаси, бош мажмуа, танлов бирлиги, таҳлил бирлиги) асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш зарур.

Социологик тадқиқотда бош мажмуа деб ҳудудий, вақтлив ва ишлаб чиқариш билан чегараланган объектлар тўпламига айтилади. Бош мажмуа-тадқиқот муаммосига алоқадор бўлган барча кузатув бирликлари мажмуасидир. Берилган бош мажмуадан қандайдир қоида бўйича ажратиб олинган маълум миқдордаги унсурлар тўпламига танлов мажмуаси деб айтилади. Тадқиқот ўтказиш пайтида танлов мажмуасининг таркиби, ўрганилаётган бош мажмуанинг тасниф сифати ва назорат аломатлари таркибини кичрайтирилган ҳолда такрорлаш зарур. Ўрганилаётган танлов мажмуасининг унсурлари (респондентлари) таҳлил бирликларини ташкил қилади. Бундай бирликлар намунаси сифатида шахслар ёки бутун оилаларни келтириш мумкин. Танловнинг ҳар бир босқичида алоҳида режа бўйича танлаб олинadиган унсурлар(қишлоқлар, маҳаллалар, корхоналар, ўқув муассасалари) танлов бирлиги деб айтилади.

**Танловни асослаш.** Бунда танлов ҳажмини белгиладиган таҳлил бирликлари миқдорини аниқлаб олиш керак. Буларнинг барчасини ҳал этишда бош мажмуа ва танлов мажмуаси асос қилиб олинади. Танлов мажмуаси бош мажмуа кузатув бирликларидан таркиб топган. Кузатув бирликлари сифатида айрим шахслар, оилалар, гуруҳлар, минтақалар, сайлов округлари бўлиши мумкин(Масалан, талаба ёшлар муаммоларини ўрганишда кузатув бирликлари сифатида талабалар ва профессор-ўқитувчиларни олиш мумкин).

Социологлар доимий дуч келадиган муаммо-тадқиқот учун қанча кузатув бирликларини олишдир. Агар бош мажмуа бутунлай ўрганилса энг ишончлив маълумотларга эга бўлиш мумкин. Лекин бу йўлни амалга оширишда жуда кўп муаммолар туғилади. Энг зарур ва муҳим томонни аниқлаш учун ушбу мажмуанинг барча таҳлил бирликларини олиш шарт эмас, унинг бир қисmini олса ҳам бўлади. Бироқ қайси бирини олиш керак? Қачонки, танлаган қисмнинг хулосаларини барча қилинган ишларга, барча танлов мажмуаларига тадбиқ этиш мумкин бўлса, яъни бу хулосалар бош мажмуани аниқ акс эттирган, у ҳақда тўғри тасаввур ҳосил қилдирадиган бўлсагина жавоб тўғри бўлади. Бунда танлов ва бош мажмуаларнинг асосий хусусиятлари муттаносиб бўлиши талаб қилинади. Агарда бундай муттаносиблик бўлмаса, катта фарқлар бор бўлса, танлов мажмуаси натижаларини барча мажмуаларга ўтказиб бўлмайди. Агар танлов мажмуасининг кўрсаткичлари билан бош мажмуанинг кўрсаткичлари ўртасида фарқ беш фоиздан кўп бўлса, тадқиқот ўтказиш мумкин эмас. Ҳар хиллик қанча кўп бўлса, кузатув бирликларини шунча кўп олиш керак. Агар биз ишчилар синфини умуман ўрганаётган бўлсак, унинг ҳар бир ижтимоий ва профессионал гуруҳлар вакиллари танлов мажмуасида кўпроқ жалб этишимиз лозим. Ишчилар синфини, масалан, станоксозлик саноати ишчиларини ўрганиш керак бўлса, танлов сиғимини озроқ олса ҳам бўлади. Агарда ушбу станоксозлик саноатининг юқори малакали ишчиларининг ўзигина танланадиган бўлса, танлов сиғими янада оз бўлиши мумкин. Демак, ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда унинг бир хиллиги ёхуд турли хиллиги омили муҳим роль ўйнайди. Жумладан, Ўзбекистон аҳолиси орасида сўров ўтказилаётганда сўраладиган гуруҳ статистик тўғри, кичрайтирилган ифодада

иборат бўлиши керак. Бу миқдор мамлакат аҳолиси умумий миқдорининг 1% гача бўлиши керак.

Социологик тадқиқот ўтказилаётганда асосан танловнинг икки усули қўлланилади: эҳтимолий (тасодифий) танлов ва квотали танлов.

Эҳтимолий (тасодифий) танлов усули-бу математик танлов бўлиб, содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларнинг кутилаётган ҳодисалар сонига нисбати деб қаралади. Бунда ҳодисаларнинг умумий сони етарлича катта бўлиши керак.

**Эҳтимолий-тасодифий танлов**-амалдаги социологик тадқиқотлар ўтказиш тажрибасида танловнинг, яъни маълумотлар ҳаққонийлигини таъминлашнинг энг яхши модели ҳисобланади. Эҳтимолий танловнинг бир неча тури мавжуд бўлиб, улар қаторига оддий-тасодифий, тизимли, стратификацияланган, кластерли, кўп поғонали танлов хиллари киради.

Оддий-тасодифий танлов қуйидаги босқичлардан иборат:

Биринчидан, бош мажмуа аъзоларининг рўйхатини олиб, уларни рақамлаб чиқиш керак. Бу рўйхат танловнинг асоси дейилади. Иккинчидан, танловда чамаланган танлов ҳажмини, яъни сўровдан ўтадиган одамлар сонини аниқлаш керак. Учинчидан, тасодифий сонлар жадвалидан танлов бирликлари тадқиқот учун қанча керак бўлса, шунча сонларни танлаб олиш керак. Агар танловда 100 киши бўлиши керак бўлса, жадвалдан 100 та тасодифий сон олинади. Тўртинчидан, асосий рўйхатдан тасодифий олинган сонларга мос келадиган респондентларни танлаб олиш керак.

Бош мажмуанинг ҳажми катта бўлганида оддий танлов усули билан ишлашдаги чекланишлар кўзга яққол ташланади. Кенг кўламда ўтказилаётган социологик тадқиқотларда: сайловчилар рўйхатлари, уй-хўжалик китоблари, туман электр бошқармаларининг рўйхатлари, қишлоқ кенгашларининг уй хўжаликларини рўйхатга олувчи китоблари ишлатилади.

Тизимли танлов сифати бўйича оддий-тасодифий танловга яқиндир. Тизимли танлов оддий танлов каби, бутун рўйхатнинг ёки мажмуанинг берилган тартибга келтирилишини талаб қилади. Тизимли танловни амалга ошириш йўли қуйидагича: дастлаб тасодифий йўл билан биринчи бирлик танлаб олинади, сўнг ҳар бир К элементи танлаб олинади. К сони бу ҳолда танловнинг қадами деб айтилади. Танлов қадами (к) қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$K = N/h,$$

бу ерда: N-бош мажмуанинг катталиги; h-танлов мажмуанинг катталиги. Масалан,  $K = 2000/200 = 10$ .

Бу нарса рўйхатдан ҳар бир ўнинчи бирлик танлаб олиншини билдиради. Танлов ҳисоби рўйхат бошидан ёки охиридан бошланиши мумкин.

Ўзбекистондаги қишлоқ ҳудудларида яшайдиган аҳоли учун, эҳтимолий тасодифий танловлар уй хўжаликларини ҳисобга олиш китоблари бўйича, шаҳарларда эса электр тармоқдан фойдаланувчилар (абонентлар) рўйхати асосида бажарилади. Сўров ўтказилиши керак бўлган уй хўжалигининг танловини тасодифий танлов йўли билан ёки танлов қадами орқали аниқлаш мумкин. Бунда уй хўжаликларининг умумий рўйхатидан бир хил ораликларни ўтказиб, сўровга мос уй хўжаликлари танлаб олинади. Уй хўжалиги танлангандан

сўнг квота картаси орқали оиладан саволларга жавоб берувчи шахс ажратиб олинади.

Туманлар, қишлоқ кенгашлари ва маҳаллалар танлови - Ўзбекистон бўйича статистик маълумотларнинг умумий тўпламидан, математик усулларни қўллаган ҳолда, тасодифий сонлар жадвали асосида бажарилади.

Бош мажмуанинг рўйхатига нисбатан, объектлар рўйхатини қисман олиш енгилроқ бўлса статификацияланган танловдан фойдаланиш афзалроқдир. Бу ҳолда танлов ҳажми страталар сонига нисбатан пропорционал бўлинади, ундан сўнг ҳар бир стратадан оддий тасодифий танлов ажратиб олинади.

**Кластерли (уяли, инли) танлов.** Бу усулда дастлаб кластерлар (гуруҳлар) танлаб олинади, сўнг шу кластерлар ичида барча бирликлар ўрганилади. "Кластерлар" (инглиз тилида-уя, ин)-бу кузатув остидаги бирликларнинг табиий гуруҳланишидир. Масалан, ҳарбий хизматчилар бош мажмуаси ҳарбий қисм-бўлинмаларга бўлиниши мумкин, талабалар мажмуаси-университетлар, институтлар ва коллежлар бўйича бўлиниши мумкин ва ҳ.к.

Бош мажмуани локал гуруҳларга ажратиб олиш мумкинлиги бир қатор шартларга риоя қилган ҳолда ахборот бирлигига кетадиган сарф-харажатларни камайтиришга имконият беради.

Умуммиллий сўровлар ўтказилаётганда кластер усулини қўллаш намунаси сифатида қишлоқ туманлари, маҳаллалар, шаҳар туманлари, сайлов участкаларига бўлинишини мисол сифатида келтириш мумкин.

Кластер жараёнлари тўғри қўлланиши учун тўртта зарурий шартга амал қилиш керак:

1.Кластерлар аниқ белгиланиши лозим. Бош мажмуанинг ҳар бир аъзоси битта кластерга тегишли бўлиши мумкин.

2.Ҳар бир кластерга кирадиган бош мажмуа аъзоларининг сони аниқ бўлиши лозим.

3.Кластерлар жуда ҳам катта бўлмаслиги ва географик жипсланган бўлиши лозим.

4.Кластерли танловни шундай бажариш лозимки, у танлов хатосининг ўсишини камайтириши керак.

Кўп поғонали танлов тасодифий танловнинг бир неча бўлимидан иборат бўлиб, мураккаб статистик масала кўринишида бўлади. Умуммиллий тадқиқотларда танлов 4 ёки 5 "зинадан"- вилоятдан бошлаб токи маҳаллагача тушиб боради. Биринчи қисмларида, худди кластер танловидек "танловнинг дастлабки бирликлари", масалан, вилоят, туман, маҳаллалар танлаб олинади. Охирги бўлимларида бош мажмуа бирлик аъзоларининг, респондентларнинг, оилаларнинг тасодифий танлови бажарилади. Шунини айтиб ўтиш керакки, қисмлар кўпайиши олинган баҳолар аниқлигининг камайишига олиб келади. Танлов таснифини яхшилаш учун анкета ўтказиш учун белгиланган аҳоли вакиллари билан махсус ишлаш, саволлар моҳиятини очиқ бериши зарур.

Социологик тадқиқотларда эҳтимолий танлов билан бир қаторда бирор мақсадга йўналтирилган квотали танлов ишлатилади. Жамоатчилик фикрини ўрганишда кенг қўлланиладиган ва энг аниқ бўлган бу танлов-квотали танлов усули деб аталади. Бу усул тадқиқотнинг мақсади аниқ бўлганда ишлатилади.

Танловнинг квота усули бош мажмуанинг қандайдир бир қисмини (фоиз нисбатида) бошқа тўлиқ кўрсаткичлар билан мувофиқлаштириш мумкинлигини эътиборда тутган ҳолда олишни мўлжаллайди. Кўпинча бундай кўрсаткичлар сифатида респондент маълумоти, ёши, профессионал тайёргарлиги ва ҳ.к. бўлади. Бу кўрсаткичлар бўйича бош мажмуа ҳақидаги маълумотлар, одатда, расмий статистикадан олинади. Бош мажмуа ҳақида қатор маълумотларнинг борлиги квотали танлов усулини маълум идоралар, муассасалар, корхоналарда қўллаш имконини беради. Корхоналарда ўтказиладиган тадқиқотлар учун квотали танлов усулининг муҳимлиги яна шундаки, бу ерда ижтимоий тажрибалар ўтказилиши мумкин. АҚШ ва Польша социологлари тажрибасининг кўрсатишича, бош мажмуадаги кузатув бирлигининг атиги 10 фоизини олиш билан ишончли квотали танлов мажмуасини ҳосил қилиш мумкин экан.

Тадқиқотнинг репрезентативлик даражаси танлов усулини қўллашга бевосита боғлиқдир. Хулосаларнинг ишончлилиги эса, ўз навбатида репрезентативлик даражасига боғлиқ бўлади. Демак, танлов социологик тадқиқотда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Танлов ўтказиладиган пайтда танлов ҳажмини аниқлашга катта аҳамият берилиши керак.

Социологик тадқиқот марказларида аҳоли ўртасида ишлашни бошлашдан аввал дастлабки (пилотаж) ахборотни тўплаш бўйича танланган усул, яъни сўров усули синовдан ўтказилади. Синов респондентларнинг сони катта бўлмаган 25-30 кишидан иборат гуруҳида ўтказилади. Бунинг учун бутунлай қарама-қарши тоифаларга мансуб (маълумоти, ёши, жинси, ҳаётий тажрибалари) бўлган вакиллар танлаб олинади.

Синовда, тадқиқот муаллифларидан ташқари, бўлажак интервьюерлар, матнларни кодлаштирувчилар, дастурчилар қатнашишлари зарур. Агар синовда бир нечта одам қатнашса, маълумотлар йиғиш инструментариясининг сифатини баҳолаш имконияти пайдо бўлади. Синовдан асосий мақсад режаланган саволлар қанчалик тўғри тузилган? Респондентларга улар тушунарлими? Қўзлаган ахборотни олиш мумкинми?-каби саволларга жавоб беришдир. "Пилотаж" тадқиқот босқичма-босқич бажарилади. Бир гуруҳ маълумотлар йиғилгандан сўнг ахборот таҳлили ўтказилиб, фикр алмашинади ва шу жараён пилотаж тугагунича такрорланаверади. Интервьюер тадқиқотчи кўзда тутган саволларни бериб, алоҳида олинган ҳар бир одам билан суҳбат ташкил этади, бошқаради ва кўрсатмага (инструкция) мувофиқ олинган жавобларни қайд қилади. Ҳар бир сўровнома учун интервьюерга мўлжалланган ўзига хос кўрсатма ишлаб чиқилади.

Социологик тадқиқотларда ўрганиладиган объект тўғрисида дастлабки эмпирик маълумотларни тўплашда тажриба ўтказиш алоҳида ўрин тутади. Социал эксперимент усулининг асосий хусусиятларига қуйидагилар киради: объектив реаллик тизимига таъсир кўрсатиш; нисбатан ажратиб олинган экспериментал омилни тадқиқ қилинадиган объектга нисбатан режали асосда қўллаш; унинг оқибатларини режали назорат қилиб бориш; ўзгариш самарадорлигини, ижобий ва салбий жиҳатларини ўлчаш.

Социологик ва социал-психологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эксперимент усулидан фойдаланиш икки асосий омилга: тадқиқот объектининг ўзига хослигига ва тадқиқот қилинаётган ижтимоий гуруҳ жавоб реакциясининг характериға боғлиқдир. Бу усулдан фойдаланишда энг аввало, тадқиқ этилаётган объектнинг эксперимент ўтказиш мумкин деб топилса, уни ўтказиш чегараси аниқ белгиланмоғи лозим. Эксперимент социал объект /тизим/ функционал муносабатларини бузмаслиги, издан чиқармаслиги керак. Социал экспериментлар ўз вазифаси мазмуни, якуний натижаси билан ўзаро фарқ қилса-да, барчасига хос ички тузилишга эга. Унинг ички унсурларига эксперимент ўтказувчи /тадқиқотчи, олимлар гуруҳи, илмий лаборатория/, яратиладиган шарт-шароит тизими-экспериментал омил, экспериментал ҳолат ва эксперимент натижалари киради. Социологияда эксперимент асосан 3 турда олиб борилади:

1. Экспост-факто эксперимент. Бунда эксперимент ўтмишдан ҳозиргача бўлган ижтимоий тадқиқот объекти қилиб олинганда ўтказилади.

2. Таққослаш тамойилига асосланган эксперимент. Бу турда ҳозирги давр ижтимоий жараёнлари тадқиқот объекти қилиб олинган бўлади.

3. Проектли эксперимент. У ҳозирдан келажакка йўналтирилган бўлади. Булардан ташқари, социал экспериментлар: тадқиқот хусусиятига қараб /фан соҳасидаги, ижтимоий жараёнларини бошқаришдаги экспериментлар/; социал экспериментнинг таркибининг характериға кўра; дала ва лаборатория шароитидаги; мантиқий таркибига кўра /параллел ва давомий тарзда/ турларга бўлинади.

Социал эксперимент ўтказиш муайян босқичлардан иборатдир: биринчи босқич-назарий босқич бўлиб, унда ўтказиладиган эксперимент тури белгиланади ва назарий жиҳатдан асосланади. Мавжуд имкониятлар эксперимент омиллар ва тадқиқот объектининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинади; иккинчи босқич-эксперимент дастурида кўрсатилган асосий вазифалар ва методикаси ишлаб чиқилади; учинчи босқич-эксперимент дастурида кўрсатилган асосий вазифалар аниқ воситалар орқали объектга тадбиқ қилинади; тўртинчи босқич-сўнгги босқич бўлиб, унда экспериментдан олинган натижалар илмий таҳлил қилинади ва баҳоланади.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, жамият ҳаётининг умумсоциологик муаммолари устида олиб бориладиган социал экспериментлар кутилган натижаларни бермайди. Бунда фақат ижтимоий муносабатларнинг функционал ва ривожланиш қонуниятларига путур етказилади, холос.

Жамият ҳаётининг махсус соҳалари доирасида, микросоциологик объектлар устида социал экспериментлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, нисбатан кичик доирада, социал объектда ўтказилган эксперимент натижалари аниқ муддат ичида ўз натижаларини кўрсатиши мумкин ва унинг оқибатлари /агар салбий жиҳатларга эга бўлса/ ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига ёйилиб кетмайди. Бу натижалар эксперимент ўтказилган тадқиқот объектигагина тегишли бўлади. Ўтказилган

экспериментнинг ижобий натижаларини эса ҳаётнинг бошқа соҳаларига ёйиш, тадбиқ қилиш мумкин бўлади.

Социологик тадқиқот натижаларини илмий ва юксак савияда таҳлил қилиш, улардан ижтимоий бошқарув амалиётида унумли фойдаланиш имконини беради. Эмпирик маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш жараёнидаёқ ўрганилаётган объектнинг муҳим жиҳатлари кўрина бошлайди. Бу жиҳатларни назарда тутган ҳолда илмий таклифлар, тавсиялар ва тадбирлар ишлаб чиқиш, социологик тадқиқот натижаларидан амалиётда фойдаланиш учун асосий восита бўлиб хизмат қилади. Социологик тадқиқот натижаларидан амалиётда фойдаланиш босқичи-икки ёклама жараён бўлиб, унда олимлар, илмий ходимлар ҳам амалиётчилар фаол иштирок этади.

Интервьюерларни ўқитиш жараёни интервью ўтказиш техникасини ва сўровнома тузиш қоидаларини ўрганишдан ташқари, тадқиқот мавзуси ва респондентлар муҳити билан танишишни ҳам ўз ичига олади. Ўқитишнинг қуйидаги томонлари мавжуд: 1). Интервью мавзуини ўзлаштириш; 2). Респондентлар яшаётган муҳитнинг хусусиятларини билиш. 3). Интервью олиш техникасини билиш; 4). Аҳоли ўртасида бевосита тадқиқотларни ўтказиш.

Интервьюер кўрсатмада келтирилган талаблардан четга чиқмаслиги лозим. Агарда у ўзбошимчалик қилиб ўзича кўрсатмада кўрсатилмаган тартибда сўровни олиб борса, бундай сўровнома "яроқсиз" деб ҳисобланади ва инобатга олинмайди, бу ҳол тадқиқотнинг тозаллигига путур етказди. Агарда сўровномани тўлдириш жараёнида айрим саволлардан бошқа саволга сабабсиз сакраб ўтилса ва шу туфайли айрим саволларга жавоб берилмаса, бу ҳам сўров олиб борувчининг қўпол хатоси деб ҳисобланади.

Социолог учун асосий қийинчиликлар ҳисоб-китобларнинг натижалари олингандан сўнг бошланади, айрим натижаларда кўрсаткичлар ўзаро мос келмай қолади. Бундай ҳатоларга йўл қўйилишининг асосий сабабларидан бири, математиклар билан етарли даражада ҳамкорлик қилинмаганлиқдир. Социолог билан математикнинг ҳамкорлиги дала ишларидан кейин эмас, балки дастлабки поғонада-гипотезани шакллантиришда, режа ва дастур тузишда, сўровноманинг саволларни жойлаштириш вақтида бирламчи ва иккиламчи ахборотлар устида ҳисоб-китоб ишлари бажарилишидан олдин ўрнатилиши лозим. Биринчи босқичда сўровномаларнинг тўлдирилишини текшириш, ишловга яроқсиз сўровномаларни ҳисобдан чиқариш ишлари бажарилади. Ишлов беришга яроқсиз сўровномалар ҳисобдан чиқарилгач, иккинчи босқич-сўровномаларни гуруҳлаш ва рақамлаш ишлари олиб борилади. Сўровномаларни гуруҳлаш деганда, тадқиқот ўтказилган ҳудудлар-вилоятлар, туманлар бўйича сўровномаларни тартибга солиш, вилоят, туман ва шаҳарлар кодларини белгилаш тушунилади. Кейин эса ҳар бир гуруҳ сўровномаларининг тартиб рақамлари белгиланади. Учинчи босқич сўровномадаги очиқ саволлар жавобларини кодлаштириш жараёнидир. Ушбу жараён анча мураккаб ва машаққатли ишдир.

Сўровномалар тўғри тўлдирилганлигига ишонч ҳосил бўлгандан сўнг жавобларни кодлаштиришга ўтилади. Одатда, сўровномада ҳар бир саволга тартиб билан сон қўйилган жавоблар келтирилган бўлади. Ана шу сон

жавобнинг "код" вазифасини бажаради. ЭХМга жавоблар матни эмас, балки уларга мос бўлган сонлар киритилади ва улар устида арифметик амаллар бажарилади, чунки ЭХМ фақат сонлар билан ишлайди.

Кодировка қилиш жараёнида очик саволларни кодлаштириш маълум қийинчиликларга олиб келади. Бундай саволларни кодлаштириш учун ёрдамчи тўплам ажратиб олинади. Бу ишлар қуйидагича бажарилади. Авваламбор, очик саволлар берилган ҳамма жавоблари махсус дафтарга кўчирилади. Ушбу жавоблар маъноси бўйича яқинлари сараланади. Улар асосида классификатор тузилиб ҳамма жавобларга мос кодлар берилади.

Юқорида бажарилган ишлардан сўнг маълумотларни компьютерга киритиш ишлари амалга оширилади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Социологик тадқиқотнинг зарурлиги нимада?
2. Социологик тадқиқот дастурининг асосий қисмларини изоҳланг.
3. Социологик тадқиқотда илмий фаразнинг ўрни қандай?
4. Интервью ва оддий суҳбатнинг фарқи нимада?
5. Тест усулининг социологик тадқиқотдаги ўрнини изоҳланг.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat -. Engilmas kuch - Toshkent: Ma'naviyan, 2008.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
3. Социология //Ўқув қўлланма. Убайдуллаева Р.А., Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ.. - Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2002.
4. Социология. Маърузалар курси. Алиқориев Н.С, Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б., ва бошқ. - Тошкент, 2001
5. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шахри. - Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993.
6. Гидденс Э. Социология. - Тошкент, 2002
7. Холбеков А.Ж., Идилов У.Ю. Социология: изоҳли луғат- маълумотнома. - Тошкент: Ибн-Сино номидаги нашриёт, 1999.
8. Холбеков. А.Ж. Бошқарув социологияси (ўқув қўлланма). - Тошкент: Akademiya, 2007.
9. Убайдуллаева Р.А., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ. Социологик тадқиқотлар амалиёти (Ўқув-услубий қўлланма)- Тошкент.: «Ижтимоий фикр», 2001.

## Оралиқ назорат саволлари:

1. Социология фанининг объекти ва предмети.
2. Ижтимоий мавқе ва ижтимоий роллар.
3. О. Конт социологиянинг асосчиси сифатида.
4. Арастунинг социологик қарашлари.
5. Ал-Мотрудийнинг муросавий мувозанат концепцияси.
6. Ибн Халдуннинг жамият ва ижтимоий тараққиёт ҳақидаги таълимоти.
7. М. Вебернинг “интерпретатив” социологияси.
8. Социологиянинг ижтимоий-гуманитар фанлар билан алоқаси.
9. Социологияда жамият тушунчаси.
10. Социологияда ижтимоийлашув тушунчаси.
11. Давлат тушунчаси ва унинг моҳияти.
12. Замонавий давлатларнинг анъанавийлардан фарқи.
13. Демократия ва унинг хусусиятлари.
14. Анъанавий жамиятнинг хусусиятлари.
15. Замонавий жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари.
16. Дехқонлар ва чорвадорлар жамияти.
17. Ноиндустриал цивилизациялар ёки анъанавий давлатлар.
18. Саноатлашган (индустриал) жамиятлар.
19. Постиндустриал жамият.
20. Социал гуруҳ тушунчаси ва унинг белгилари.
21. Дин социологиянинг муҳим объекти сифатида.
22. Жамият ҳаётида ижтимоий институтлар.
23. Жамият ҳаётида ижтимоий муносабатлар.
24. Оила шакллари ва нисбатан муҳим ва умумий ўзгаришлари.
25. Жамият ҳаётида таълим тизими.
26. Социологияда шахс тушунчаси.
27. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш жараёнида шахс белгилари ва хислатлари, сифатлари.
28. Социологияда девиант хулқ-атвор.
29. Девиант хулқ-атворнинг кўринишлари.
30. Девиант хулқ-атворни ўрганишда муаммоли вазият.
31. Жиноятларни социологик нуқтаи назардан талқин қилиш.
32. Ижтимоий назорат. Санкциялар.
33. Социал структура тушунчаси.
34. Социал стратификациянинг моҳияти.
35. Ижтимоий ўзгарувчанлик тушунчаси ва унинг турлари.
36. Ўзбекистонда стратификацион жараёнлар эволюцияси.
37. Стратификация тизимида синфлар.
38. Социологияда статус тушунчаси.
39. Ижтимоий ҳаракатчанлик. Вертикал ва горизонтал ҳаракатчанлик.
40. Аҳоли миграцияси муаммолари.
41. Социал муносабатлар тушунчаси.

- 42.Социал бирдамлик тушунчаси.
- 43.Социологияда бегоналашув ва таназзул муаммолари.
- 44.Социал конфликт. Конфликтнинг горизонтал ва вертикал йўналишлари.
- 45.Миллий мафкура Ўзбекистон тараққиётининг маънавий пойдевори сифатида.
- 46.Ижтимоий ўзгариш тушунчаси.
- 47.Социал эволюция назарияси.
- 48.Ўзбекистонда демократик, адолатли фуқаролик жамияти куришнинг тадрижий- эволюцион йўли.
- 49.Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг демократик тамойиллари.
- 50.Ўзбекистонда жаҳон молиявий инқирозининг олдини олиш учун амалга оширилган чора-тадбирлар.
- 51.Социологик тадқиқот дастури.
- 52.Социологик тадқиқотда объект ва предмет.
- 53.Панель тадқиқотлар.
- 54.Тренд тадқиқотлар.
- 55.Пилотаж тадқиқот усули.
- 56.Социологик тадқиқотнинг сўров усули.
- 57.Кузатиш усули.
- 58.Социологик кузатиш турлари.
- 59.Ҳужжатларнинг таснифи.
- 60.Социологик тадқиқотда эксперимент ва унинг турлари.

### Якуний назорат саволлари:

- 1.Социология фанининг объекти ва предмети.
- 2.Замонавий социологиянинг ўрганиш объектлари.
- 3.Ижтимоий мавқе ва ижтимоий роллар.
4. Э.Дюркгейм ва М.Вебернинг социологиянинг ўрганиш объекти тўғрисида қарашлари.
- 5.Социологиянинг мустақил фан сифатида шаклланиши.
- 6.Социологиянинг мустақил фан сифатида шаклланишининг шарт-шароитлари.
- 7.Социологиянинг вазифалари.
- 8.О.Конт социологиянинг асосчиси сифатида.
- 9.Милет мактаби файласуфларининг ижтимоий қарашлари.
- 10.Гераклид ва Эмпедоклларнинг социологик қарашлари.
- 11.Сукрот ва Афлотуннинг социологик қарашлари.
- 12.Арастунинг социологик қарашлари.
- 13.Зардўштийлик таълимотида ижтимоий муаммолар.
- 14.Конфуцийнинг ахлоқий таълимотида инсон муносабатлари масалалари.
- 15.Ал-Мотрудийнинг муросавий мувозанат концепцияси.

16. Ал-Мотрудий таълимотининг Моворауннаҳр ижтимоий фикрига кўрсатган таъсири.
17. Абу Наср Форобий ва Абу Райҳон Берунийларнинг социологик қарашлари.
18. Ибн Сино ва Юсуф Хос Хожибнинг социологик қарашлари.
19. Ибн Халдуннинг жамият ва ижтимоий тараққиёт ҳақидаги таълимоти.
20. Г. Спенсернинг социологик қарашлари.
21. Зигмунд Фрейд ижтимоий жараёнларни англашнинг психологик муаммолари тўғрисида.
22. В. Паретонинг социологик қарашлари.
23. Э. Дюркгеймнинг социологик қарашлари.
24. П. Сорокин социомаданий мавжудлик тўғрисида.
25. М. Вебернинг “интерпретатив” социологияси.
26. Социологиянинг ижтимоий-гуманитар фанлар билан алоқаси.
27. Ижтимоий тузулма концепцияси.
28. Социология фанининг таркибий тузилиши.
29. Социология фанининг махсус назарияларга асосланувчи йўналишлари.
30. “Назарий ва “амалий” социология.
31. Макросоциологиянинг моҳияти.
32. Микросоциологиянинг моҳияти.
33. Социологиянинг амалий аҳамияти.
34. Социологияда жамият тушунчаси.
35. Ижтимоий тизим тушунчаси ва моҳияти.
36. Социологияда ижтимоийлашув тушунчаси.
37. Ижтимоийлашув агентлари.
38. Фуқаролик жамияти концепцияси.
39. Давлат тушунчаси ва унинг моҳияти.
40. Замонавий жамиятларнинг анъанавийлардан фарқи.
41. Демократия ва унинг хусусиятлари.
42. Тоталитаризм ва унинг элементлари.
43. Ҳукукий давлатнинг белгилари.
44. Анъанавий жамиятнинг хусусиятлари.
45. Замонавий жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари.
46. Овчилик ва теримчилик (йиғиш) билан шуғулланувчи жамият.
47. Дехқонлар ва чорвадорлар жамияти.
48. Ноиндустириал цивилизациялар ёки анъанавий давлатлар.
49. Саноатлашган (индустириал) жамиятлар.
50. Постиндустириал жамият.
51. Ҳозирги замон жамиятининг кўринишлари.
52. Социал гуруҳ тушунчаси ва унинг белгилари.
53. С. Моренонинг социометрия мактаби.
54. Ижтимоий институтларнинг кўринишлари.
55. Ҳозирги замон жамиятларида меҳнат тақсимотининг ривожланиши.
56. Ҳақ тўланадиган ишнинг тавсифлари.
57. Дин социологиянинг муҳим объекти сифатида.

58. Диннинг белгилари.
59. М. Вебернинг дин социологияси.
60. Э. Дюркгейм кичик анъанавий жамиятлардаги динлар тўғрисида.
61. Замонавий жамиятларнинг бюрократик хусусияти.
62. М. Вебер идеал турдаги бюрократиянинг баъзи характерли хусусиятлари тўғрисида.
63. Жамият ҳаётида ижтимоий институтлар.
64. Жамият ҳаётида ижтимоий муносабатлар.
65. Анъанавий типдаги жамиятларда кланларнинг ўрни.
66. Оила шакллари ва нисбатан муҳим ва умумий ўзгаришлари.
67. Жамият ҳаётида таълим тизими.
68. Социологияда инсон тушунчаси моҳияти.
69. Социологияда шахс тушунчаси.
70. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш жараёнида шахс белгилари ва хислатлари, сифатлари.
71. Социологияда шахс манфаати, эҳтиёжи масалалари.
72. Социологияда девиант ҳуқ-атвор.
73. Девиант ҳуқ-атворнинг кўринишлари.
74. Мардон ижтимоий мақбул қадриятлар ва уларга эришиш воситаларининг чекланганлиги ўртасидаги номуносиблик тўғрисида.
75. Девиант ҳуқ-атворни ўрганишда муаммоли вазият.
76. Жамият ва девиацияни биологик тушунтириш.
77. Жиноятнинг психологик назариялари.
78. Жиноятларни социологик нуқтаи назардан талқин қилиш.
79. Стигмация (яъни, ёрлик ёпиштириш, тамға босиш) назарияси.
80. Ижтимоий назорат. Санкциялар.
81. Социал структура тушунчаси.
82. Социал стратификациянинг моҳияти.
83. Ижтимоий ўзгарувчанлик тушунчаси ва унинг турлари.
84. Ўзбекистонда стратификацион жараёнлар эволюцияси.
85. Жамиятдаги ижтимоий табақаларни ўрганишнинг асосий тамойиллари.
86. Стратификация тизимида қулдорлик.
87. Стратификация тизимида касталар.
88. Стратификация тизимида табақалар.
89. Стратификация тизимида синфлар.
90. Социологияда статус тушунчаси.
91. Ижтимоий ҳаракатчанлик. Вертикал ва горизонтал ҳаракатчанлик.
92. Аҳоли миграцияси муаммолари.
93. Социал муносабатлар тушунчаси.
94. Социал муносабатларнинг асослари.
95. Социал бирдамлик тушунчаси.
96. Ижтимоий-синфий муносабатлар.
97. Ўзбекистонда ижтимоий-демократик муносабатлар.
98. Социологияда бегоналашув ва таназзул муаммолари.
99. Социал конфликт. Конфликтнинг горизонтал ва вертикал йўналишлари.

100. Миллий мафкура Ўзбекистон тараққиётининг маънавий пойдевори сифатида.
101. Миллий ғоя барқарорлик омили.
102. Ижтимоий ўзгариш тушунчаси.
103. Тарихий жараёнга даврийлик нуқтаи назаридан ёндашувнинг моҳияти.
104. Социал эволюция назарияси.
105. Т.Парсонс томонидан ривожлантирилган эволюцион назария.
106. Ижтимоий ўзгаришларга таъсир этувчи омиллар.
107. Инқилоб тушунчаси ва моҳияти.
108. Ўзбекистонда демократик, адолатли фуқаролик жамияти қуришнинг тадрийжий- эволюцион йўли.
109. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ривожланиши.
110. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг демократик тамойиллари.
111. Ўзбекистонда жаҳон молиявий инқирозининг олдини олиш учун амалга оширилган чора-тадбирлар.
112. Социологик тадқиқот дастури.
113. Социологик тадқиқотда объект ва предмет.
114. Социологик тадқиқот дастурининг концептуал ва операционал моделлари.
115. Илмий фаразга қўйиладиган талаблар.
116. Панель тадқиқотлар.
117. Тренд тадқиқотлар.
118. Пилотаж тадқиқот усули.
119. Табiiй тажқиқотларнинг кўринишлари.
120. Социологик тадқиқотнинг сўров усули.
121. Сўров жараёни босқичлари(кўникиш, асосий, якуний босқичлар).
122. Социологик тадқиқотда интервью усули.
123. Кузатиш усули.
124. Социологик кузатиш олиб боришнинг шарт ва талаблари.
125. Социологик кузатиш турлари.
126. Хужжатларнинг таснифи.
127. Хужжатларнинг хиллари.
128. Социологик тадқиқотда танловни шакллантиришнинг усулий жиҳатлари.
129. Социологик тадқиқотда эксперимент ва унинг турлари.
130. Интервьюерларни ўқитиш жараёни.

## **ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШИ МАВЗУЛАРИ**

1. Социологиянинг мустақил фан сифатида шаклланиш босқичлари.
2. Шарқ мутафаккирларининг (Форобий, Беруний, Абу Али ибн-Сино ва бошқалар) ижтимоий-фалсафий қарашлари.
3. Социологиянинг фан сифатида шаклланишида мумтоз олимлар таълимоти (О.Конт, Г.Спенсер, Э.Дюркгейм, М.Вебер).
4. Ҳозирги замон социологиясидаги асосий йўналишлар.

- 5.Собиқ Совет Иттифоқида социологияга бўлган муносабат ва унинг оқибатлари.
- 6.Социологиянинг ижтимоий-гуманитар фанлар билан ўзаро боғлиқлиги
- 7.Жамият ва унинг асосий шакллари.
- 8.Ўзбекистонда жамият ҳаётини эркинлаштириш муаммолари.
- 9.Социал гуруҳлар ва уларнинг жамият ҳаётида ўрни.
- 10.Социал гуруҳ турлари.
- 11.Социологияда социал институт тушунчаси.
- 12.Социал институт турлари: оила, сиёсат, дин, иқтисод, таълим, ҳуқуқ.
- 13.Дин социомаданий институт сифатида.
- 14.Замонавий жамиятда дин ва давлатнинг ўзаро муносабати.
- 15.Оила ижтимоий институт сифатида.
- 16.Жамоатчилик фикри социологияси ва унинг асосий йўналишлари.
- 17.Шахс социал муносабатлар махсули сифатида.
- 18.Шахс социализацияси (ижтимоийлашуви) ва босқичлари.
- 19.Шахс тўғрисидаги социологик назариялар.
- 20.Девиант хулқ-атвор (оғма хулқ-атвор) муаммосини ўрганиш социологиядаги илмий йўналиш сифатида.
- 21.Девиант хулқ-атвор турлари.
- 22.Э.Дюркгейм, Р.Мертонларнинг девиант хулқ-атвор тўғрисидаги назариялари.
- 23.Девиант, делинквент ва криминал хатти-ҳаракатлар.
- 24.Жамоатчилик фикри социал назоратнинг шакли сифатида.
- 25.Социал назорат кишилар ҳатти-ҳаракатини тартибга солиш механизми сифатида.
- 26.Социал назорат унсурлари: меъёрлар ва санкциялар.
- 27.П.А. Сорокиннинг социал стратификация тўғрисидаги назарияси.
- 28.Стратификация асослари ва мезонлари: иқтисодий ҳолат, мавқе, таълим ва ҳокимият.
- 29.Стратификацион тизимлар: куллик, каста, клан ва синф. Очик ва ёпиқ тизимлар.
- 30.“Ўрта синф”нинг жамият ҳаётидаги ўрни.
- 31.Замонавий Ўзбекистонда социал стратификация ва социал мобиллик масалалари таҳлили.
- 32.Социал ҳаракатчанлик (мобиллик) тушунчаси ва унинг моҳияти.
- 33.Социал ҳаракатчанлик (мобиллик) тўғрисидаги социология классиклари: М.Вебер, Э.Гидденс, Т.Парсонс, П.Сорокин ва бошқаларнинг қарашлари.
- 34.П.Сорокиннинг ижтимоий стратификация концепцияси.
- 35.М.Вебер синфлар, статуслар, партиялар ҳақида.
- 36.Социал муносабатлар тушунчаси, структураси, моҳияти.
- 37.Барқарорликни структуравий-функционал асослаш.
- 38.Бегоналашув ва таназзул.
- 39.Ижтимоий прогресс, регресс, эволюция ва революция ижтимоий ўзгаришларнинг шакли сифатида.
- 40.Ижтимоий прогресс муаммолари.

41. Ижтимоий тараққиёт шакллари: эволюцион, революцион ва реформистик тараққиётлар.
42. Эмпирик социологик тадқиқотлар.
43. Социологик тадқиқот дастури.
44. Социологияда маълумотларни тўплаш методлари.
45. Сўров методи ва унинг турлари.
46. Кузатиш методи ва унинг моҳияти.
46. Ҳужжатларни ўрганиш методи.
48. Эксперимент методи.
49. Социологик маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил этиш усуллари.
50. Ўзбекистонда эмпирик социологик тадқиқотларнинг истиқболлари.

### **Социология фани бўйича тест саволномаси**

1. “Социология” терминини фанга биринчи бўлиб қайси олим киритган?
  - А). Ш.Монтеске
  - Б). М.Вебер
  - \*С). О.Конт
  - Д). П.Сорокин
2. Қуйидагиларнинг қайси бири ҳақиқатга яқин: Социология нимани ўрганади?
  - \*А). Ҳар қандай социал ҳодисаларни
  - Б). Катта миқдордаги объектлар сони
  - С). Чегараланган ижтимоий объектлар сони
  - Д). Фақат битта объектни
3. Жамият ҳаётини таҳлил қилишда синфий ёндашув назариясига таянган олим...
  - А). М. Вебер
  - \*Б). К. Маркс
  - С). Р.Парк
  - Д). Ф. Знанеский
4. Социология фан сифатида қаерда вужудга келган?
  - А). АҚШ
  - \*Б). Ғарбий Европа
  - С). Лотин Америкаси
  - Д). Шарқий Европа
5. Социология фанининг вужудга келиш даври...
  - А). XX аср бошида
  - Б). XIX аср XX- 1-ярмида
  - С). ХУШ-XIX аср бошларида
  - \*Д). XIX асрнинг 1-ярмида
6. Социологиянинг фан сифатида шаклланишининг объектив сабаби...
  - А). Техника ва ишлаб чиқаришнинг тараққиёти
  - Б). Инсоннинг мутлақ озодликка интилиши
  - С). Ижтимоий тартибни ташкил этишнинг зарурийлиги

- \*Д). Ижтимоий тараққиёт назариясини ишлаб чиқиш зарурияти
- 6.«Жамиятни университетлар бошқаради» деган назария қайси жамиятга хос?
- А). Саноатлашган жамият
- \*Б). Постиндустриал жамият
- С). Демократик жамият
- Д). Авторитар жамият
- 7.Е. Дюркгейм “ Социал факт” назариясига нимани асос қилиб олади?
- \*А). Коллектив тасаввур
- Б). Шахслараро муносабатлар
- С). Ижтимоий алоқалар
- Д). Ижтимоий ҳамкорлик
- 8.«Ўз жонига қасд қилиш» мавзусини илк бор ўрганган социлог...
- А). З. Фрейд.
- Б). Э. Фромм.
- \*С). Э. Дюркгейм
- Д). М. Вебер
9. Жамият ҳаётида оиланинг қайси функцияси асосий ролни ўйнайди?
- \*А). Репродуктив
- Б). Иқтисодий
- С). Рекреотив
- Д). Сиёсий
10. Сизнинг фикрингизча, Ўзбекистон қандай мамлакат ҳисобланади?
- А). Аграр
- Б). Индустирал
- \*С). Аграр-индустирал
- Д). Постиндустирал
11. «Социал мобиллик» тушунчаси нимани ифодалайди?
- А). Хулқ-атвор нормаларининг қайсидир бир вазиятдаги маълум бир тўплами.
- \*Б). Индивид ( Социал гуруҳ) томонидан ўзининг социал мавқеини ўгартириши.
- С). Социал тизим жараёнининг бузилиши
- Д). Социал тизимнинг барқарорлиги
12. Д. Морено “кичик гуруҳлар”ни тадқиқ қилишда қайси методдан фойдаланишни таклиф қилди?
- А). Статистик метод
- Б). Эксперт баҳолаш методи
- \*С). Социометрия методи
- Д). Тест методи
13. Кўпчилик социологлар шахснинг бирламчи ижтимоийлашуви қаерда бошланади, деб ҳисоблайдилар?
- А). Мактаб
- \*Б). Оила
- С).Дўстлар давраси

- Д). Меҳнат жамоаси
14. Тоталитар жамият учун қайси хусусият характер касб этади?
- А). Кишилар ва жамият устидан мутлақ кучли ҳарбий назорат
  - Б). Жамиятни конституция ва қонунлар асосида бошқарув
  - \*С). Жамият қонунларининг якка шахсга бўйсундирилиши
  - Д). Конституция ва қонун бор, лекин улар ишламайди
15. Социологияга «социал мобиллик» терминини ким киритган?
- А). М. Вебер
  - \*Б). П. Сорокин
  - С). Р. Мертон
  - Д). Т. Парсонс
16. Социал стратификация деганда нимани тушунасиш?
- \*А). Жамиятдаги социал нотенгликнинг ифодаланиши
  - Б). Жамиятдаги миллатлараро муносабатнинг ифодаланиши
  - С). Жамиятдаги социомаданий хусусиятларнинг ифодаланиши
  - Д). Жамиятдаги социал бирдамликнинг ифодаланиши
17. «Фозил шаҳар аҳолиси» рисоласининг муаллифи ким?
- А). Абу Райҳон Беруний
  - Б). Ибн Сино
  - \*С). Ал Форобий
  - Д). Аристотель
18. «Темур тузуклари»да қандай муаммо асосий сифатда ёритилади?
- А). Ахлоқий
  - \*Б). Давлат ва салтанат ишлари
  - С). Инсонпарварлик
  - Д). Манавий-марифий
19. XX- асрнинг 70- йиларида пайдо бўлган ижтимоий назарияни аниқланг.
- А). Очиқ жамият
  - Б). Ёпиқ жамият
  - С). Индустириал жамият
  - \*Д). Постиндустириал жамият
20. Девиант ҳуқ-атвор назариясининг асосий тушунчаси бўлиб хизмат қилади...
- \*А). Аномия
  - Б). Дегуманизация
  - С). Дестабилизация
  - Д). Дезинтеграция
21. «Индустириал жамият» назарияси қачон шаклланган?
- \*А). 1950-60-йилларда
  - Б). XX асрнинг бошларида
  - С). XX асрнинг 80-90-йилларида
  - Д). XX1 аср бошида
22. Информация ва хизмат кўрсатиш соҳалари ижтимоий тараққиётнинг таъминловчи омилларга эга бўлган жамият қайси?
- А). Аграр жамият

- Б). Индустириал жамият
  - \*С). Постиндустириал жамият
  - Д). Тоталитар жамият
23. Социология оилани қандай ўрганади?
- \*А). Бирламчи кичик гуруҳ сифатида.
  - Б). Муносабатлар йиғиндиси сифатида
  - С). Социал институт сифатида
  - Д). Ижтимоий-маданий ҳодиса
24. Замонавий Ғарб жамиятида ўрта синф салоҳияти...
- А). 20-25. %
  - \*Б). 60-70%
  - С). 30.-40%
  - Д). 10-15%
25. Қуйидаги социал ҳодисалардан қайси бирини девиант ҳуқ-атвор нормаларига киритиш мумкин?
- \*А). Ичкиликбозлик, наркомания
  - Б). Туғилиш, ўлим
  - С). Миграция
  - Д). Кадрлар қўнимсизлиги
26. Социологик тадқиқот дастури нимадан бошланади?
- А). Тадқиқотни ташкил этиш
  - \*Б). Муаммонинг қўйилиши
  - С). Обектни тасвирлаш
  - Д). Респондентларни танлаш
27. Қуйидагилардан қайси бири энг оммавий эмпирик метод ҳисобланади?
- А). Ҳужжатларни ўрганиш
  - Б). Эксперимент
  - \*С). Сўров
  - Д). Кузатиш.
28. Қуйидагилардан қайси бири О.Контнинг «асосий фанлар иерархияси»га тегишли?
- \*А). Математика, астрономия, физика, биология, социология
  - Б). Социологиядан ташқари барча аниқ фанлар
  - С). Иқтисодий фанлар, сиёсий фанлар, дин, ҳуқуқ, социология
  - Д). Иқтисодий фанлар, сиёсий фанлар, ҳуқуқ, социология
29. Позитивизм йўналиши бу...
- \*А). Натурализм, эволюционизм, механизм,
  - Б). Структура функционализм, феноменология
  - С). Конфликт, неомарксизм
  - Д). Символик интеракционизм,
30. Эмпирик тадқиқотларда неча киши қатнашиши мақсадга мувофиқ?
- А). 1000 киши
  - Б). 1200 киши
  - С). 2000 киши
  - \*Д). Тадқиқот хусусиятига қараб белгиланади

31. Илк эмпирик тадқиқотлар қачон ўтказилган?
- \*А). ХУШ асрда
  - Б). XX асрда
  - С). XIX асрда
  - Д). ХУП асрда
32. Илк бор « Социал динамика» ва « Социал статика» тушунчаларини социологияга жорий этган олим.
- А). Аристотель
  - Б). Фробий
  - \*С). О.Конт
  - Д). М.Вебер
33. Қуйидаги олимлардан қайси бири социал эволюция асосчиси ҳисобланади?
- А). Н. Макиавелли
  - Б). О.Конт
  - \*С). Г. Спенсер
  - Д). М. Монтен
34. Позитивистик социологиянинг ғоявий асоси нима?
- А). Интеграциялашув
  - Б). Детерминизм.
  - \*С). Уч босқич қонуни.
  - Д). Тақлид назарияси
35. Ижтимоий ривожланишнинг муҳим омили сифатида иқтисодий муносабатларни устувор деб кўрсатган олим.
- А). Т.Парсонс.
  - \*Б). К. Маркс.
  - С). Э. Дюркгейм
  - Д). Сен-Симон
36. Социологиядаги позитивизмнинг асосчиси ким?
- А). Г. Спенсер
  - Б). Сен-Симон
  - \*С). О.Конт
  - Д). К. Маркс
37. Жамиятни организм сифатида талқин қилган олим ким?
- А). Вормс
  - Б). Конт
  - \*С). Спенсер
  - Д). Дюркгейм
38. Социологияда илк бор уч босқич қонунини ким жорий қилган?
- \*А). О.Конт
  - Б). Г. Спенсер
  - С). Э. Дюркгейм
  - Д). М. Вебер
39. Илк бор социология муаммолари қайси фан тизимида ўрганилган?
- А). Биология

- Б). Иқтисодиёт
  - С). Тарих
  - \*Д). Фалсафа
- 40 Антик даврнинг муҳим социологик муаммоларининг тадқиқотини ифода этган «Сиёсат» асарининг муаллифи ким?
- А). Гераклит
  - Б). Платон
  - \*С). Аристотель
  - Д). Демокрит
41. «Жамиятни файласуфлар бошқариши лозим» деган ибора муаллифи
- А). М. Вебер
  - Б). Г. Спенсер
  - \*С). Платон
  - Д). Э. Дюркгейм
42. Социологияда гуманистик оқим асосчиси ким?
- А). О.Конт.
  - Б). Э.Дюркгейм
  - С). П.Сорокин
  - \*Д). М.Вебер
43. Социологизм тамойилининг асосчиси...
- \*А).Э.Дюркгейм
  - Б).М.Вебер
  - С).О.Конт.
  - Д). Г.Спенсер
- 44.Фундаментал социологиянинг мақсади...
- А). Социал воқеликнинг руҳий кўриниши
  - Б). Социал реалликнинг моҳияти
  - \*С). Социал оламнинг тўлиқ тасвирини яратиш
  - Д). Назарий асосларни ишлаб чиқиш
45. М. Вебер нечта ижтимоий ҳаракат типини ажратиб кўрсатади?
- А). 2 та
  - Б). 3 та
  - \*С). 4 та
  - Д). 5 та
- 46 Гипотеза деганда тушунамиз...
- А). Илмий таҳлил
  - \*Б). Илмий тахмин
  - С).Муаммонинг қўйилиши
  - Д). Муаммони тасвирлаш
47. Социологиянинг бошқа фанларга нисбатан мақоми қандай?
- А). У конструктив аҳамиятга эга
  - Б).У эмпирик базага эга
  - \*С). У умумдисциплинар фан
  - Д). У табиий фан
48. Очик ва ёпиқ жамиятлар назарияси муаллифи...

- А). Р. Спенсер
- \*Б). К. Поппер
- С). О. Конт
- Д). Г. Тард

49. Социал интеграция бу...

- А). Социал мобиллик ва ўзгартиришлар оқибати
- \*Б). Бир хилликлардан кўп хилликларга ўтиш
- С). Турли социал тизимларнинг ажралиши
- Д). Кўп хилликлардан бирхилликка ўтиш

50. Социал статика нимани ўрганади?

- А). Ижтимоий воқеликнинг табиий қонунларини
- Б). Воқеа ва ҳодисаларнинг ўсиш ва ривожланишини
- \*С). Ижтимоий элементларнинг мувозанатини, мавжудлик қонунларини
- Д). Статистик материалларни

51. Социал динамика нимани ўрганади?

- \*А). Жамиятнинг ўсиш, ўзгариш ва ривожланиш қонунларини
- Б). Жамият фаолиятининг қонунларини
- С). Социал қонунларнинг ўзаро алоқасини
- Д). Социал воқеликнинг устувор йўналишларини

52. Структура тушунчасининг мазмуни бу ...

- \*А). Асосий элементларнинг алоқаси ва тартибли жойлашуви
- Б). Ҳодиса ва предметларнинг моҳияти
- С). Гуруҳларнинг ўзаро муносабати
- Д). Категория ва тушунчаларнинг ишлаб чиқилганлиги

53. Қандай стратификацион тизим очиқ ҳисобланади?

- А). Кастали
- \*Б). Қатламли
- С). Синфийлик
- Д). Тоталитар

54. Девиант (оғишма ҳуқ-атвор) деганда нимани тушунади?

- А). Таркидунёчилик, зоҳидлик
- Б). Даҳолик
- С). Табаррук, илоҳийлик
- \*Д). Қотиллик

55. Менталитет тушунчаси нима?

- \*А). Индивид ёки ижтимоий гуруҳ, миллатнинг ўзига хос тафаккур тарзи
- Б). Жамият аъзоларининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳодисаларга билвосита муносабати
- С). Индивид ёки ижтимоий гуруҳнинг ҳуқ-атвори
- Д). Шахснинг касбий хусусияти

56. Бегоналашув нима?

- \*А.) Индивид ёки ижтимоий гуруҳнинг ижтимоий ҳаётдан ажралиб қолиши
- Б). Жамият аъзоларида ижтимоийлашув жараёнининг кучлилиги

- С). Жамият аъзоларининг бир-бири билан узвий алоқадор бўлиши  
Д). Индивиднинг жамият ҳаётидаги фаолияти
57. Вертикал социал мобилликка қандай эришиш мумкин?  
А). Шахсни уруш натижасида яшаш жойини алмаштириш  
Б). Бир шаҳардан бошқасига кўчиб келиши  
С). Саноатдан деҳқончилик фаолиятига ўтиш  
\*Д). Социал мақомини ўзгартириш
58. Авторитар жамиятга хос хусусият...
- А). Бир партиялик ва террор  
\*Б). Шахснинг сиёсий эркинликларини чеклаш  
С). Давлат мафкурасининг ҳукмронлиги  
Д). Жамиятни демократик принципда асосида бошқариш
59. Социологиядаги структур функционализм мактаби асосчиси...
- \*А). Т.Парсонс.  
Б). Леви-Стросс.  
С). П.Сорокин.  
Д). О.Конт
60. Индустриал жамиятга қандай хусусиятлар хос?
- А). Ахборотни ишлаш ва қайта ишлаш.  
\*Б). Ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш  
С). Турмуш тарзи пастлиги.  
Д). Қадриятлардан воз кечиш
61. Ишсизлик бу...
- \*А). Меҳнат биржасида рўйхатдан ўтган киши  
Б). Иш излаётган киши  
С). Ҳеч қаерда ишламаётган киши  
Д). Беғам киши.
62. Нуклеар қандай оила?
- А). Оила аъзолари бир хил ижтимоий гуруҳга мансуб оилалар  
Б). Оила аъзолари миқдори 5-6 кишидан иборат оилалар  
С). Эр-хотин турмуш қурмаган фарзандлари билан бирга яшайдиган оилалар  
\*Д). Икки ёки ундан ортиқ оилалар истиқомат қиладиган оилалар
63. Қуйидагилардан қайсилари ирқий-антропологик мактаб вакиллари ҳисобланади.
- А). Аристотель, Платон, Флоробий, Конт  
\*Б). Габино, Челберлен, Ляпуж, Аммон  
С). Э.Дюркгейм, М.Вебер, Г.Спенсер  
Д). М.Вебер, Шюс, Зиммел
64. “Социал стратификация” тушунчаси қайси фандан кириб келган?
- А). Фалсафадан  
Б). Биологиядан  
\*С). Геологиядан  
Д). Сиёсатшуносликдан
65. М. Вебер фикрича ташкилот нима орқали бошқарилади?

- \*А). Бюрократия
  - Б). Демократия
  - С). Ўзаро келишув орқали
  - Д). Рахбар хоҳиш иродаси билан
- 66.Қайси ҳолат демократик жамиятга хос эмас?
- А). Ҳокимиятнинг 3 тармоққа бўлиниши
  - Б). Қонун устуворлиги
  - \*С). Бир укладли иқтисод
  - Д). Инсон ҳуқуқларига амал қилиниши
- 67.Миграция жараёни социал мобиллик (ҳаракатчанлик)нинг қайси турига киради?
- А). Вертикал
  - Б). Горизонтал
  - \*С). Гуруҳий
  - Д). Структуравий
- 68.Озчилик ҳокимияти- . . . дир.
- А). Монархия
  - \*Б). Олигархия
  - С). Аристократия
  - Д). Республика
- 69.Монархия-бу ... ..ҳокимияти?
- А). Озчилик
  - \*Б). Якка шахс
  - С). Кўпчилик
  - Д). Қонунчилик
- 70.Махсус ва тармоқ социологияси .....билан шуғулланади.
- А). Эмпирик малумотлар тўплаш
  - Б). Жамият ривожини қонунларини ўрганиш
  - \*С). Жамият ҳаётининг алоҳида тизимчалари таҳлили
  - Д). Макротизим таҳлили
- 71.Синфли стратификация қандай жамиятга хос?
- А). Анъанавий жамият
  - Б). Демократик
  - С). Аграр
  - \*Д). Тоталитар
72. Девиант ҳаракат- ...
- А). Социал меъёрларга амал қилиш
  - Б). Анъаналарга содиқ бўлиш
  - \*С). Социал меъёрларга амал қилмаслик
  - Д). Динга катта эътибор қаратиш
- 73.Постиндустриал жамиятларда асосий қадрият нима ҳисобланади?
- А). Пул
  - Б). Ҳокимият
  - \*С). Билим, малака
  - Д). Дин

74. Анархия-бу . . . дир.

- А). Бир кишининг ҳокимияти
- \*Б). Бошбодқлик
- С). Озчилик ҳокимияти
- Д). Қонунийлик

75. Горизонтал социал мобилликда нима ўзгаради?

- А). Кишининг социал статуси
- \*Б). Кишининг фаолият кўрсатадиган соҳаси
- С). Киши эътиқод қиладиган дин
- Д). Кишининг сиёсий қарашлари

76. Социологияда «Позитивизм» сўзи қандай маънони англатади?

- А). Янги
- \*Б). Ижобий
- С). Салбий
- Д). Интилиш

77. Вертикал социал мобилликда нима ўзгаради?

- А). Худуд
- Б). Дин
- С). Фаолият соҳаси
- \*Д). Мақом

78. Социология парадигмаларига кирмайдиган парадигмани кўрсатинг.

- А). Функционализм
- Б). Конфликт
- \*С). Синергитика
- Д). Социал ҳаракат

79. Нима учун О.Конт ўзи яратган таълимотни дастлаб «позитив фалсафа» деб атаган?

- \*А). Анъанавий фалсафадан фарқлаш учун
- Б). Фалсафага қайта муружаат қилиш учун
- С). Фалсафадан методология сифатида фойдалангани учун
- Д). Фалсафа методларини ўзлаштиргани учун

80. «Протестант ахлоқи ва капитализм руҳи» асарининг муаллифи ким?

- А). Г.Парсонс
- \*Б). М.Вебер
- С). О. Конт
- Д). Р. Спенсер

81. «Жамият-бу организмдир» деган иборанинг муаллифини кўрсатинг

- А). Аристотель
- Б). Платон
- С). О. Конт
- \*Д). Р.Спенсер

82. «Позитив фалсафа руҳи» асарининг муаллифи...

- А). Платон
- Б). Аристотел
- С). Р. Спенсер

\*Д). О. Конт

83. Куйидаги йўналишлардан қайси бири социологиянинг тор доирада фаолият кўрсатадиган фанга айланишига хавф солади?

А). Позитивизм

Б). Неопозитивизм

\*С). Эмпиризм

Д). Реализм

84. Геллап жамоатчилик фикрини ўрганиш институти қайси мамлакатда фаолият кўрсатади?

А). Германия

Б). Франция

\*С). АКШ

Д). Норвегия

85. Ижтимоий ҳодисаларни инсон тафаккурининг ҳосили деб эътироф этувчи социологик йўналиш....

А). Неопозитивизм

\*Б). Феноменология

С). Реализм

Д). Эмпиризм

86. Структура тушунчасининг мазмуни бу ...

\*А). Элементларнинг алоқаси ва тартибли жойлашуви

Б). Ҳодиса ва предметларнинг моҳияти

С). Гуруҳларнинг ўзаро муносабати

Д). Категория ва тушунчаларнинг ишлаб чиқилганлиги

87. Социология дастлаб қандай ном билан аталган?

А). Сиёсий арифметика

Б). Тарихий таҳил

\*С). Социал физика

Д). Метафизика

88. О. Конт таъбирича социология қайси фанга кўпроқ таяниши керак?

А). Химия

Б). Фалсафа

\*С). Биология

Д). Астрономия

89. Қўйидагиларнинг қайси бири сўров методига киради?

А). Ҳужжатларни анализ қилиш

Б). Кузатиш методи

С). Эксперимент

\*Д). Интервью

90. Респондент деганда кимни тушунаси?

А). Тадқиқот ўтказувчи

Б). Тадқиқот дастурини тузувчи

С). Тадқиқот саволларини тузувчи

\*Д). Тадқиқот саволларига жавоб берувчи

91. Интервьюер деганда кимни тушунаси?

- \*А). Тадқиқот ўтказувчи
  - Б). Тадқиқот дастурини тузувчи
  - С). Тадқиқот саволларини тузувчи
  - Д). Тадқиқот саволларига жавоб берувчи
- 92.Г. Спенсер ривожланишнинг қайси концепциясига қўшилади?
- А). Революцион
  - Б). Информацион
  - \*С). Эволюцион
  - Д). Модернистик
93. Социологик тадқиқотларда ахборот йиғишда кенг тарқалган метод қайси?
- \*А). Сўров
  - Б). Ҳужжатларни таҳлил қилиш.
  - С). Кузатув.
  - Д). Социал эксперимент
94. Социология фани қайси фан негизида шаклланди?
- А). Физика
  - Б). Математика
  - С). Психология
  - \*Д). Фалсафа
95. Амалий социологик тадқиқотлар қандай шароитларда ўтказилади?
- А). Етарли маблағ бўлганда
  - Б). Шароит такозо этганда
  - С). Анкета саволлари тайёр бўлганда
  - \*Д). Социал буюртма мавжуд бўлганда
96. Толерантлик деганда нима назарда тутилади?
- А). Жамиятда ягона диннинг мавжуд бўлиши
  - \*Б). Жамият азоларининг бағрикенглиги.
  - С). Жамиятда диний зиддиятларнинг мавжудлиги
  - Д). Ҳамма жавоб нотўғри
97. Эмпирик социология биринчи бўлиб қаерда вужудга келган?
- А). Ғарбий Европада
  - Б). Россияда
  - \*С). АҚШда
  - Д). Шарқда
98. Социометрия усули орқали қандай муносабатлар ўрганилади?
- \*А). Шахслараро муносабатлар
  - Б). Иқтисодий муносабатлар
  - С). Фақат сиёсий муносабатлар
  - Д). Ёшларга оид муносабатлар
99. Репрезентативлик деганда қуйидагини тушуниш лозим.
- А). Эмпирик амалий малумот
  - Б). Тадқиқот муаммосига оид барча тушунчалар
  - С). Тадқиқотнинг асосий мақсадини аниқлаш
  - \*Д). Бош тўплам хусусиятларини сараланганида акс этиши

